

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

**“ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИ  
ЎҚИТИШДА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАНИЛИШИ”**

**модули бўйича**

**Ў Қ У В – У С Л У Б И Й М А Ж М У А**

**Мазкур ўқув-услугий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 247-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди.**

**Тузувчи:**

**ЎзМУ доц.в.б. ф.ф.н.  
Д.М.Бозаров**

**Такризчи:**

**Фалсафа доктори  
(PhD)А.Ташанов**

*Ўқув -услугий мажмуа ЎзМУ услубий. кенгашининг 2017 йил 30 августдаги 1-сонли қарори билан тасдиққа тавсия қилинган.*

## МУНДАРИЖА

I. ИШЧИ ДАСТУР.....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.....	4
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	33
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР .....	<b>ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.</b>
V. КЕЙСЛАР БАНКИ.....	<b>ОШИБКА! ЗАКЛАДКА НЕ ОПРЕДЕЛЕНА.</b>
VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ.....	80
VII. ГЛОССАРИЙ .....	81
VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ .....	96

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ахборот ва коммуникация технологиялари соҳасида халқаро ҳуқуқий меъёрлар талабига жавоб бера оладиган мустаҳкам миллий қонунчилик базаси шакллантирилди. Замонавий талаб ва стандартлар ҳамда конституциявий тамойиллар асосида Ўзбекистон Республикасининг «Алоқа тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги Қонунлари ва бошқа бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бу борада «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши ахборот ва коммуникация технологиялари соҳаси жадал суръатлар билан ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда кўرғазмалик воситалари қўллаш мақсадга мувофиқдир. Улар, масалан, а) схема, диаграмма, цифралар; б) ҳужжатли ва бадиий фильмлар; в) бадиий адабиёт; г) мультимедиа ва бошқа кўринишларида бўлиши мумкин. Кенг маънода айтганда кўрғазмалик воқеликни конкрет ҳиссий об-разлар, тасаввурлар шаклида акс эттиришни билдиради.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” **модулининг мақсад ва вазифалари:**

Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказларининг устувор вазифаси тингловчиларнинг касбий тайёргарлигини ҳозирги замон талаблари даражасида ривожлантириш, уларда зарур билим, кўникма ва малакаларни замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли

фойдаланган ҳолда шакллантиришдан иборат. Ушбу жараёнда тингловчиларда:

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш;

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда схемла, диаграмма, цифралардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти;

- ижтимоий-гуманитар фанлар мавзуларини ўз ичига қамраб олган турли замонавий ахборот технологиялари, педагогик ресурслардан фойдаланиш зарурати;

- ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда интернет ресурсларидан фойдаланиш, шу фанлар доирасидаги сайтлар, интернет блоглари, ижтимоий тармоқлардаги фалсафий мақолаларни ўз ичига олган ахборот дастурлари билан ишлаш каби билим ва кўникмаларни ҳосил қилишдан иборат.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар.**

“Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш, фалсафий фанларни ўқитишда схемла, диаграмма, цифралардан самарали фойдаланишнинг аҳамияти, аynи шу йўналишлар мавзуларини ўз ичига қамраб олган турли замонавий ахборот технологиялари, хужжатли ва бадий фильмларни намойиш этиш, интернет ресурсларидан фойдаланиш, соҳага доир сайтлар, интернет блоглари, ижтимоий тармоқлардаги илмий мақолаларни ўз ичига олган ахборот дастурлари билан ишлашни **билиши керак**;

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш, масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асосларидан фойдаланиш; ижтимоий-гуманитар фанлардан масофавий таълимни ташкил қилиш усулларини қўллаш **кўникмаларига эга бўлиши зарур**;

#### **Тингловчи:**

- Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича машғулотларни ташкил этишда мультимедиа воситаларидан кенг фойдаланиш, масофавий таълим тизимлари имкониятларидан, интернет тармоғида мавжуд электрон ахборот ресурсларидан фойдалана олиш, очик онлайн курсларидан фойдалана олиш **малакаларини эгаллаши лозим**.

### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланиши” курсини ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши устувор ўринни эгаллайди:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, дарсларни муаммоли ўтиш, инсерт, биргаликда илм олиш ва суқротча баҳс, фалсафий дебатлар, кейс-стади ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги "Инновацион таълим технологиялари", "Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар", "Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш" ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат килади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилишини ўрганиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

**Модулнинг соатлар бўйича тақсимоти**  
**Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот-коммуникация**  
**технологияларини қўлланилиши**  
**Модул бўйича соатлар тақсимоти**

Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат						Мустақил таълим
	Хаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Жами	
		жумладан			Кўчма машғулот		
		Жами	Назарий машғулот	Амалий машғулот			
Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти	6	4	2	2		2	
Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари	6	4	2	2		2	
<b>Жами</b>	<b>12</b>	<b>8</b>	<b>4</b>	<b>4</b>	<b>-</b>	<b>4</b>	

### НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

**1-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.**

Жамият тараққиётида “электрон ҳукумат”нинг ўрни. Электрон ҳукумат ва ахборот хавфсизлиги. Ўзбекистонда технопарклар экотузилмаси ҳамда инновацион марказлар фаолияти. Ўзбекистондаги IT-старт-аппар. Ўзбекистонда “Amazon Web Services”, “Cisco”, “Facebook”, “Google Launchpad”, “Plug and Play Tech Center”, “42 School”, “Openbucks” лар фаолияти. Ўзбекистонда “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги, “Электрон тўловлар тўғрисида”ги, “Электрон тижорат тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги ва “Таров реестри тўғрисида”ги қонунларнинг аҳамияти.

Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича маъруза, амалий машғулот ва назорат ишларини ташкил этишда ахборот коммуникацион

технологияларининг роли. Ижтимоий-гуманитар фанлардан электрон форматдаги ўқув материалларини яратиш ва телекоммуникация воситаларини касбий фаолиятда қўллашнинг самарадорлиги. Ziyonet да веб сайт очиш ва маълумотларни жойлаштириш тартиби. POWER POINTда презентация яратиш механизми. WordPressда шахсий блог очишнинг аҳамияти. Java китоб яратиш дастурининг ўзига хослиги.

Ижтимоий-гуманитар фанларни кўргазмали ўқитишда мультимедиялар, фильм ва сериаллардан фойдаланиш зарурати. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда интернет ресурсларидан фойдаланиш технологиялари. Ижтимоий тармоқларда ижтимоий-гуманитар фанлар мавзуларига доир дастурлар ва гуруҳларни ташкил этиш зарурати. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда кўргазмалилик шакллари: Схема, диаграмма, цифралар. Ижтимоий тармоқлар орқали тарғиб қилинаётган мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда ахборот коммуникацион технологияларидан фойдаланиш усуллари.

## **2-мавзу: Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари.**

Автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими. Электрон кутубхона. Аудио ва видео материалларни он-лайн намойиш қилиш. Ижтимоий тармоқларнинг мақсад ва вазифалари. Интерактив хизматлар тушунчаси. Интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган интерактив хизмат турлари. Ҳозирги даврда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш учун янги имкониятларнинг очилиши. Ижтимоий-гуманитар фанлардан электрон кутубхона таҳлили учун маълумот манбалари. Ижтимоий-гуманитар фанлардан интернет журналлари ва газеталари. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг интернет нашриётлари. Электрон манбалар. Аудиокитоблар. Ижтимоий-гуманитар фанларга доир POWER POINT маҳсулотлари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг инновацион таълим технологиялари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Амалий машғулот мавзуси. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти**

Ҳозирги даврда ривожланган давлатларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишга қўйиладиган умумий талаблар. Республикамиз ва хорижий университетларда ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш бўйича ахборот-коммуникацион технологияларни қиёсий таҳлили. Ижтимоий-гуманитар фанлардан электрон форматдаги ўқув материалларини яратиш ва телекоммуникация воситаларини касбий фаолиятда қўллашнинг



самарадорлиги. Ziyonet да веб сайт очиш ва маълумотларни жойлаштириш тартиби. POWER POINTда презентация яратиш механизми. WordPressда шахсий блог очишнинг аҳамияти. Java китоб яратиш дастурининг ўзига хослиги.

## **2-Амалий машғулот мавзуси Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари.**

Ижтимоий-гуманитар фанларни кўргазмали ўқитишда мультимедиялар, фильм ва сериаллардан фойдаланиш зарурати. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда кўргазмалилик шакллари: Схема, диаграмма, цифралар. Ижтимоий-гуманитар фан мазмундаги хужжатли ва бадиий фильмлар. Ҳозирги даврда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш учун янги имкониятларнинг очилиши. Ижтимоий-гуманитар фанлардан электрон кутубхона таҳлили учун маълумот манбалари. Ижтимоий-гуманитар фанлардан интернет журналлари ва газеталари. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг интернет нашриётлари. Электрон манбалар. Аудиокитоблар.

Ижтимоий-гуманитар фанларни турли йўналиши бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолалар таҳлили. Мазмуни яқин бўлган хорижий ва маҳаллий дарслик, ўқув қўлланма ва мақолаларни солиштириш. Дарслик, ўқув қўлланмалар ва илмий мақолаларни танқидий таҳлил қила олиш. Ижтимоий-гуманитар фанларга доир POWER POINT маҳсулотлари. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг инновацион таълим технологиялари.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулни ўқитиш жараёнида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

маъруза ва амалий машғулотларни ўқишда замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва интерфаол педагогик усул ва технологиялардан фойдаланилади;

ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, график органайзерлардан, кейслардан фойдаланиш, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, блиц-сўровлардан ва бошқа интерактив таълим усуллари қўллаш назарда тутилади.

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ(АССИСМЕНТ)НИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

Жорий назорат(ассисмент)ни баҳолаш Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Тармоқ (минтақавий) марказида тасдиқланган шакллари ва мезонлари асосида амалга оширади.

Ушбу модулнинг жорий назорат(ассисмент)га ажратилган  
максимал балл-1 балл.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017 . – Б.39.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.
5. Альджанова И. “Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компитентликни шакллантириш воситаси сифатида” Педагогик таълим журнали, 2012 йил 4-сон, 46-бет.
6. Мусаева С. “Портфолионинг мақсад ва моҳияти” Педагогик таълим журнали, 2013 йил 1-сон, 20-бет.
7. Бегимкулов У, Т.Шоймардонов и др. Информационно-методическое обеспечение непрерывности образовательного процесса на основе электронного сопровождения. Материалы международной конференции. Санкт-Петербург (Россия), 2012 год, 5 стр.
8. Данелян Т.Я., Квятковский А.В. Информационные технологии в сфере юриспруденции. ЛЕНАНД 2017. 104с.
9. Евзрезов Д.В. Образование в условиях информационной глобализации: монография. Новосибирск Изд-во НГПУ 2013. 200с.
10. Сысоев П.В. Информационные и коммуникационные технологии в лингвистическом образовании. Изд.стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ 2015. 264с.
11. Трайнев В.А., Теплышев В.Ю., Трайнев И.В. Новые информационные коммуникационные технологии в образовании. Информационное общество. Информационно-образовательная среда. Электронная педагогика. Блочно-модульное построение информационных технологий. М. Издательско- торговая корпорация `Дашкови Ко` 2008. 320 с.
12. Федотова Е.Л. Информационные технологии в науке и образовании. Учебное пособие Высшее образование - М. : Форум, 2018. - 334 с.
13. Холушкин Ю.П., Витяев Е.Е., Костин В.С. Информационные технологии в гуманитарных исследованиях. Выпуск 18. Задачи археологии и методы их решения Новосибирск ИД Манускрипт 2013. 98с.

### Қўшимча адабиётлар:

1. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 2004, - 670 б.
2. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат бозоридаги энг янги тамойиллар: глобаллашув ва миллий манфаатлар// Меҳнат иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 2005. - 183 б.
3. Арипов М. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. -Т.: Университет, 2001. - 367 б.
4. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари. - Т.: Университет, 2000. - 132 б.
5. Абдуллаева М. ва бошқа. Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари/(илмий мақолалар тўплами)–Т.:”Ношир” МЧЖ.-2009.-207 б.
6. Балабанов И.Т. Интерактивный бизнес. - СП(б): Питер, 2001. - 314 с.
7. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. - 477 б.
8. Винер Н. Человек управляющий. - СП(б): Питер, 2001. - 288 с.
9. Винер Н. Кибернетика и общество. - М.: Наука, 1991. - 620 с.
10. Ёқубова М.И. Фан ахборотлашувининг жамият ривожигадаги ўрни./ Услубий қўлланма. –Т.: 2010. -43 б.
11. Ёқубова М.И. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви/ Услубий қўлланма.-Т.: Ношир-Нишон.-2010.-47 б.
12. Журналистика в информационном обществе// Под.Ред. Попова Л.Г. - М.: МГУ, 2001. - 276 с.
13. Затуливерет Ю.С. Информационная природа социальных перемен. - М.: СИНТЕГ, 2001. - 132 с.
14. Замонавий рақамли ахборот телекоммуникация ва компьютер технологияларини жорий этиш вазифалари.// Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. Қ.Назаров таҳрири остида. - Т.: Академия, 2005.
15. Иванова М. Институт развития информационного общества. - М.: Владос, 2002. - 840 с.
16. Киселев Ю.Н. Электронная коммерция: практическое руководство.- СП(б): ДиаСофтЮП, 2001. - 224 с.
17. Корогодина В.И., Корогодина В.Л . Информация как основа жизни.- Дубна: Феникс, 2000. -208 с.
18. Королёв Л.Н., Власов В.К. Компьютеризация в науке и производстве. - М.: Знание, 1988. - 35 с.
19. Кутыров В.А. Культура и технология: борьба миров. - М.: Прогресс, 2001. - 240 с.
20. Мамфорд Л. Миф машины. Техника и развитие человечества. - М.: Логос, 2001. - 408 с.
21. Масуда Е. Информационное общество-постиндустриальное общество. - М.: АГРАФ, 2002. - 225 с.
22. Маклуэн Г. Коммуникационная революция. - М.: Наука, 2000. - 75 с.
23. Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации.Путь разума.-М.:АГРАФ,2000.-224 с.

24. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. /Қ.Назаров ва бошқалар. ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.- Т.: Гафур Гулом нашриёти, 2007, 736 бет.
25. Мухамедова З. Таълимнинг инсонпарварлашуви.-Т.:1-ТашГосМИ, 2004
26. Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили/ М.Абдуллаева таҳрири остида -Т.:Ношир.-2010.- 93 б.
27. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. - 52 б.
28. Поликарпов Е.В. Информатизация общества - Ростов-на-Дону.: ФЕНИКС, 2004.- 154 с.
29. Свитич Л.Г. Социальная информатиология.-М.: Алгоритм, 2000.- 250 с.
30. Соколова А.Н., Геращенко Н.И. Электронная коммерция: мировой и российский опыт. - М.: Открытые системы, 2000. - 224 с.
31. Тацуно Ш.Технополис и будущее Японии.-М.:Синтег,2001.-164 с.
32. Тойнби А.Цивилизация перед судом истории.-М.:Рольф,2002.-592 с.
33. Тоффлер Э. Шок будущего. - М.: АСТ, 2001. - 669 с.
34. Тоффлер Э. Футурошок. - М.: АСТ, 2000. - 346 с.
35. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. Знание, богатство и сила на пороге XXI века. - М.: ООО АСТ, 2001. - 669 с.
36. Туленова К. Предвидение. - Т.: Шарк, 2001. - 110 с.
37. Усмонов И. Баркамол инсон одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 5 б.
38. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: Шарк, 2004, 424 б.
39. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт.// Илмий конференция материаллари.1-2 қисм.-2008 йил 21-22 феврал
40. Фомин Ю.А. Человечество в XXI веке. - М.: Синтег, 2001.- 80 с.
41. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.:Тафаккур, 2009, -446 б.
42. Чумаков А.Н. Глобализация и информационных процессов// Глобализация. - М.: Наука, 2005. - 580 с.
43. Чумаков А. Глобализация. Контуры целостного мира. - М.: Проспект, 2005. - 111 с.
44. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарк, 2003. - 509 б.

#### **Интернет ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:  
[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
4. <http://www.bank.uz/uz/publislVdoc/>
5. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
6. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
7. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
8. <http://www.intencia.ru>.
9. <http://www.anthropology.ru>
10. <http://www.ido.rudn.ru>.

11. <http://www.filosofia.ru>.
12. <http://www.falsafa.dc.uz>.
13. <http://www.phenomen.ru>.
14. <http://www.lib.ru/FILOSOF>.
15. <http://www.filam.ru/sait.phg>.

## 1. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўрганишга эндигина киришганлар эса аввал осонроқ услублар асосида ўз тафаккурларини ривожлантирадиган услублар асосида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шундай услублар қаторига “инсерт” услуби туради.

“Инсерт” услуби ёрдамида талабалар асосан соҳага тегишли матнлар (текстлар) ёрдамида ўз таҳлилий ва танқидий тафаккурларини ривожлантирадидилар. Шу орқали фанга тегишли янги ғояларни тушунишни ўрганадилар. Бу метод билан ишлаганда талабаларга муайян матн (Масалан, бирон муаллифнинг мақоласи ёки бирон олимнинг китобидан олинган кўчирма) тарқатилади. Улар текстни ўқиб чиқиб, варақ четларига (поляларига) ўз белгиларини қўядилар. Белгиларни олдиндан келишиб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу талабалар ишини теакшириш ва баҳолашни осонлаштиради. Белгилар қуйидагича бўлиши мумкин: талаба

« + » - белгисини ўзи учун янги фикр қаршисига қўяди.

« - » - белгисини ўз билимларига, фикрларига зид келадиган фикр қаршисига қўяди.

«V» - белгисини ўз фирларига мувофиқ келадиган фикр қаршисига қўяди.

«? » - белгисини ўзи тушуниб ета олмаган фикр қаршисига қўяди.

Талабалар тексни ўқиб чиқиб, тегишли белгиларини қўйиб чиққанларидан кейин ўқитувчи уларга қуйидаги жадвалга ўз белгиларини қўйиб чиқишларини тавсия этади.

V	-	+	?

Шундан кейин ўқитувчи “Инсерт” жадвалдаги бу ахборотни тартиблаштириб чиқади. Талабалардан ким ва нималарни тушуна олмаганларини ва ким, нималарни тушуна олганлари ўрганади. Бу унга талабаларни баҳолаш учун ҳам, келгуси маъруза ва семинарларда бунини ҳисобга олиши учун ҳам керак бўлади. Дарснинг кейинги босқичида ўқитувчи талабалар қилган ишлари асосида текстни муҳокама вилиб, ундаги зиддиятли ва тушунарсиз кўрин ерларини талабаларнинг ўзлари иштирокида таҳлил этиб, ёритиб олади, ишни хулосалайди.

Иш муҳокамасини билими унча юқори бўлмаган талабалардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шунда билими юқорироқ талабалар муҳокамада фаол иштирок этишлари, ўз билимларини мустаҳкамлаб, ўқитувчига ҳам ёрдам беришлари мумкин. Чунки, ушбу муҳокамада улар бошқалар тушуниб ета олмаган фикрларни тушунтириб берадилар ва талқинлари, тафаккурлари чиниқади.

Энди “**Биргаликда илм олиш**” методи ҳақида фикр юритамиз. Бу метод фақат семинар машғулотларида қўлланиши мумкин ва унинг хиллари жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириш учун вақт етмайди. Бу ерда биз улардан баъзиларини намуна сифатида кўрсатамиз. Шу намуналар асосида қолганларини ёш ўқитувчи ўзи кашф қилиши ёки бошқа манбаларни ўқиб, тушуниб олиши ҳам мумкин.

“**Ёзма ва оғзаки юмалоқ стол**” методи. Бу мавзунинг муҳокама этиладиган масаласи бўйича 3 босқичли галма гал фикр билдириш усулидир. Усулни қўллаш учун, аввало семинар гуруҳини ҳар бирида 5 талабадан иборат 4 та майда гуруҳларга ажратилади.

Биринчи босқичда, масалан, 1 ва 2 гуруҳ талабалари масаланинг жавобини ёзадилар, 3 ва 4 гуруҳ талабалари эса уларнинг жавобларини таҳлил қиладилар. Жавобда 1 ва 2 гуруҳ барча аъзолари қатнашадилар. Яъни гуруҳ аъзоларининг ҳар бири “юмалоқ стол” атрофида ўртага ташланган савол (масала) бўйича ўз фикрларини ёзма равишда билдирадилар. Бунинг учун жавоб қоғозга ёзилиши ва жавоб остига жавоб муаллифи ўз фамилиясини ёзиб қўйиши керак. Биринчи талаба жавобни ёзиб бўлгач, қоғоз билан ручкани ўзининг бошқа группадосига узатади ва ҳ.к. Шу тарзда қоғоз гуруҳининг 5 аъзосини айланиб чиқади ва таҳлил учун 3, 4 гуруҳларга узатилади. 3 ва 4 гуруҳ аъзолари жавобларни қиёсий таҳлил этиб, тегишли баҳолайдилар (“балл” қўядилар).

Иккинчи босқичда 3 ва 4 гуруҳ аъзолари мавзунинг иккинчи масаласи бўйича жавоб ёзадилар, 1 ва 2 гуруҳ талабалари эса уларнинг жавобларини таҳлил этиб, баҳолайдилар.

Учинчи босқичда “оғзаки юмалоқ стол” ўтказилади. Бунинг учун мавзунинг учинчи саволи 1,2 гуруҳ аъзоларига берилади. Улар оғзаки жавоб берадилар, 3,4 гуруҳдагилар эса жавобларни оғзаки муҳокама қилиб, оғзаки баҳолайдилар. Кейин мавзунинг тўртинчи саволи 3,4 гуруҳ аъзоларига берилади. Улар оғзаки жавоб берадилар, 1,2 гуруҳдагилар эса жавобларни оғзаки муҳокама қилиб, оғзаки баҳолайдилар.

“**Биргаликда илм олиш**” методининг иккинчи шакли: “**уч босқичли интервью**” дир. Семинарни бу метод асосида ўтказиш учун семинар гуруҳида ҳар бири 3 талабадан иборат (7 ё 8 та) майда гуруҳлар тузилади. Гуруҳчаларнинг аъзоларини А, Б, Г дейлик. Бунда А Бдан интервью олади, Г эса саволни ва жавобнинг асосий фикрларини ёзиб олади. Интервью олувчи ўз партнёрига ўйлаб жавоб бериши учун бир неча секунд вақт бериши ва асосий саволга жавоб тўлиқ чиқишига ёрдам берадиган қўшимча саволларни ҳам бериши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқичда роллар алмашади. Г А дан интервью олади, Б ёзиб олади.

Учинчи босқичда Б Гдан интервью олади, А эса ёзади. Демак, семинарни бундай ташкиллаш учун семинар асосий саволларни учтадан майда саволларга ажратиш керак бўлади. Саволлар сони гуруҳ ва гуруҳдагилар сонига боғлиқдир.

Дарс охирида интервью ёзувлари йиғиб олинади ва ўқитувчи томонидан ҳар бир гуруҳнинг, жумладан, ҳар бир аъзонинг иши объектив баҳоланади.

**“Биргаликда илм олиш”** методининг учинчи шакли сифатида бутун семинар гуруҳини 3 га - “савол берувчилар”, “жавоб берувчилар” ва “баҳоловчилар” – ажратиб, ҳар бирининг вазифаларини олдиндан тақсимлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Семинар қизиқарли ўйин тарзида кечиши учун савол берувчиларни “журналистлар”, жавоб берувчиларни “делегатлар”, баҳоловчиларни “кузатувчилар” ёки “ҳакамлар” ёки “арбитрлар” гуруҳи деб аташ ҳам мумкин.

Бу усулда семинар ташкил этилганда биринчи гуруҳ аъзоларига семинарда муҳокама этиладиган масалаларни ёритишга хизмат қиладиган саволлар рўйхатини дасдан аввал тайёрлаб келиш топширилади. Иккинчи гуруҳ аъзолари семинарнинг асосий саволлари бўйича жавоб беришга тайёрланиб келадилар. Учинчи гуруҳ аъзолари эса ҳар икки гуруҳ ишини , яъни савол-жавобларни эшитиб, баҳолашга тайёрланиб келади. Ўқитувчи учала гуруҳ ишини назорат қилади, керак бўлган ҳолларда мунозаранинг объектив ва адолатли бўлишига оид кўрсатмалар бериб туради.

Бу метод кучли гуруҳларда ва оғзаки ўтказилади. Гуруҳдагилар фаоллиги яхши бўлса, кейинги семинар ҳам айна шу усулда, фақат гуруҳларнинг роллари алмаштирилган ҳолда ўтказилади. Учинчи марта ҳам шу усул ролларни алмашлаб ўтказилганидан кейин бир цикл тугайди ва кейинги семинарларда бошқа услубларни қўллашга ўтиш мумкин ёки шу йўсинда давом этиш ҳам мумкин. Бу масалани гуруҳдагиларнинг реакциясига қараб аниқланади.

Дебат ўтказишда “кейс-стади” инновацион методини қўллаш мумкин. “Кейс” тушунчаси бирон бир фикрни тасдиқловчи (исботловчи) ёки инкор этувчи қисқача мазмун ифодасини (сюжетини ёки мундарижасини) билдиради. Рақобатдаги командаларнинг спикерлари (ораторлари, нотиклари) мавзунинг аспекти ва баҳс аргументлари акс этирилган кейсдан мунозара вақтида фойдаланадилар.

Кейс асосан икки шаклда – тасдиқловчи (исботловчи, маъқулловчи) ва инкор этувчи шаклда бўлади. Дебат олиб бориладиган гуруҳ ҳам шунга кўра иккига ажратилади. Дебатда мазкур кейс шакллари билан бири (тасдиқловчи кейс) олдин (биринчи босқичда), иккинчиси (инкор кейси) кейин (иккинчи босқичда), яъни навбати билан қўллангани учун “стади” (босқич) тушунчаси қўшиб қўйилган.

Кейснинг структураси, масалан, қуйидагича бўлади.



Мавзу шархи:					
Мавзу долзарблигини асослаш:					
Асосий тушунчаларнинг таърифлари:					
1 аспект		2 аспект		3 аспект	
Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент	Аргумент
Исбот	Исбот	Исбот	Исбот	Исбот	Исбот

Бу ерда “Аргумент” тушунчаси ишончли далилни, “Исбот” эса далилни қўллашга хизмат қиладиган фикрларни ифодалайди.

Кейсда бутун команда нуқтаи назари адекват (ҳеч кимнинг фикри ўзгартирилмасдан) тарзда ўз ифодасини топиши керак. Команда биринчи спикерларининг нутқларида мавзуни ва команда позициясини асословчи барча имконий стратегиялар бўлиши керак.

Кейс структураси мавзу шарҳидан (интерпретациясидан, талқинидан) бошланади. Мавзунинг умумий шарҳлари кўп бўлиши мумкин. Лекин дебат ташкил этилганида ҳар икки команда мавзунинг муҳим жихатларини яна бир бора аниқлаб олган бўлиши керак. Бу командалардан бири тоғдан гапирганда, иккинчиси боғдан гапирадиган бўлмаслиги учун зарур. Масалан, командалардан бири экологик муаммоларнинг фан-техника тараққиёти самараларидан бемеёр ва нораціонал фойдаланилиши муносабати билин келиб чиққани ҳақида гапириб турган пайтда иккинчи команда унга жавобан фан ва техника эришган буюк ютуқлар ҳақида гапириши тўғри эмас. Шунинг учун ҳам мавзу, унинг муҳокама этиладиган мавзу ва унинг асосий тушунчалари ҳар икки команда спикерлари томондан аниқ талқин этилиши ва кейсда бу талқин ёритилган бўлиши керак.

Кичик гуруҳларда ишлаш орқали таълим беришнинг интерфаол методлари. Дарслар янада сермазмун ўтиши ва ахборотга бой бўлишини таъминлашнинг кўп сонли методикалари мавжуд. Биринчи дарсда биз фаол методларнинг интерфаол методлардан фарқини кўриб чиқдик ва бу фарқларни тушунтирувчи схемани келтирдик. Бу ерда уларни қисқача такрорлаб ўтамиз. Дарс беришнинг фаол методларида аудитория ўзаро алоқага киришадиган икки тенг ҳуқуқли лагерь, яъни ўқитувчи ва талабалар лагери сифатида қаралиши мумкин бўлса, интерфаол методлар қўлланганда бу алоқа мураккаблашади. Аудиторияни бир-бири билан кўп тарафлама алоқаларга киришадиган, баҳс-мунозаралар ўтказадиган, турли хил нуқтаи назарларни муҳокама қиладиган, уларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган бир нечта тенг ҳуқуқли гуруҳларга ажратиш мумкин. Шундай қилиб, интерфаол методлар муҳокама жараёнига кўп сонли талабаларни жалб қилиш, гуруҳлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш имконини беради. Бундан ташқари, у дарсларни ўтказишнинг бошқа шакллари ёрдамида эришиш мумкин бўлмаган бошқа афзалликларга ҳам эга.

Кичик гуруҳлар тузиш.

Талабалар гуруҳларга бўлиниб ишлайдиган биринчи дарс ҳал қилувчи аҳамият касб этади. У гуруҳларга бўлиниб амалга ошириладиган ишнинг

йўналиши ва мўлжалларини белгилайди. Шу туфайли ҳам бунда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир.

*Биринчи кичик гуруҳ учун.*

1. Ўқитувчи гуруҳни белгилайди.
2. Энг фаол талабалар ёки бошқаришни самарали амалга оширишга қодир бўлган талабалар ҳақида ўйлаб кўриш керак.
3. Энг фаол ёки энг қобилиятли талабаларни танланг ва уларни ҳар бир гуруҳга киритинг.
4. Энг пассив талабаларни танланг ва уларни ҳар бир гуруҳга биттадан тақсимланг.
5. Ҳар бир гуруҳни яна тўрттагача талаба билан тўлдилинг.
6. Лидерлар гуруҳи билан учрашувни олдиндан ташкил этинг ва уларнинг вазифаларини тушунтиринг.
7. Дарсларда гуруҳнинг вазифаларини ва лидерларнинг вазифаларини тушунтириб беринг.
8. Ҳар бир гуруҳ давра куриб ўтисин. Токи ҳар бир иштирокчи ҳаммани кўриш имкониятига эга бўлмас экан, гуруҳ ишни бошламайди.
9. Иш жараёнида саволларга жавоб бериш учун ҳар бир гуруҳ атрофида айланиб юринг. Ўз кузатишларингиз ҳақида муҳокама охирида сўзлаб беринг. Бунда ҳар бир гуруҳда илгари сурилган энг яхши ғояга алоҳида эътиборни қаратинг.

*Кичик гуруҳларда ишлаш учун маслаҳатлар.*

1. Талабалар ишни бажариш учун зарур билим ва қўникмаларга эга эканликларига ишонч ҳосил қилинг.
2. Гуруҳга аниқ йўл-йўриқлар беринг. Бунда гуруҳ битта ёки иккитадан ортиқ йўл-йўриқларни (ҳатто улар ўта аниқ ва тушунарли бўлса ҳам) бажаришга қодир бўлмаса керак.
3. Кичик гуруҳга топшириқни бажариш учун етарли вақт беринг. Ишни бошқалардан олдин яқунлаган гуруҳни нима билан банд қилишни олдиндан ўйлаб кўйинг.
4. Мураккаб дастурни ишлаб чиқиш талаб этилган ҳолда 2–5 кишидан иборат гуруҳлар тузинг. Кичик гуруҳда муайян масалани муҳокама қилиш учун беш киши оптимал чегара бўлса керак.
5. Кичик гуруҳларда ишлашни ҳаётда одатдаги маърузалар ва гапириб беришлардан бирдан-бир четлашишга эмас, балки аудиторияда меъёрга айлантиринг.
6. Гуруҳ ишини баҳолаш тизимини иложи бўлса талабалар билан бирга ишлаб чиқинг. Сизнинг баҳолаш ва рағбатлантириш тизимингиз кичик гуруҳларда ишлашга қандай таъсир кўрсатиши ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳатто гуруҳга самарали ишлаганлик учун бериладиган мукофотларни тайёрлаш ҳам мумкин.
7. Гуруҳ ишининг натижалари қандай ифодаланиши лозимлигини аниқ тушунтириб беринг. Агар кимдир гуруҳ иши ҳақида тақдимотни бажариши лозим бўлса, мазкур талабани олдиндан танлаб олиш зарур.

8. Коллектив билиш фаолияти жараёнида чиқиши мумкин бўлган шовқин-суронга тайёр туринг.

9. Гуруҳларни шакллантириш чоғида талабаларга тазйиқ ўтказманг.

10. Нима бўлганда ҳам талабалар билан мулоқот қилинг, гуруҳлардаги иш жараёнини кузатинг ва унга баҳо беринг.

Раҳбар жамоани шакллантириш.

Гуруҳга умумий мақсадларни белгилаш ва уларга эришиш учун гуруҳ аъзоларининг куч-ғайратини бирлаштиришга ёрдам берувчи усуллар мавжуд. Чунончи, қуйидагиларни бажариш зарур:

муаммони ечиш усулини кўрсатиш, илгари таклиф қилинган ғояларни бирлаштириш;

гуруҳ ишининг йўналиши ва суръатига таъсир кўрсатиш, иш натижаларини муҳокама қилиш, иш мақсадларини ва вазифани бажариш учун қолган вақтни эслатиб туриш;

қарор қабул қилиш учун зарур ахборотни тўплаш;

шахсий тажриба билан боғлиқ бўлган ва мазкур муаммога тааллуқли фактлар ёки хулосалар ҳақида хабар бериш;

ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш, мисоллар келтириш, олдин илгари сурилган таклифларни асословчи далилларни топиш;

иш яқунларини кўриб чиқиш, илгари белгиланган мақсадлардан оғиш ҳолларини кўрсатиш.

Гуруҳда ижобий муҳитни яратишга ёрдам берувчи усуллар.

Бунга эришиш учун қуйидагиларни бажариш зарур:

гуруҳ аъзолари ўртасида муросаи мадорага келиш йўллариини излаш, аъзолар ва уларнинг фикрлари ўртасидаги келишмовчиликларни юмшатиш;

турли фикр-мулоҳазаларда умумий жиҳатларни топиш, уларга қисқача тавсиф бериш;

гуруҳ эришган натижаларга эътиборни қаратиш;

ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш учун хавфсиз муҳитни яратиш (иштирокчи ўз фикри кулги бўлмаслигига ишончи комил бўлиши керак);

гуруҳнинг умумий манфаатлари йўлида ўз ғояларидан воз кечиш;

кескинликни ҳазил билан юмшатиш;

ҳар бир вазиятда ўзини сипо тутиш.

Гуруҳ яхлит бир бутун организм сифатида ишлашига имкон бермайдиган деструктив хулқ-атвор турлари.

Қуйидагилар мумкин эмас:

мунозарани монополиялаштириш, гуруҳ устидан назорат ўрнатишга ҳаракат қилиш, бошқаларга халақит бериш;

шахсий хуружларга, нобоп ҳазилларга, ҳасадгўйликка йўл қўйиш;

ҳақоратомуз луқмалар ташлаш, бошқалар ҳис-туйғусига салбий таъсир кўрсатиш;

гуруҳ ёки унинг айрим аъзоларини манипуляция қилиш йўли билан обрў орттиришга ҳаракат қилиш;

ҳеч бир сабабсиз салбий реакцияни намоиш этиш (саботаж), гуруҳни у онгли равишда рад этган ишларга қайтаришга ҳаракат қилиш;

курук обрў излаш, кўпчиликнинг эътиборини ўзига қаратиш ва ўз шахсий ютуқларини кўкларга кўтариб мақташ;  
алоҳида имтиёзлар талаб қилиш;  
ўз фикр-мулоҳазаларини бошқаларга зўрлаб ўтказиш.

2. «Брейн-сторминг» (ақлий ҳужум) таълим методи сифатида. Мазкур метод талабаларнинг фаоллиги ва мустақиллигини рағбатлантириш, уларни ўз тасаввурлари ва ижодий қобилиятини ишга солишга руҳлантириш воситаси бўлиб хизмат қилади. Брейн-стормингни ўтказиш қоидалари мавжуд, талабалар иши гуруҳларда ташкил этилади, иштирокчиларни танлаш ва ролларни тақсимлаш қоидалари ишлаб чиқилган.

Ақлий ҳужум

Мақсади:

Ақлий ҳужум – муаммоларни ечишнинг кенг тарқалган ва фаол қўлланиладиган усули. У иштирокчиларни ўз тасаввурлари ва ижодий қобилиятини ишга солишга рағбатлантиради. Мазкур метод берилган ҳар қандай муаммонинг кўп сонли ечимларини топишга ёрдам беради. Ақлий ҳужум кадриятларни танлаш ва муқобилларни аниқлашга кўмаклашади.

Ақлий ҳужумни ўтказиш қоидалари

1. Мулоҳаза юритиш жараёнида баҳолар беришга йўл қўйилмайди. Агар сиз ғояларга улар хусусида мулоҳаза юритиш жараёнида баҳо берадиган бўлсангиз, иштирокчилар янги ва яхшироқ фикрлар ва ғояларни топишга эмас, балки ўз фикрлари ва ғояларини ҳимоя қилишга эътиборни қаратадилар. Баҳо бериш қоидалар қаторидан чиқарилиши лозим.

2. Ҳаммани кўп сонли ва қутилмаган ғоялар хусусида мулоҳаза юритишга рағбатлантириш зарур. Агар ақлий ҳужум жараёнида қутилмаган ғоялар туғилмаса, бу айрим иштирокчилар ўз фикр-мулоҳазаларини қайта кўришдан нарига ўтмаётганларини англатади. Улар ўз ғояларини таклиф қилишдан олдин уни аҳмоқона деб устимдан қулишмасмикан, деган хаёлда узок мулоҳаза юритадилар.

3. Ғояларнинг кўплиги рағбатлантирилади. Сон ҳар доим сифатга айланади. Қисқа вақт ичида кўп сонли ғоялар пайдо бўлса, уларга баҳо бериш, одатда, истисно этилади. Иштирокчилар ўз тасаввурларига эрк берган тақдирдагина яхши ғоялар туғилиши мумкин.

4. Ҳар ким бировнинг ғояларига таяниши ва уларни ўзгартириши мумкин. Илгари таклиф қилинган ғояларни бирлаштириш ёки ўзгартириш кўпинча янги ғоялар туғилишига олиб келади ва улар ўзига замин яратган эски ғоялардан яхшироқ бўлади.

Ақлий ҳужумни самарали ўтказиш босқичлари

Иштирокчиларни эмин-эркин услубда жойлаштиринг.

Ғояларни ёзиш учун хаттахта ёки қоғоз варақларини тайёрланг.

Муаммони аниқланг.

Иш қоидаларини белгиланг.

\* Ғояларга баҳо бериш мумкин эмас.

\* Талабаларга фикрлаш эркинлигини бериш зарур (ғоялар қанча кўп бўлса, шунча яхши, уларнинг сони кўп бўлишига эришинг).

\* Бошқаларнинг ғояларига таянинг (уларни бирлаштиринг, қайта ишланг ва ҳ.к.).

\* Ғояларни суриштиринг ва улар олинисига қараб, уларни тез ёзиб олинг.

\* Бошқаларнинг ғоялари устидан кулишларига, уларга кинояомуз шарҳ беришларига ёки уларни масхара қилишларига йўл қўйманг.

\* Токи ғоялар олинаётган экан, ақлий ҳужумни давом эттиринг.

Масалан, ижтимоий фалсафа курсида режалаштирилган экологик онгни шакллантириш фалсафий муаммосини ўрганиш жараёнида 15–20 минутли брейн-стормингни ўтказиш мумкин. Бунда Ўзбекистон аҳолисида экологик онг шаклланиши учун нима қилиш кераклигини талабалардан сўраш, уларга бу борада тегишли ғояларни илгари суришни таклиф қилиш мумкин. Брейн-стормингни ўтказишда 20 кишилик гуруҳни тўрт кичик гуруҳга ажратиш мумкин. Бу кичик гуруҳлардан ҳар бири мумкин қадар кўпроқ ғоялар таклиф қилиши лозим. Шундан сўнг, бутун гуруҳ ўқитувчи билан бирга энг реал ва амалга оширса бўладиган ғояларни танлайди ва муҳокама қилади. Вазифаларни тақсимлашнинг мазкур усули ғояларни шакллантириш жараёнига талабаларнинг барчасини жалб қилиш имконини беради.

Кейс-стади методи билан дарс бериш тушунчаси. Инглизча «кейс-стади» ибораси сўзма-сўз таржимада «таълим учун воқеа» деган маънони англатади. Яъни бу, одатда, ҳаётдан таълим учун мисол тариқасида олинган реал воқеадир. У муайян бадиий асардан, илмий мақоладан, журналда ёки газетада эълон қилинган мақоладан, фалсафий эсседан олиниси мумкин. Бундан ташқари, ўқитувчи муайян дарс мавзусига тегишли матн (мисол тариқасидаги воқеа)ни ўзи тайёрлаши мумкин. Бу воқеадан таълим жараёнида фойдаланиш учун унга саволлар, зарур ҳолда ўқшимча ахборот, шарҳлар ва ҳоказоларни ҳам тайёрлаш талаб этилади.

Пухта тузилган саволлар талабаларга муаммони мустақил англаб етиш ва маъруза мавзусининг мазмунини ёритишга ёрдам беради.

«Кейс» нима?

- ечиш талаб этиладиган муаммони ўз ичига олган реал вазият тавсифи

- одатда муайян нуқтаи назардан баён этиладиган, тингловчилар томонидан муҳокама қилиниши ва ечилиши лозим бўлган вазият

- аудиторияда муайян вазият юзасидан мавжуд имкониятлар ва таваккалчиликларни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш муҳитини яратиш

- келгусида янада муфассал тадқиқотларни ўтказиш учун материал

Кейсни муҳокама қилиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши лозим:

кейс мазмуни билан индивидуал танишув.

Талаба матн билан танишиши ва уни яхши тушуниб етиши учун вақт ажратиш шарт. У матн билан танишиб чиққанидан сўнг навбатдаги босқичга ўтиш мумкин:

кичик гуруҳларда муҳокама қилиш.

4–5 кишилиқ гуруҳлар тузар экан, ўқитувчи бир нечта мақсадни кўзлайди: биринчи – муаммони ечиш жараёнига барча талабаларни тўла жалб қилиш; иккинчи – кимдир муаммони яхши тушунмаган бўлса, унга буни талабаларнинг ўзлари тушунтириб берадилар; учинчи – гуруҳда вазифаларни тақсимлаш ёки тегишли саволларни ўртада тақсимлаш мумкин. Шундан сўнг ҳар бир саволни биргалашиб муҳокама қилиш зарур. Барча саволларга жавоб топилганидан сўнг аудиторияда умумий муҳокамага киришиш мумкин. Уни шундай ташкил қилиш мумкинки, бир гуруҳ муайян саволларга жавоб берсин (қайси саволларга жавоб бериш лозимлигини муҳокамага қадар улар билмасликлари керак). Бунинг учун ҳар бир гуруҳ вакили мазкур масала бўйича доклад (тақдимот) қилиши лозим. Ўқитувчи ҳар бир талаба ўз ўртоқлари билан фикр алмашиш имкониятига эга бўлишини кузатиб бориши керак.

## 2. «Кейс» методи билан дарс бериш принципиал схемаси.

Процедуралар	Иш шакли
Муайян муаммоли вазият билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кейс матни билан индивидуал танишув</li> </ul>
Талабалар муаммоларни мустақил белгилашлари ва уларни ечиш йўлларини излашларини рағбатлантириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кичик гуруҳларда ишлаш</li> <li>• ўқитувчининг йўл кўрсатувчи саволлари (Сократ методи)</li> <li>• гуруҳда умумий мунозара</li> <li>• дебат методи, кейснинг ёзма таҳлили</li> </ul>
Талабаларни ҳозирги замон фани тақлиф қилаётган ёндашувлар, концепциялар ва ечимлар билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>• маъруза</li> <li>• умумий мунозара пайтида ва у тугаганидан сўнг ўқитувчининг ремаркалари ва маслаҳатлари</li> </ul>

«Кейс» методи қуйидаги имкониятларни яратади:  
 муаммони кўриш ва англаб етиш  
 муаммоларни ечиш амалий кўникмаларини ривожлантириш  
 ахборотни саралаш кўникмаларини шакллантириш  
 ахборотнинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани кузатиш  
 кўникмаларини ҳосил қилиш  
 вазият билан боғлиқ муқобил ёндашувларни ўрганиш, бошқаларнинг фикрлари билан танишиш, ўз коммуникацион кўникмаларини ривожлантириш.

«Кейс» методи:

танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради  
масалани ечишга холисона ёндашишни ўргатади  
назария билан мустақамланган тажрибани ўзлаштириш имконини беради  
вазиятга нисбатан янгича кўз қарашни шакллантиришга ёрдам беради  
вазиятга таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва ҳисобга олиш  
имконини беради

бировнинг фикрига қулоқ солишни ўргатади  
саволлар бериш маҳоратини шакллантиради  
интуицияни ривожлантиришга қўмаклашади  
таҳлилий қобилиятларни ривожлантиради  
ҳаракат қилишни ва қабул қилинган қарор учун жавобгарликни ўз  
зиммасига олишни ўргатади

Кейслардан фойдаланиш методлари:

*индивидуал тақдимотлар*

*жамоавий тақдимотлар*

*гуруҳларда муҳокама ва сўнгра аудиторияда мунозара*

Кейсни гуруҳда муҳокама қилишни ташкил этиш

Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратишдан олдин ўқитувчи ўзига бир нечта саволлар бериши керак. Чунончи:

1. Гуруҳларни ажратишни қайси принципга мувофиқ амалга ошириш керак?

2. Муҳокама учун неча кишидан иборат гуруҳ оптимал бўлади?

Биринчи саволга жавоб бериш учун ўқитувчи талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини яхши билиши керак. Агар у буни билмаса (мазкур аудитория билан биринчи марта ишлаётган бўлса), муайян психологик тестлар ёрдамида талабаларнинг керакли хусусиятларини аниқлаши мумкин. Ўқитувчига кичик гуруҳларни шакллантиришга ёрдам берувчи энг содда тестни 10–15 минут мобайнида ўтказиш мумкин. Талабаларга қуйидаги уч саволга алоҳида қоғоз варақларида, аноним тарзда жавоб беришни таклиф қилиш зарур:

1. Ўқиш юзасидан маслаҳат сўраб гуруҳ аъзоларидан кимга мурожаат этган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

2. Оғир сафарга гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга чиққан бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

3. Бўш вақтни гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга ўтказган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).

Бу саволларга жавобларни таҳлил қилгандан ва муайян талабаларга берилган овозларни ҳисоблагандан сўнг ўқитувчи ўқишда лидерларни, мушкул вазиятдан чиқишда лидерларни, шунингдек гуруҳда обрўга эга «ноформал лидерлар»ни аниқлайди.

Талабаларни кичик гуруҳларга шундай тақсимлаш керакки, кичик гуруҳдан лидерларнинг юқорида зикр этилган гуруҳларидан биттадан вакил ўрин олсин. +олган талабаларни (биринчи марта) гуруҳларга тақсимлашни эркин амалга ошириш мумкин.

Сўров натижалари ошкор қилинмаслиги мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни мустақил равишда шакллантиради ва фақат ҳар бир гуруҳ аъзолари рўйхатини ўқиб эшиттиради.

Иккинчи саволга жавоб беришда ўқитувчи барча талабаларни ишга жалб қилиш учун гуруҳ 4–6 кишидан таркиб топиши лозимлигидан келиб чиқиши керак. Бироқ қоидадан истисно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кейсинг катталиги ёки оғирлик даражаси билан белгиланади. Бундай ҳолларда ўқитувчи гуруҳларнинг сон таркибини аниқ белгилайди.

Кичик гуруҳларда муҳокама – у нима беради?

Бу методдан фойдаланиш:

- Талабаларга ўз ғояларини баён этиш имконини беради
- Муаммоларни ечиш кўникмаларини оширади
- Талабаларга бир-биридан ўрганиш имконини беради
- Таълим жараёнига ўта масъулият билан ёндашишни ўргатади
- Жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантиради
- Шахсинг қимматини аниқлашга ёрдам беради

Афзалликлари

- Талабалар ўз таълим жараёнини назорат қилишлари учун кенг имконият яратади
- Ҳар бир талабанинг иштироки рағбатлантирилади
- Талабаларнинг ўқитувчига қарамлик даражаси пасаяди
- Вазиятни ўзлаштириш ва тушунишни баҳс-мунозара воситасида кучайтириш имконини беради

Кичик гуруҳларда муҳокамага киришишдан олдин Сиз қуйидагиларни билишингиз керак

- Гуруҳ мунозарага қанча вақт ажратилганини билиши лозим
- Талабалар, ҳатто улар бошқаларнинг фикрига қўшилмасалар ҳам, бир-бирларини тинглашни ўрганишлари керак
- Мунозарада устунлик бир ёки икки киши томонида бўлмаслиги керак
- Саволлар мунозарага йўл кўрсатишга ёрдам беради

Кейслар билан ишлаш тартиби

- *Асосий муаммони аниқлаш*
- *Асосий муаммога турли омиллар қай даражада таъсир кўрсатишини аниқлаш*
- *Асосий ва иккинчи даражали омилларни ажратиш*
- *Муаммони ечишнинг муқобил йўллари кўриб чиқиш*
- *Оптималь ечимни танлаш*

Кейсни кичик гуруҳларда муҳокама қилишдан ташқари, уни ҳар бир талабага мустақил англаб етиш учун бериш мумкин. Талабанинг ёзма иши кейс саволларига жавоб бериш натижаси бўлиши мумкин.

Кейсни ёзма таҳлил қилиш ҳозирча фақат ақлда мавжуд бўлган ғояларни қоғозда аниқ акс эттиришни ўргатади, танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради, билимларни чуқурлаштиради, ўз нуқтаи назари, ёзиш услубини топишга ёрдам беради, мутолаа қилиш кўникмаларини



ривожлантиради, яъни талабалар «ёзувчилар каби ўқиш»ни ўрганадилар ва кўйилган мақсадга эришиш учун матнни қандай тузиш кераклигини яшироқ тушуна бошлайдилар.

Кейснинг ёзма таҳлилини тайёрлаш

Вақт улуши	%
• Кейсни биринчи ўқиш ва мустақил таҳлил қилиш	20
• Омилларни таҳлил қилиш учун гуруҳда биринчи учрашув	11
• Кейсни иккинчи ўқиш ва биринчи ҳисоботни тузиш (қоралама)	20
• Гуруҳнинг аниқлик киритувчи иккинчи учрашуви	11
• Ёзма таҳлил бўйича тўлиқ ҳисоботни ёзиш, энг муҳим жиҳатларни акс эттирувчи конспектни тайёрлаш	27
• Матнни текшириш ва хатоларни тузатиш, матнга тегишли тузатишлар киритиш ва уни маромига етказиш	11

Фалсафадан дарсларда талабалар кейс методи ёрдамида ахборотни идрок этиш даражасидан уни тушуниб етиш даражасига, сўнгра Блум таксономиясида тавсифи келтирилган қолган даражаларга ўтади. Афсуски, маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишнинг одатдаги шакллари ёрдамидагина таълим олувчи талабалар билиш ва тушуниш даражасидан нари ўтмайдилар. «Кейс-стади» методи эса вазиятга бевосита кириш, уни «бошдан кечириш» имконини беради. Матн охирида педагог томонидан моҳирона тузилган саволлар таълим олувчи таксономиянинг олти даражасидан тўлиқ ўтиши учун талабаларни жавобларни излашга рағбатлантириши лозим.

Блум таксономияси бўйича билишнинг олти даражаси

Билимлар	Фактларни излаш, эслай олиш (тавсифлаш, аниқлаш, тиклаш, айтиш, тадқиқ этиш, кўрсатиш)
Тушуниш	Гапириб бериш, шарҳлаш, тушунтириш, тавсиф бериш
Амалда қўллаш	Бошқа (янги) шароитларда фойдаланиш (ишга солиш, ечиш, эксперимент ўтказиш, башорат қилиш)
Таҳлил қилиш	Муносабатларни ёритиш – материални таркибий қисмларга ажратиш, тизимлаштириш (алоқаларни топиш, боғлаш, ажратиш, таснифлаш, гуруҳлаш, тизимга солиш, категорияни аниқлаш)
Синтез қилиш	Исмлардан янги яхлитликни яратиш (тузиш, бирлаштириш, таърифлаш, жамлаш, гипотезаларни илгари суриш)
Баҳолаш	Ечиш (баҳолаш, асослаш, далиллар келтириш, категорияни аниқлаш)

Семинар машғулоти режаси

1. Бир нечта кейсни талабалар билан мустақил муҳокама қилиш.
2. Кейсларни ёзиш қоидалари.
3. Талабаларнинг билимларини «кейс» методи ёрдамида баҳолаш мезонлари.

«Кейс» методи керакми ёки керак эмасми?

- Бу қанақа маъруза бўлди?! Талабалар сиздан кўп гапирса! Структура деган нарсанинг ўзи йўқ, режани эса умуман унутибсиз!

Ўз ёш ҳамкасбининг дарсини кириб кўрган кекса тажрибали ўқитувчи – Саттор Маҳмудович ярим соатдан бери ҳовридан тушолмасди. Меҳнат фахрийсининг педагогик стажини ўттиз йилдан ошган ва у университетда дарс бериш методикаси бўйича эксперт вазифасини бажаради. Саттор Маҳмудович ҳар куни кўп сонли ҳамкасбларидан бирининг дарсини кириб кўради ва унга танқидий баҳо беради, йўл-йўриқлар кўрсатади. Шу кун у сиёсатшунослик кафедрасининг ёш ўқитувчиси Ботирнинг дарсига кирди. Ботир ўтган ёз «кейс» методи бўйича тренингдан ўтган ва янги семестрда ўзининг талабалар билан ишлаш методикасини бутунлай ўзгартирган эди. Бу мўйсафид экспертнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди.

- Сиз, ёшлар, нима учун доим велосипед ихтиро қилишга уринасизлар?! Ахир дарс беришнинг асрлар синовидан ўтган шакллари – маъруза ва семинар бор-ку. Маъруза – маърузага, семинар эса – семинарга ўхшаган бўлиши керак-да. Маърузада билим бериш, семинарда эса талабалар олган билимни аниқлаш керак. Аспирантурада сизга буни ўргатишмаганми?!

- Бироқ янги метод самаралироқ-да...- деб эътироз учун оғиз очди Ботир.

- Анъаналар ва тажрибага беҳурматлик қилмаслик керак, - дея унинг гапини бўлди эксперт. – Биз умр бўйи шундай дарс берганмиз ва шўро таълим тизими дунёдаги энг яхши таълим тизимларидан бири бўлган! Ундан кейин... ишчи дастур, иш режаси бор-ку! – Саттор Маҳмудович папкадан ишчи дастурни олди ва қаншарига улкан кўзойнакни кўндирди. – Режага мувофиқ сиз бугун маърузанинг беш масаласини ёритишингиз керак эди! Сиз бўлсангиз дарс мобайнида фақат талабаларнинг баҳс-мунозараларини тингладингиз, мунозара жараёнига ора-сира аралашиб турдингиз!

- Ахир ўқув адабиётларини улар ўзлари ўқиб олишлари мумкин-ку. Бу ерда энг муҳими уларда мустақил ўқиб-ўрганишга қизиқиш уйғотиш, бунга уларни рағбатлантириш. «Кейс» методи бу вазифани бажаришнинг энг яхши усули! – деб хаёлидан ўтказди Ботир, лекин қарияга эътироз билдириб ўтирмади.

Эксперт жиғибийрон бўлишда давом этди, ёш новатор эса юзини қўлига тираб ўтириб ўйлар эди: «Бошимни оғритиб нима қилардим? Ойига атиги ўн беш минг тўлашса... Ҳамкасбларим ғояларимни тушунишмаса, боз устига, Саттор Маҳмудовичдан ҳам гап эшитдим! Ҳамма қатори ишлаганим яхши эмасми?»

Кейсга саволлар.

1. Бу кейс нима ҳақида?
2. У факультетингиздаги вазиятни акс эттирадими?
3. Ўқитувчининг талаблари қандай? (Таърифланг).

4. Талабаларнинг талаблари қандай? (Таърифланг).
5. Ўзингизни ўқитувчининг ўрнига қўйиб кўринг. Сизнинг ҳаракатларингиз?
6. Бу вазиятдан чиқиш учун сиз нима таклиф қилган бўлардингиз?
7. Семинар машғулотларини ўтказишнинг қайси шакллари иккала тарафнинг талабларини ҳисобга олиш имконини беради?

Бу кейсни талабалар муҳокамасига киритиш мумкин. Бунинг учун муҳокама қилиш талаб этиладиган баҳсли масалаларни олдиндан тайёрлаш зарур. Бу кейслар ўз мазмунига кўра фалсафадан дарс бериш методикаси бўйича машғулотларга мос келади, бироқ уларни бошқа фанлардан ҳам олдиндан тайёрлаш мумкин. Масалан, «Фалсафий антропология» фанидан дарсларда экзистенциалист-файласуфлар – А.Камю, Ж.П.Сартр ва бошқаларнинг асарларидан парчалар бериш, инсон ҳаётининг мазмуни, ҳаёт ва мамот масалаларига доир фикр-мулоҳазаларни келтириш мумкин.

Кейслар сифатида газета ва журналларда эълон қилинган мақолалар, фалсафий ва мафкуравий муаммоларга бағишланган бадиий ҳикоялар хизмат қилиши мумкин. Бу ерда дарс мавзусига таянган ҳолда уларни тўғри танлаб олиш ва мазкур мавзуга оид масалаларни муҳокама қилиш муҳимдир. Бу анча оғир иш бўлиб, ўқитувчидан катта маҳорат талаб қилади, чунки матнни муҳокама қилиш жараёнида талабаларнинг қизиқиши улар учун қизиқарлироқ бўлган, бироқ жорий мавзунини ҳисобга олмайдиган бошқа муаммога ўтиб кетиши мумкин.

Талабалар ахборотни идрок этишининг психологик хусусиятлари. Нейролингвистик дастурлаштириш (НЛД) асосчилари одамларнинг идрок этиш қобилияти хусусиятларини ўрганиш учун кенг кўламли тадқиқот ишларини амалга оширганлар. Инсонда ахборотни идрок этишнинг қайси ҳиссий воситаси яхши ривожланган бўлса, унинг фикрлаш усуллари ва дунё ҳақидаги тасаввурлари ҳам шунга мос равишда ривожланиши аниқланган. Идрок этишнинг мазкур хусусиятларини кўришга, эшитишга ва ҳис қилишга асосланган идрок этиш воситаларига ажратиш мумкин. Дунёни идрок этишда кўриш қобилиятини кўпроқ ишга соладиган кишиларни визуаллар (лотинча *visi* – кўрмоқ сўзидан) деб, овозли ахборотдан кўпроқ фойдаланувчиларни – аудиаллар (лотинча *audi* – эшитмоқ сўзидан) деб, сезиш ва ҳид билиш қобилиятларига таянувчиларни эса – кинестетиклар (*sensus* – сезги) деб атайдилар. Кишилар ўртасида алоқалар ўрнатиш ва уларни қувватлаш учун ким ахборотни қай тарзда идрок этишини билиш муҳимдир. НЛДга кўра, онг инсон тажрибасининг тасвирий, товушли, ҳидли ва таъмли образларининг ички ифодаси сифатида қаралиши мумкин. Ҳар бир инсон ўзини қуршаган воқеликни ўзича идрок этади. Масалан, кимдир тасвирий образларга таянган ҳолда, яна кимдир – товушларни идрок этиш йўли билан мулоҳаза юритади. Бу мойиллик амалда бўртиб намоён бўлмаслиги, яъни биз тасвирий образларни товушли образлар билан деярли тенг даражада идрок этишимиз мумкин. Ёки бир қобилиятнинг бошқа қобилиятдан устунлиги аҳамиятсиз бўлиши мумкин ва бу ҳолда кимдир бошқача ўйлаши мумкинлигини тушунишимиз анча қийин кечади. Амалда инсон дунёни идрок этиш учун

тасвирий образлардан кўпроқ фойдаланади. Кейинги ўринларда товушли ва кинестетик образлар туради. Ҳидли ва таъмли образлар, гарчи улар муайян хотираларда муҳим роль ўйнаши мумкин бўлса-да, кундалик ҳаётда кам ишлатилади, шу туфайли ҳам улар мулоқот жараёнида иккинчи даражали роль ўйнайди.

Ўзимиз ёки талабаларимизнинг идрок этиш қобилияти қандай хусусиятга эга эканлигини аниқлаш учун кичик бир эксперимент ўтказишимиз мумкин. Талабалардан ўз ҳаётларида илгари юз берган бирон-бир воқеани, масалан, олий ўқув юртига кириш пайтида топширилган тестларни бир варақ қоғозда қайд этишни сўраймиз. Улар бу воқеани қандай тасаввур қилишларига қараб, одамнинг қайси типга мансублигини аниқлаш мумкин. Бу қийин иш эмас. Масалан, буни мазкур одам матнни ёзишда ишлатган предикат сўзлар ёрдамида аниқлаш мумкин. «Визуал» одам (яъни ўзини қуршаган олам билан алоқага киришишда асосан тасвирий образларга таянишни маъқул кўрувчи одам) ўз матнида ўзи кўрган ва эслаб қолган тасвирий образлар ҳақида сўз юритади. «Аудиал» одам, ўз навбатида, асосан ўзи эшитган, «қулоғига чалинган» нарсалар ва воқеалар ҳақида гапирди. «Кинестетик» эса, «яхши» ёки «ёмон» ҳид келгани, ҳаво иссиқ ёки совуқ бўлгани, боши айлангани, кўнгли беҳузур бўлгани, қорни қаттиқ очгани ва ҳоказоларни эслайди. Матннинг ёзма таҳлилидан ташқари, идрок этиш хусусияти инсон қайси предикатлардан қай тарзда фойдаланишида ҳам намоён бўлади. Юқорида зикр этилган хусусиятларни билсангиз, суҳбатдошингиз ўз идрок этиш фаолиятида қайси сенсор каналларидан фойдаланишни афзал кўришини осонгина аниқлай оласиз. +уйида ўзаро мулоқотда айниқса кўп ишлатиладиган предикатлар – жумлалар ва ибораларни келтирамиз.

◆ *Визуал тип.* «Сиз нимани назарда тутаётганингизни кўз олдимга келтиряпман», «қоронғи жой», «бу кўринишдан...», «келинг, бунга бошқатдан қараймиз», «кўришдан хурсандман», «яхшироқ назар ташласак», «кўз кўрмаган», «мавҳум бўлиб кўринади», «ойдинлик киритсак» ва ҳ.к.

◆ *Аудиал тип.* «Ростини айтганда», «эшитмаганга олиш», «қулоққа лағмон осиш», «гап талашиш», «айтинг-чи», «қулоқ эшитмаган», «эшитган қулоққа» ва ҳ.к.

◆ *Кинестетик тип.* «Бир дақиқа тўхтаб турунг», «совуқ одам», «киришимли одам», «териси қалин одам», «фикримни илғади», «эътирозга ўрин қолдирмайдиган далил», «чапдастлик қилди», «бунга эришиш учун жойимдан ҳам қимирламайман», «бу менинг ҳамиятимга тегди», «буни мен жигарим билан ҳис қилдим», «сиз билан боғланаман» ва ҳ.к.

◆ *Ҳид ва таъм билувчи типлар.* «Бундан ёмон ҳид келяпти», «аччик кисмат», «атиргулдек хушбўй», «заҳарли нигоҳ» ва ҳ.к.

Шу туфайли ҳам, бирор киши билан гаплашар эканмиз, биз бошқа одам дунёни қандай тасаввур қилиши, қандай фикрлаши ва ҳис этишини, шу жумладан унинг сезгилари субмодал даражада қандайлиги ҳақида мулоҳаза юритган тақдирдагина суҳбатдошимиз билан ўзаро тил топишимиз мумкин.

Талабалар ҳам амалда дунёни идрок этиш усули бир хил бўлмаган кишилардир. Бироқ фалсафадан дарс беришда, одатда, инсон

сезгиларининг фақат бир канали – эшитиш қобилиятидан фойдаланадилар. Дарс беришнинг интерфаол методлари ахборотни идрок этишнинг бошқа каналлари – кўриш ва ҳис этишни ҳам ишга солиш имконини беради. Визуал-одам, агар у маъруза мазмунини жадвал ёки схема кўринишида тасвирланган ҳолда кўрса, уни ўзлаштириши анча енгиллашади. Кинестетик-талаба, агар у ахборотни ўз курсдошлари билан муҳокама қилса, уни ватманда мустақил равишда акс эттирса, брейн-стормингда теран ҳис қилса, мазкур ахборот унга мураккаб бўлиб туюлмайди.

Юқорида айтиб ўтилган психологик хусусиятлардан ташқари, ахборотни идрок этишнинг бошқа усуллари ҳам бор.

Психологлар ва нейрофизиологлар инсон миясининг чап ва ўнг палласи кишиларда ҳар хил фаолият турлари учун жавоб беришини аниқлаганлар. Чунончи, миянинг чап ярим палласи тил ва нутқ учун, мантиқийлик ва оқилоналик учун жавоб беради, миянинг ўнг ярим палласи эса кўриш қобилияти, воқеликни ижодий ўзлаштириш билан боғлиқ кўникмаларни бошқаради, фикрлаш қобилиятининг образлилиги ва ассоциативлиги учун жавоб беради.

Дарс бериш методикаси ҳақида гапирганда, яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш мумкин. Одатда, фан мантиқий ва оқилона билим сифатида идрок этилади. Олий ўқув юрларида дарс бериш айнан мантиқий услубда, ақл ва соғлом фикр асосида амалга оширилади. Яъни кўпроқ бош миянинг чап ярим палласи ишлайди. Чет тилларни ўрганиш тажрибаси хотирага бош миянинг ўнг ярим палласи, яъни ахборотнинг ассоциативлиги ва образлилиги жалб қилинса, ўрганилган сўзлар хотирадан абадий ўрин олишини кўрсатади. Чунки сўзнинг янграшини эслаб қолар эканмиз, биз унга бириктирилган ва унинг ортидан келувчи тасвирий, ҳидли ва ҳатто ҳиссий образларни ҳам эслаб қоламиз. Ахборотни узоқ муддат эслаб қолишнинг мазкур эффекти чет тилларгагина тегишли эмас. Фалсафадан дарсларда ундан ҳам фойдаланиш мумкин.

Ахборотни ассоциатив идрок этиш методлари кўп. Шулардан бири япон беш мисрали шеъри – синквейн ёзиш методидир.

Синквейн – беш мисрали шеър.

Синквейн – бу япон беш мисрали шеъри. Мазкур методика ахборотни англаб етиш жараёнига инсон онгининг одатдаги мантиқий фаолиятда ишга солинмайдиган соҳалари – ассоциатив тасаввур, шеърий ижод, интуиция, мавзунини ҳиссий идрок этишни жалб қилиш имконини беради.

Ахборотни мухтасар ифодалаш, мураккаб туйғулар ва тасаввурларни бир нечта сўз билан баён эта билиш муҳим қобилиятдир. У инсондан бой тушунчалар захирасига таянган ҳолда теран мулоҳаза юритишни талаб қилади. Синквейн – бу ахборот ва материални қисқа ибораларда синтез қилишни талаб этувчи шеърдир.

Амалиёт талабалар орасида мазкур соҳада анча иқтидорли бўлган шахслар мавжудлигини кўрсатади. Уларнинг айримлари ўзларида бундай қобилият борлигини ҳатто тахмин ҳам қилмайдилар. Ўз қобилиятини намоиш этиш, ўзида бу фазилатни кашф этиш имконияти пайдо бўлганда, талабалар буни

катта қизиқиш билан ва бажонидил амалга оширадилар. Фалсафий атама ёки категорияни шеърда ифодалаш, мазкур асарни мустақил ҳолда яратиш, ўзини ижодкор шахс сифатида ҳис қилиш имкониятини яратганингиз учун талаба сиздан беҳад миннатдор бўлади. Энг муҳими – мазкур атама ёки категорияни у бир умр ёдда сақлайди, чунки уни яратиш устида талабанинг ўзи заҳмат чеккан. «Материални ўзлаштириш пирамидаси» мазкур ёндашув талабага ахборотнинг қарийб 90% ни эслаб қолиш имконини беришини кўрсатади.

Синквейн ёзиш қоидалари:

1. Биринчи мисрада мавзу битта сўз (одатда от) билан ифодаланади.
2. Иккинчи мисрада мавзунинг тавсифи иккита сўз (икки сифат) ёрдамида келтирилади.
3. Учинчи мисрада мазкур мавзу доирасидаги ҳаракат учта сўз билан баён этилади.
4. Тўртинчи мисра мавзуга бўлган муносабатни намоёниш этувчи тўрт сўздан иборат жумладан таркиб топади.
5. Охириги мисра – бу мавзунинг моҳиятини такрорловчи бир ёки икки сўздан иборат синоним.

Бу ерда мисол тариқасида талабалар «Онтология» фанидан «Онғ» мавзуси бўйича дарсларда бажарган айрим синквейнларни келтириш мумкин.

*Олов*

*Асов, саркаш*

*Борлиқ қувончини берувчи*

*Эргаштирувчи, чексиз, оқил, жасур*

*У – фикр.*

Ёки бўлмаса:

*+уш*

*Эркин, сайроқи*

*Асирга тушган ва деворга урилаётган*

*Тушунилмаган, рад этилган, синдирилган, асир*

*Деразани очинг!*

Бу қандай бажарилади:

Ном (одатда от) \_\_\_\_\_

Тавсиф (одатда сифат) \_\_\_\_\_

Ҳаракатлар \_\_\_\_\_

Туйғу (жумла) \_\_\_\_\_

Моҳиятни такрорлаш \_\_\_\_\_

Гуруҳ ўз синквейнлари билан таништиргандан сўнг, улар мазкур синквейнлардан дарсда қандай фойдаланишни жуфт-жуфт бўлиб муҳокама қилишлари лозим. Бунда синквейнлар:

- 1) мураккаб ахборотни синтез қилиш воситаси сифатида;
- 2) талабаларнинг тушунчалар ва категориялар ҳақидаги билимларига баҳо бериш воситаси сифатида;
- 3) ижодий қобилиятни ифодалаш воситаси сифатида муҳим эканлигига эътиборни қаратиш зарур.

Синквейнлар тушунчалар ва ахборот хусусида мулоҳаза юритиш, уларни синтез қилиш ва умумлаштиришнинг илдам, бироқ самарали усули ҳисобланади.

Синквейн ёзишни талабаларга дарс тугашига ўн минут қолганда таклиф қилиш мумкин. У талабалар мавзу ҳақида олган билимларни чиройли қофияларда умумлаштириш имконини беради. Фалсафа ижодий қобилиятни намоён этиш учун бошқа фанларга қараганда кенгроқ имкониятлар яратади. Бу ерда интуицияни, ўзига хос фикрлаш услубини, гўзалликни ҳис қилиш қобилиятини ишга солиш мумкин. Талабаларда бу фазилатларни рағбатлантириш ва ривожлантириш зарур. Ҳатто уларга курс иши ёки реферат тарзида фалсафий дoston ёзишга рухсат бериш мумкин. Ахир Лукреций Кар ўзининг «Нарсалар табиати ҳақида» деб номланган достонида ўзининг космологик ва космогоник қарашларини ифодалашга муваффақ бўлган-ку!

«Кубик» - стратегия

«Кубик» - бу мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб мавзунини ўрганишни енгиллаштирадиган дарс бериш методикаси. Кубикдан мулоҳаза юритиш учун турли хил кўмакчи ахборотлар ёрдамида фойдаланилади.

Бунинг учун ҳар бир томонининг катталиги тахминан 15-20 кв. см бўлган кубик ясаш ва ҳар бир томонга 6 тадан кўмакчи ахборотни ёзиш керак. Масалан:

1. Бунга тавсиф беринг.
2. Уни таққосланг.
3. Унга ассоциацияни келтиринг.
4. Уни таҳлил қилинг.
5. Уни амалга татбиқ этинг.
6. Уни асословчи ёки уни рад этувчи далиллар келтиринг.

Жараён қуйидаги босқичлардан таркиб топади:

1) Мавзу берилади, сўнгра талабалардан мавзу ҳақида мулоҳаза юритиш ва унга тавсиф бериш, яъни предметни синчиклаб ўрганиш ва унинг ранги, шакли, жиҳатлари, белгилари ва ҳоказоларни тавсифлаш сўралади. Талабалар таклиф қилинган мавзуда жавобларни ёзма тарзда берадилар.

2) Шундан сўнг биринчи савол ўқилади. Предметга тавсиф беринг (уни ҳар томонлама тушунишга ҳаракат қилинг).

3) Уни бошқа предметлар билан солиштиринг, у нимага ўхшаши ва нимадан фарқ қилишини айтинг.

4) Ассоциацияни келтиринг, у сизга нимани эслатишини айтинг. Бунда ўз тасаввурингизни фаол ишга солинг.

5) Ўрганилаётган предметни таҳлил қилинг. Уни қандай бажариш мумкинлигини айтинг (ўйлаб топиш мумкин).

6) Уни амалга татбиқ этинг. У билан нима қилиш мумкинлигини, ундан фойдаланиш учун нима қилиш кераклигини айтинг.

7) Асословчи ёки рад этувчи далиллар келтиринг, ишонарли далилларни топишга ҳаракат қилинг.

Бу ёзма ишдан сўнг талабалар ўз жавоблари билан ўртоқлашадилар: жуфтликларга бўлиниб, кубикнинг ҳар бир томонидаги жавобларни бир-бирларига ўқиб берадилар.

2x2 – гуруҳ – талабалардан бири бутун гуруҳнинг ёзма жавобларини ўқиб эшиттиради.

«Кубик» методидан муаммони қўйиш ва мавзуни англаб етиш босқичида фойдаланиш мумкин.

Мавзуни пухта танлаш, бунда талабалар кўп нарсани билишлари зарур. Масалан, «Ижтимоий фалсафа» курсида «Ҳозирги дунёда глобаллашув» мавзуси бўйича талабаларга муаммони қўйиш босқичида берилган мавзуда «Кубик» методи ёрдамида мулоҳаза юритишни таклиф қилиш мумкин. Талабалар мантиқий фикрлаш услуби ва ижодий қобилиятларни ишга солиб, муаммо ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этишлари мумкин. Улар бу масала ҳақида янги билимларни олганларидан сўнг, янги маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, саволларга жавоб беришни таклиф қилиш мумкин.



### III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

**1 - МАВЗУ: Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти.**

#### **РЕЖА:**

1. Ҳозирги даврда ўқитишга бўлган умумий талаблар. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологияларининг роли.
2. Маърузани ўқиш методикаси ва нутқ маданияти.
3. Семинарга тайёрланишнинг ташкилий ва назарий жиҳатлари.

**Таянч иборалар:** Профессор, доцент, ассисент, дарс ўтиш шакллари, ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш, толерантлик, ижодий ёндошув, илмий ва ижобий қизиқиш, инновацион методлар, маъруза, методика, нутқ маданияти, технологик харита, маъруза матни, ишчи ёзув, методик ишланма.

#### **1. Ҳозирги даврда ўқитишга бўлган умумий талаблар. Ижтимоий-гуманитар фанларни ахборот коммуникацион технологияларининг роли.**

Таълимнинг сифатини ошириш, таълим стандартлари, ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни такомиллаштириш, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларни кенг жорий этиш тақозо этилади. Таълим муассасаларида ташкил этиладиган педагогик жараёнларнинг бугунги вазифаси талаба ёшларни кун сайин ошиб бораётган ахборот таълим муҳити шароитида мустақил равишда фаолият кўрсата олишга, ахборот оқимидан оқилона фойдаланишга ўргатишдан иборатдир.

Олий таълим тизимини ривожлантиришда инновацион технологияларни жорий этиш, таълимни бошқаришни такомиллаштиришни тақозо этади. Илғор педагогик кадрлар фаолияти ўрганилганда, ўқувчига нисбатан ишонч, мустақил фикрлашга имкон яратиш, ҳамкорлик қилишга интилиш яққол кўзга ташланади. Таълим

жараёнида ташкил этилаётган турли тадбирларни тайёрлашга ноанъанавий ёндашув тадбир жараёнини қизиқарли қилади.

Олий ўқув юртларида ўқитиладиган ижтимоий-гуманитар фанларнинг самаралилиги педагогик кадрларнинг материални кўргазмали баён қилишига, ўқитишнинг тасвирий ва овозли техникавий воситалардан фойдаланиб, жонли образлар ярата олишига боғлиқ. Жумладан, тарих, ҳуқуқ, иқтисод, миллий ғоя фанларида ахборот-коммуникацион технологияларининг мультимедиа воситалари асосида ўтилиши ўқув материалларини образлар кўринишида ифодалашдек муҳим имконияти мавжуд.

Мавзуга оид видеороликлар, тарихий фильмлар, слайдлар дарсларнинг янада самарали ва қизиқарли бўлишига яқиндан ёрдам беради. Маълумотларни матн кўринишида эмас, балки образлар кўринишида тақдим этиш ахборот технологияларининг таълим тузилишида ўзига хос инқилобий жараёнини ифодалайди. Маълумотномаларни образлар кўринишида тақдим этиш ўқитишга ва фикрлашга кескин равишда таъсир этиши мумкин. Кўрилган маълумот эшитилган маълумотга нисбатан хотирада узоқ сақланади, ўқувчи томонидан осон ўзлаштирилади ва унга ижобий таъсир этади.

Таълим жараёнида АКТларнинг самарали қўлланилиши нафақат ўзлаштиришга ижобий таъсир этади, балки ўқувчиларнинг шахс сифатида шаклланишига, мустақил ишлаш кўникмасининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир этади. Талаба ёшларда мультимедиа ахборот-технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим: Талаба ёшларда дарсда ва дарсдан ташқари вақтларда мультимедиа ахборот-технологияларидан фойдаланиш сифатларини шакллантириш ва ўстириш;• Талаба ёшларда мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш жараёнига таъсир этувчи асосий шарт шароитлар ва омилларни аниқлаш;

Шундай экан, олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларининг электрон вариантларини яратиш ва улардан фойдаланиш; дарсларда ўтиладиган педагогик технологияларнинг электрон вариантлари, ўқитувчилар учун қўлланиладиган педагогик технологияларнинг мультимедиа вариантларини яратиш ва уларни қўллаш лозим. Мультимедиа ахборот технологиядан фойдаланиш сифатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича устоз шогирдлар учун илмий методик тавсиялар ишлаб чиқиш лозим.

Устоз учун бирор фанни ўзлаштиришда шу фан бўйича бир қанча маълумотларнинг мавжудлиги, ундан фойдаланишнинг осонлиги ва соддалиги, уларда ушбу фанга бўлган қизиқишни оширади. Айниқса мультимедиа электрон дарсликлар кўргазмалиликни таъминлайди ва дарс олиш ҳолатларининг мавжудлиги, тасвирларнинг анимацион ҳаракатлари овозли ёзувлар ўқувчилар диққатини ўзига жалб этади. Бирор бир фаннинг электрон ўқув мажмуаси эса талабаларга

юқоридагидек, имкониятлар яратиши ва қизиқишлар уйғотишидан ташқари талабалар учун ҳам муҳим дастур ҳисобланади. Чунки унда юқоридагилардан ташқари устоз учун зарур бўлган шу фан бўйича давлат таълим стандарти, фан соатлари ўқитилишнинг намунавий календар режалари, ўтказиладиган назорат ишлари, мавзулар ва боблар бўйича тест саволлари, автоматик бажариладиган дастурлар ва бошқа бир қанча имкониятлар мавжуд. Хулоса қилиб айтганда таълим жараёнини инновацион ёндашув асосида олиб борилса, ўқувчилар дарснинг фаол иштирокчисига айланиб, дарсга бўлган муҳаббати кучаяди.

Ахборот-коммуникацион технологиялар педагоглар малакасини оширишда яна бир омилдир Маълумки, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури иккинчи босқичининг муҳим вазифаларидан бири ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимидаги педагог ва муҳандис педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишни давом эттириш саналади.

Ҳозирги кунда таълим соҳасида ўқитишни автоматлаштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўқитувчилар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида ахборот-коммуникацион технологияларидан фойдаланиш педагоглардан кўп изланиш, ўз устида мунтазам ишлашни талаб этади. Чунки замонавий ўқитиш технологияларидан дарс машғулотида фойдаланиш катта ижобий натижалар беради. Ўқитиш жараёнида замонавий коммуникацион технологиялар, яъни компьютер, мультимедиа воситалари, электрон дарслик кабилар электрон кўргазмали кўлланмалар тўплами ҳисобланади.

Интернет тармоғи орқали мамлакатимиздаги ҳар қандай таълим муассасасининг лаборатория ёки илмий маърузаларини ўрганиши мумкин. Замонавий коммуникацион технологиялари XXI аср янги маданиятининг ташувчиси бўлиб, тингловчиларнинг ахборот олиш маданияти ва компьютер саводхонлигини, ахборот технологияларнинг усул ва воситалари ҳақидаги билим ҳамда тушунчаларини шакллантириш учун хизмат қилмоқда. Шунингдек, билимларни чуқурлаштириш, ўқитиш муддатини қисқартириш ва бир ўқитувчига тингловчилар сонини оширишда компьютерли мультимедиа тизимлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Компьютерли дарс бериш тизимлари ахборот изчил равишда тақдим этиладиган видеокассетадаги курсларга қиёслаганда кучли тармок имкониятларига эга ва тингловчиларни қизиқтирган мавзуга тўғридан-тўғри уланишга йўл очади. Бу тизимлар билимларни ўзлаштириш, кўникмаларга эга бўлиш жараёнларини баҳолаш ва назорат қилишнинг самарали воситалари билан жиҳозланади. Бугунги кунда ўсиш даражаси, айниқса, техника соҳасида доимий янгиланишни талаб қилади. Демак, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимида ахборот-коммуникацион технологиялардан фойдаланиш кенг қамровли, юқори малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиши билан диққатга сазовордир.

Ахборот коммуникация технологияларни таълим жараёнига кенг жорий қилиш натижасида қуйидагиларга ҳам эришиш мумкин:

1. Электрон шаклдаги ўқув адабиётлари ва маъруза матнларининг мазмунини доимий равишда янгилаб ва бойитиб бориш имконияти туғилади.

2. Ўқув хонаси ўқувчилар учун интернет хонага айланиб боради.

3. Очiq университетларни йўлга қўйишга замин яратилиб, унда ўқувчилар республикамиздаги энг юқори малакали педагоглардан таълим олишга эришадилар. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда доимий равишда малака ошириш жараёни ҳам йўлга қўйилади, жумладан, дарс бераётган педагогларнинг ўзлари ҳам малакасини ошириши мумкин бўлади.

4. Электрон ўқув адабиётларини лойиҳалаштириш ва ишлаб чиқиш жуда кўп меҳнат талаб жараён ҳисобланади, лекин бир марта ишлаб чиқилгандан кейин улардан таълим жараёнида чексиз фойдаланиш мумкин. Бу эса ўз навбатида катта иқтисодий самара беради.

Малака ошириш тизимида ўқитувчиларнинг АКТ бўйича билимларини бойитиш ва ҳамда ахборот технологиялари ҳақида чуқур билим ва амалий кўникма бера оладиган педагогларни тайёрлаш муҳимдир.

Ахборот коммуникация технологияларни ўқувчиларга улар мактабда таълим олишни бошлаган вақтдан бошлаб оммавий равишда ўқитишни бошлаш керак, чунки бу даврда ўқувчиларда кўникмалар тез шаклланади.

Дарс жараёни мураккаб ижодий машғулот бўлганлиги боис унинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқитувчиларнинг маҳорати ва ижодкорлигига боғлиқ. Ўқувчиларни фаоллаштириш учун ахборот технологиялари, ўйин, баҳс, суҳбат, мусобақа, саёҳат, конференция, давра суҳбати, ролли ўйинларни қўллаш, китоб билан ишлаш, компьютер машғулотларига етарлича вақт ажратиш керак.

Таълим жараёнида ахборот коммуникацион технологияларнинг ўринли қўлланилиши, машғулотларнинг қизиқарли тарзда ташкил этилиши билан бирга ўқув материалларининг чуқур ўзлаштирилишига кенг имконият яратиш беради.

Таълим жараёнини яратилган мультимедиали ресурслар билан ташкил этиш албатта ижобий натижаларни кўрсатадики, мультимедиали иловаларнинг афзаллик томонларидан бири мавзуларга тегишли анимациялардан гипермуружаатлаш ёрдамида фойдаланиш имконияти мавжуд. Анимациялар ҳаракат ва овоз билан бойитилиши эвазига ўқув материалларининг мазмунини кенгроқ ва тушунарли тарзда ёритиб беради.

Давлат ҳокимият ва бошқариш органлари ахборот жамиятини куриш ва ахборот инфратузилмани ривожлантириш жараёнида жамиятнинг ахборот маконида “электрон ҳукумат” (инглизча – e-government) каби фаолият субъектини шакллантиради.

Мазкур атама ҳукумат институтлари ахборот технологияларининг шиддат билан ривожланиш жараёнида бошқа жамоатчилик институтлари ва механизмлари билан бир қаторда янги қиёфага - Internet каби глобал ахборот-телекоммуникацион тармоқларга асосланган виртуал ахборот муҳитда амал қиладиган проекцияга эга бўлганлиги туфайли пайдо бўлган. Глобал ахборот жамиятининг Окинава хартиясида (хартия – муҳим сиёсий-жамоатчилик

аҳамиятига эга бўлган ҳужжат) жумладан шундай дейилади: “Ахборот-коммуникацион технологиялар йигирма биринчи аср жамиятини шакллантиришга таъсир кўрсатадиган муҳим омиллардан бири бўлиб ҳисобланади. Уларнинг революцион таъсири одамларнинг турмуш тарзига, уларнинг маълумоти ва ишига, шунингдек ҳукумат ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро ҳаракатларига тегиб ўтади”.

Ахборот технологиялар, давлат аппарати учун, умуман олганда – бу шунчалик кенг соҳаки – у кўплаб таркибий қисмларга бўлиниб кетади ва электрон ҳукумат – ушбу соҳанинг ахборот технологияларидан фойдаланиладиган нисбатан унчалик катта бўлмаган соҳасидир.

Америка Қўшма Штатларида электрон ҳукумат деганда мамлакат аҳолиси (Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ва хорижий фуқаролар, масалан, сайёҳлар), шунингдек ҳукумат таркибига кирмайдиган тузилмалар билан ўзаро ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган давлат компьютер тизимлари тушунилади. Бизнес, жамоатчилик ташкилотлари, ҳудудий ва муниципал ҳокимият органлари ва ҳоказолар шундай тузилмалар бўлиши мумкин.

Шу билан биргаликда электрон ҳукумат тушунчасининг бир қийматли таърифи мавжуд эмас. Умумий ҳолатда мазкур атама фақатгина ижро ҳокимиятининг тармоқ инфратузилмасини эмас, балки давлат ҳокимияти ва

бошқарувининг бутун инфратузилмасини, яъни “электрон давлатни”, “электрон давлат аппаратини” англатади.

Электрон ҳукуматнинг асосини, жамият нуқтаи-назаридан қараганда, давлат ҳокимияти ва бошқарувининг барча шохчалари ва даражаларида оптимал фаолият кўрсатишни таъминлайдиган ахборот-телекоммуникацион тизим сифатидаги давлат тармоқ ахборот инфратузилмаси ташкил қилади.

Бундай ҳолда “электрон ҳукумат” деганда ижро ҳокимияти органлари томонидан жамиятдаги ўзларининг функцияларини бажариш жараёнини қўллаб-қувватлайдиган тармоқ ахборот-телекоммуникацион инфратузилмаси тушунилади.

Америка Қўшма Штатларида “электрон ҳукумат” деганда мамлакат аҳолиси (Америка Қўшма Штатлари фуқаролари ва хорижий фуқаролар, масалан, сайёҳлар), шунингдек ҳукумат таркибига кирмайдиган тузилмалар (тузилмалар) билан ўзаро ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган давлат компьютер тизимлари тушунилади. Бизнес, жамоатчилик ташкилотлари, ҳудудий ва муниципал ҳокимият органлари ва ҳоказолар шундай тузилмалар бўлиши мумкин.

Ҳукумат ичида ишлайдиган барча тизимлар – ҳукумат ахборот тизимларининг бир бўлагидир, бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам электрон ҳукумат таркибига кирмайди. Масалан, ҳисоблаш техникасидан ташқи масалаларни ҳал қилиш учун давлат ташкилотларининг ичида фойдаланиш электрон ҳукуматга тааллуқли бўлмайди.

Давлат тузилмаларининг иши ёки солиқ тўловлари тўғрисидаги ахборотни Internet да тақдим қилиш – электрон ҳукумат тизимларига типик мисол бўла олади.

Давлат ҳокимият органлари ва жамият ўртасида ахборот алмашувини ривожлантиришининг замонавий услублари асосида, жамият ва давлат ҳокимият органлари ўртасида ўзаро ҳаракатлар ва ишонч даражасини ошириш мақсадида қарорлар қабул қилишда ахборот ошкоралик ва очиқликни таъминлаш учун принципиал янги имкониятлар яратилади.

Оммавий ахборот ва оммавий коммуникация воситаларига ахборот агентликлар, даврий босма нашрлар, радиоэшиттиришлар, телекўрсатувлар, видеодастурлар, кинохроника дастурлари, оммавий ахборотни даврий равишда тарқатишнинг бошқа шакллари (масалан, Internet-нашрлар) киради. Оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари оммавий ахборотни етказиш воситаларининг, унинг учун жамоатчилик англаши таъсир ўтказиш объекти бўлиб ҳисобланадиган ахборотни – оммавий ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборотни тарқатишни амалга оширадиган тизимини ҳосил қилади.

Оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари атамасининг ўзи ахборот-коммуникацион тизимларнинг шиддат билан ривожланиши, оммавий ахборот воситалари ва оммавий ахборотдан фойдаланувчилар ўртасида интерфаол коммуникация усулининг тарқалиши, оммавий ахборотлаштириш тизимларига янги субъектларнинг жалб қилиниши туфайли ОАВ (оммавий ахборот воситалари) атамасидан ўзгарган.

Баъзан оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситаларини белгилаш учун “масс-медиа” атамасидан фойдаланилади (инглизча – mass-media), бунда mass кимнингдир ёки ниманингдир катта миқдорини (массасини), media – ахборот воситасини билдиради. Масс-медиа тўғрисидаги таълимот медиология деб аталади.

Оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситаларининг ахборий урушларда фойдаланиладиган хусусиятларидан бири шуки, масс-медиада кўламлари ва моҳияти реал ўлчамларга мос келмайдиган ҳақиқийлик манзараси (“виртуал модел”) қурилади. Шу тариқа оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситаларига ахборот-психологик таъсир ўтказиш услубларини кўллашнинг ўсиб боровчи жараёнида алоҳида роль ажратилади. XXI аср бўсағасида оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари сиёсатнинг мураккаб механизмида узатувчи звенодан унинг ижодкорига айланади. Инсон психикасига бостириб кириш, унинг онгини манипуляциялаш воситалари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари ва оммавий коммуникация воситалари, жамият ҳаётида воқеалар оқимини бошқариш билан мамлакат аҳолисига таъсир ўтказишнинг оммавий каналига айланиши мумкин.

Давлат ҳокимияти анъанавий тармоқлари ва тузилмалари мавжуд бўлишининг умуман янгича, замонавий ахборот жамият талабларига жавоб бера оловчи шаклларининг пайдо бўлиши, фақатгина, ахборот-психологик майдонда ётувчи, ҳозирча чегараланган ижтимоий муносабатларнинг қисмлари учун аҳамиятга эга эмас. “Электрон ҳокимият” ҳозирда мавжуд давлат ҳокимияти органлари тизимининг жамиятнинг ахборот-психологик соҳасига кўчирилган (акс эттирилган) кўринишидир ва у ижтимоий

муносабатларни ахборот-психологик доирада, ҳозирда бундай муносабатларнинг фақатгина бир қисмига тааллуқли бўлган ҳуқуқий меъёрларга мувофиқ бошқарувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Бироқ жамиятнинг ахборот-психологик доирасида, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, “электрон ҳокимият” шаклидаги давлат ҳокимияти каби сезиларли омилларнинг пайдо бўлиши нафақат ижтимоий муносабатлар кўринишидаги ўзгаришларга олиб келади, балки ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги, биринчи навбатда, сиёсий муносабатлар соҳасидаги ўзгаришларга, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вазифаси ва маълумотларнинг ҳаётий зарур оқимларини айланишини таъминловчи тармоқли технологиялар ишлаб чиқувчилари, тармоқли корпорациялар ва провайдер-корпорациялар, ва давлатдаги ахборот-телекоммуникацион тармоқлар соҳибларининг роли(вазифаси, ўрни) ўзгаришига олиб келади.

Ушбу ҳолатларда ахборот жамиятда ОАВ алоҳида ўрнини қуйидагича аниқлаш (белгилаш) мумкин. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра, ОАВларига фуқароларга давлат ҳокимияти шуъбалари ва тузилмаларининг фаолияти ҳақида ахборот бериб бориш вазифаси юкланади, бунда ОАВларининг аҳолига ҳукумат қарорларини етказиб бориш билан боғлиқ бўлган танҳо эгаллик ҳуқуқи назарда тутилади, давлат ҳокимияти органларининг қонунлари, фармонлари, қарорларининг фақатгина улар нашр қилингандан сўнг кучга кириши тасодиф эмас. Шундай қилиб, ОАВ давлат ҳокимияти ва аҳоли ўртасидаги ижтимоий алоқаларни ўрнатишда воситачидирлар, шунингдек улар давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақидаги (давлат ҳокимияти органларининг ўзи эса аҳолини ўз фаолиятлари билан тўғридан-тўғри таништиришга, ҳуқуқий жиҳатдан тасдиқланган ҳуқуққа эга эмаслар) маълумотларни олиш ва тарқатиш учун яқка ҳуқуққа эгадирлар. Аслида, ОАВлари давлат ҳокимияти органлари ва тузилмалари ҳақидаги маълумотларни фуқароларга етказишнинг ўртадаги бўғими ҳисобланади. Шунингдек, бу жараёнда ОАВларининг роли, давлат ҳокимияти органларидан олган маълумотларни бевосита эшитириш ёки кўрсатиш билан чегараланишдан иборат, бу эса онгли равишда фактларни бузиб кўрсатиш, ушбу маълумотни таҳрир қилиш (цензура), уни ғаразли мақсадларда ёритиш ва далилларни ўзига мослаб талқин қилиш каби ҳолатларнинг тўлиқ олдини олишни назарда тутати. Назарий жиҳатдан, албатта мумкин, бироқ амалда умуман бошқача манзара кузатилади.

Мамлакатнинг сиёсий элитаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган турли молиявий-саноатлашган гуруҳларга тегишли бўлган нодавлат ОАВлари, уларнинг сиёсий, иқтисодий ва бошқа мақсадларини муваффақиятли амалга ошишини таъминловчи тузилма бўлган ҳолда, ўз соҳибларининг иқтисодий ва сиёсий манфаатлари йўлида ижтимоий жамиятнинг шахсий ва оммавий онгига таъсир кўрсатиш каби ўзининг шахсий сиёсатини амалга оширади. ОАВларининг иқтисодий рақобатдаги ўрни шунчалик каттаки, жаҳондаги деярли ҳар бир йирик молиявий-саноат гуруҳлари (шу жумладан, тўлиқ ёки қисман хусусий мулк ҳуқуқи асосида) ё телеканалга, ё радиостанцияга, ё газетанга, ёки ҳам унисига, ҳам бунисига, ҳам учинчисига эгаллик қилишга

интилади. Тижорат ОАВлари эса, молиявий-саноат элитасининг (ушбу ОАВни назорат қилувчи ёки унга тўлиқ ёки қисман эгалик қилиш ҳуқуқи мавжуд, молиявий-саноат гуруҳи бошида турган кишиларнинг кичик гуруҳи) шахсий мақсадларига эришиш воситаси бўлиб, ушбу шароитда улар мустақил ва объектив (ҳаққоний) бўла олмайдилар. ОАВларига келиб тушаётган давлат ҳокимияти органлари ва тузилмаларининг фаолияти ҳақидаги маълумотларнинг катта қисми, етказиб берилаётганда, манфаатлари давлат манфаатлари билан умуман мос келмайдиган ОАВлари соҳиблари манфаатлари йўлида таҳрирланади, компановка қилинади, жамоат фикрини манипуляция қилиш (бошқариш) мақсадида тўлиқ бўлмаган ва бузиб кўрсатилади ва бир ёқлама шарҳланади. Шундай қилиб, давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақидаги маълумот воситачи, яъни ОАВлари орқали ўтиб, кўп ҳолларда онгли равишда сараланади ва бузиб кўрсатилади, бу эса давлат хавфсизлигига таҳдид қилиш манбасига айланиб қолиши мумкин.

Бу ҳолатда, давлат ҳокимияти бўғинлари билан бир қаторда бўлишни ва давлат билан тенг ҳуқуқда ижтимоий муносабатларни бошқаришга интилаётган айрим ОАВларининг (аниқроғи, журналистиканинг ҳозирги кундаги элитасининг айрим қисмлари) интилишларини акс эттирувчи “ОАВ – тўртинчи ҳокимият” деган машҳур тезис (фикр) катта қизиқиш уйғотади. Бу мафкуравий қарашнинг асосий мақсади – давлатда, фуқаролар жамиятининг ҳар қандай тузилмаларига нисбатан, албатта Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган қонунлар асосида ва тайзик ўтказиш давлат манфаатларини ҳимоя қилиши ва шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда тайзик ўтказиш имкониятига эга, ҳақиқий ҳокимиятга эга бўлиш (ёки забт этиш)дан иборат эканлиги шундоқ кўриниб турибди. Бу мақсадга эришишнинг ягона йўли, биринчидан, ОАВлари томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳукумат органларидан келиб тушаётган давлат ҳукумат органлари фаолияти ҳақидаги ахборот оқимини назорат қилиш (яъни, давлат ҳукумати органларининг аҳоли билан муносабатларидаги ягона боғловчи ролини сақлаб қолиш), иккинчидан, аҳолига таъсир кўрсатишнинг энг самарали воситалари, усуллари ва имкониятларининг энг мақбулларидан мақсадли фойдаланиш.

Давлат ҳокимияти органлари фаолиятига “электрон ҳукумат” тамойилларини тадбиқ қилиш ОАВларини ҳукумат ва аҳоли ўртасида ахборот алмашинишдаги воситачи ролини жиддий равишда ўзгартиради. Ахборот жамият, аҳолининг оммавий компьютер саводхонлиги ва ахборот-телекоммуникацион инфратузилманинг риволанганлик шароитларида “электрон ҳукумат” давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг ахборот шаффофлигини (албатта, давлат ҳокимияти органлари аҳолини ўзларининг фаолиятлари билан таништириш лозим, деб ҳисоблаган даражада) ва давлат ахборот манбаларининг фуқаролар жамияти учун очиқлигини етарлича юқори даражасини таъминлайди, бу эса ОАВларининг давлат ҳокимияти органлари тизимининг фаолияти ҳақидаги маълумотларни етказишдаги яққаҳоқимлигига ва дастлабки маълумотни ушбу канал ёки оммавий ахборот



органи олиб бораётган сиёсатга мувофиқ, шунингдек, у ҳимоя қилаётган ушбу орган соҳибларининг молиявий-саноат ва сиёсатга оид манфаатларига кўра онгли равишда бузиб (беркитиш, ҳолатни тўлиқ ёритмаслик, дастлабки ахборот элементларига ёлғон маълумотларни қўшиш ва маълумотларга бошқа ўзгартиришлар киритиш) кўрсатишга, имкон бермайди. Ахборотга оид жамиятда, ҳаттоки ахборот-психологик соҳада давлат ҳокимияти органлари тизимининг интеграция жараёнларида ҳам, ОАВлари давлат ҳокимият органлари фаолияти ҳақидаги маълумотларни бошқаришнинг кенг имкониятларига эга эканлиги уларни ахборот-психологик урушда энг хавфли рақиблардан бирига айлантиради. Бироқ, “электрон ҳукумат”нинг фаолияти шароитида ушбу имкониятлар нисбатан чекланган, давлат ҳокимиятининг очик ахборот-телекоммуникацион тизимлар имкониятидан фойдаланган ҳолда фуқаролар билан алоқаси эса, фуқаролар жамиятига ишончли маълумот олишнинг альтернатив манбасини беради.

### **Виртуал коалиция (иттифоқ)**

Ахборот кураш субъектларининг бу тури ўз таркибига ахборот курашнинг ҳар қандай субъектларини қамраб олиши мумкин ва у субъектликнинг, унга кирувчи элементлари эга бўлган жиҳатларига эгадир.

Виртуал иттифоқлар – бу ахборот жамият ва глобал ахборот майдонга хос бўлган геосиёсий рақобат субъектларидир. Глобал ва ҳудудий даражада фаолият юритувчи геосиёсий рақобатнинг анъанавий субъектларидан, яъни давлат ва турли хил давлатлараро иттифоқлардан ташқари ахборот майдонда, геосиёсий курашга кирувчи, улар таркибига тенг ҳуқуқ асосида давлатлар, трансмиллий корпорациялар, медиа-холдинглар ва бошқалар ҳам кириши мумкин бўлган, фаолият миқёси глобал кўринишга эга бўлган, уларнинг фаолияти натижалари эса давлатлар ва уларнинг иттифоқлари сиёсатига халқаро миқёсда таъсир кўрсатувчи оқибатларга олиб келадиган “виртуал” бирлашма ва иттифоқлар ҳам вужудга келади. Бунда давлатнинг мустақиллиги, шахсий ҳудудига ва аҳолисига эга бўлиши субъектнинг геосиёсий рақобатда иштирок этишининг мажбурий шарти ҳисобланмайди, бу эса ўз навбатида ахборот жамиятни саноатлашган (индустриал) жамиятдан жиддий равишда ажратиб туради.

Геосиёсий рақобат субъектларининг виртуал иттифоқларга бирлашиши юз берадиган ахборот майдон шартларининг нисбатан оддийлиги, ахборот ва ахборот-психологик жараёнларнинг туғилиши ва ривожланишининг юқори фаоллиги билан белгиланганидек, хилма-хил геосиёсий рақобат субъектларининг ҳар қандай миқдоридан ташкил топган виртуал иттифоқларнинг ички ва ташқи геосиёсий вазиятларга мослаша олувчанлиги, ўз куч ва воситаларини бошқара олиши, вақтинчалик муваффақиятсизликлардан сўнг ўз салоҳиятини қисқа вақт ичида қайта тиклай олиши ва ҳар бир субъект учун геосиёсий курашда ўзаро ҳамкорликда иштирок этиши, унинг замонавий тезкор дунёда олдиндан айтиб бериш мураккаб ва ўзгарувчан бўлган шароитларига мос келувчи кўринишларини танлаш қобилиятининг юқорилиги билан ҳам белгиланади.

## 2. Маърузани ўқиш методикаси ва нутқ маданияти.

Ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар фанлардан маъруза ўқиш 5-10 йил, ҳатто 2 — 3 йил олдинги ўқишга ўхшай олмайди. Зеро олдинги даврларда ўқитувчи ўз диққатини кўпроқ информация беришга қаратган бўлса, ҳозирги кунда матбуот, радио, телевидение каби оммавий ахборот воситалари шундай кўп ва турли маълумотлар бераётгани, ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиси бу вазифани ўзидан соқит қилиб, ўрнига шу маълумотларни қай тариха фалсафий умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил этиш керак деган вазифага қаратишига тўғри келади. Айни шунга кўра ҳам дарсга ўтган йилдаги, ўтган ойдаги, ҳатто ўтган кунни ёзилган ишчи ёзувлари ё маъруза матнининг ўзи билан кириш, янги маълумотларни ҳисобга олмаслик ўқитувчини ноқулай вазиятга тушириб қўяди. Зеро ҳозирги талаба ўтган йилгисидан маълумотлироқдир. Ва лекин уни ақлли деб ҳам бўлмайди. Чунки бу маълумотлар аслида бир қопга тартибсиз солиб ташланган хилма хил буюмларга ўхшайди. Билим эса муайян муаммони ёритишга ёрдам берадиган тартибли органик тизим бўлиши керак. Биз бу маълумотлардан мисол тарихида кенг фойдаланиш имкониятига эга бўламиз. Лекин бунинг учун талаба билан яқиндан танишиш, улар нима билан қизиқаётганлари, нималарни кўраётганлари, тинглаётгани ёки ўқиётганлари билан қизиқиш, танишиб бориш керак. Аммо бундан ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиси талабани қизиқтирган масалалар савиясида қолиб кетиши керак экан, деган фикрни билдирмайди. Аксинча, агар талабанинг қизиқиш доираси тор, юзаки бўлса, ўқитувчи уни кенгайтириши, керакли йўналишга ва теранликка йўналтириши керак.

Маъруза ўқиш аввало маърузанинг турли таркибий қисмларини ажратиб олишдан бошланади. Маъруза асосан уч таркибий жиҳатдан иборат: кириш сўзи, асосий қисм ва хулоса,

Кириш сўзи бу маърузани бошлаб олиш учун хизмат қиладиган қисмдир. Олий таълим даргоҳларида маъруза ўқиш оммавий маърузалар ўқиш ёки мақолалар ёзишга ўхшамаганидай, унинг кириш қисми ҳам ўзига хосдир. Оммавий маърузалар, оммабоп китоблар одатда тингловчи диққатини жуда тортадиган қизиқарли гаплар билан бошланади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг "Меҳробдан чаён" романи "Солиҳ маҳдум бу куп одатдан ташқари эшилиб кетди, масжиддан чиқиб тўғри қассобнинг олдида борди" деган жумла билан бошланиб, китобхонни бир зумдаёқ ўзига тортиб олади. Лекин Олий ўқув юртларида ўқиладиган фалсафий маърузаларни бундай тарзда бошлаб бўлмайди, зеро талаба диққати кундалик ишларга эмас жиддий фалсафий муаммога қаратилиши керак,

Ижтимоий-гуманитар фанларда ташкил этиладиган маърузалардаги кириш сўзи ҳам талаба диққатини тортиш учун хизмат қилиши керак. Бунда, агар бу энг биринчи маъруза бўлса, маъруза мавзусининг номи, режаси ва асосий қизиқарли ғоялари, бу ғоялар (энг қизиқарли 1—2 таси) нимани ёритишга хизмат қилишини, унинг аҳамиятини айтиб бериш билан бошланса мақсадга мувофиқ бўлади. Агар маъруза биринчиси эмас, аввалги

маърузаларнинг давоми (бошқа ўртадаги мавзудан) бўлса, у ҳолда янги мавзу билан ўтган мавзу орасида боғланиш ўрнатишдан иш бошлаш керак. Шундай қилинса, психологик жиҳатдан ҳам методик жиҳатдан ҳам илмий — назарий жиҳатдан ҳам тўғри бўлади. Психологик жиҳатдан тўғрилиги шундаки, тингловчилар ўтган дарснинг атмосферасини (муҳитини) эслаб оладилар, яхши тинглаш атмосферасини янгидан яратиш осон иш эмас, шунинг учун олдинги дарс шароитидан (агар у яхши ўтган бўлса, албатта) фойдаланига яхши натижа беради. Бунинг учун ўтган маърузанинг талаба диққатини аниқса яхши жалб этган, унга маъқул келган 1 - 2 ерини ҳамда дарснинг хулоса қисмини эслаб ўтиш кифоя. Бунга 2 — 3 минут вақт кетади холос. Ўтган мавзулар билан янги мавзу орасида боғланиш ўрнатишнинг методик жиҳат шундаки, фалсафий маърузалар гарчи айрим маърузалар тарзида, бўлиб — бўлиб ўқилса ҳамки, аслида яхлитликни ташкил этади. Вақт эътиборидан ёндошиб уни маърузаларга бўлинади. Шунинг учун яхлитликни узлуксиз таъкидлаб, тиклаб бориш мақсадга мувофиқдир. Ўтган дарс билан янги дарс орасида боғланиш ўрнатишнинг илмий — назарий жиҳати шундаки, ўтган дарсда илмий — назарий жиҳатдан чала ноаниқ (ҳатто нотўғри) айтиб қўйилган фикрларни тўлдириш ва тузатиш имкониятига эга бўлинади. Маърузанинг кириш қисмига ўтиладиган маърузанинг режасини диктант тариқасида айтиб бериш ҳам киради. Режа албатта ёздирилади. Бу иш талабани тартиб ва интизом билаи маърузани тинглашида катта аҳамиятга эга.

Шундан сўнг маърузанинг асосий қисмига ўтиш мумкин. Асосий қисмини режанинг биринчи саволини эслатишдан бошлаган маъқул. Маъруза учун тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини эса дарс охирида бериш керак. Дарс вақтини тежаш ва талаба диққати сақлаш зарурати шуни тақозо этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздай, маърузанинг жонли мулоқат сифатидаги афзалияти шундан иборатки, лектор тингловчи диққатини доим назорат қилиб туриш имконига эга. Тингловчининг диққати эса лекторнинг нутқига, нутқнинг равонлиги, бойлиги, стилистик ва бошқа жиҳатлардан туғрилиги, қизиқарлилиги, интонация, овоз тарзи ва ҳоказоларга боғлиқ.

Нутқни бой, равон, тўғри, қизиқарли қилишга илмий ва бадий китобларни кўп ўқиш ва ўқиганларни оғзаки гапириб, машқ қилиб юриш ёрдам беради. Нутқ қизиқарли бўлиши учун яна ҳар хил қизиқарли мақоллар, ҳикматлар, ривоятлардан мисол тариқасида меъёрида фойдаланиш мумкин.

Маъруза ўқилганда лекторнинг овози жуда паст ё жуда баланд бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Овоз эшитилиш даражасида бўлиши етарли. Талабаларнинг диққати чалғиб, ўзаро гапга тушиб қолишса ҳамки, овозни баланд кўтариш жоиз эмас. Бу методик маданиятга зид келишидан ташқари кутилган натижани бермаслиги ҳам мумкин. Зеро, талаба кўпинча бунга аксинча ҳатти—ҳаракат билан, яъни ўқитувчидан ҳам баландроқ овозда гаплашиш билан "жавоб" қилишга шошилади. Талабалар дарсда гаплаша бошлаган ҳолларда лектор тўхтаб, пауза қилгани маъқул. Шунда

диққати чалғиган талаба беихтиёр паузанинг сабабини белгиси келиб, ўқитувчига қарайди ва натижада унинг диққати тикланади. Агар ўқитувчи овозини баланд қилса ёки маърузани тўхтатиб, гаплашиб ўтирганларга танбех берса унда энди икки талабанинг эмас, бутун курснинг диққатини йўқотиб қўяди..

Маъруза ўқилганда талаба биринчи марта эшитаётган нотаниш сўзларни доскага ёзиб берган маъқул. Доскага цифралар, йиллар, осон схемалар, мисолларни ҳам ёзиб бориш керак.

Дарс вақтида афоризмлар, ҳикматли гаплар, айниқса ҳадислардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Зеро ҳадислар тарбиянинг энг яхши воситаларидир. Лекин улардан фойдаланилганда уларнинг мавзу билан, мавзунинг тегишли ери билан боғлиқ бўлган ҳолдагина киритиш кераклиги эса туриши керак. Акс ҳолда мавзудан четга чиқиб кетилади. Бу эса методик камчиликдир. Масалан, илмнинг фойдаси ("Илмий билиш мавзуси" хусусида маъруза ўқилаётган бўлса) ҳақида гап кетганда қуйидаги ҳадислардан фойдаланиш яхши натижа беради ;

**Педагогик фаолият ўқитувчини жонли ҳаёт, амалиёт, ёш авлод билан боғлаб турувчи зарурий ҳалқадур.** Акс ҳолда гарчи илм соҳасида кўп марраларга, даражаларга эришилса ҳамки, файласуф олим айни замонда дарс бериш билан ҳам шуғулланмаса, қуруқ абстракциялар оламига кириб кетиб, сафоатабоз (схолост) бўлиб қолиши хавфи кучаяди. Айни шу ҳолда фалсафанинг ҳаётдан узоклашуви, жамиятда кадрсизланиш, ҳатто кризисга учраши ва ҳалокати содир бўлади.

Эндиликда мустақил жамиятимиз маънавиятини қайта қураётган эканмиз биз бундай иллатдан озод бўлишимиз, яъни ўз билимимизни бошқаларни эзиш учун эмас, аксинча, бошқаларга ёрдам бериш учун, уларга бахтли бўлиш йўлини кўрсатиш учун қўллашимиз керак. Шундагина устоз эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал эгаси бўла олади, ўзининг чин вазифасини бажара олади. Лекин, бугунги кунда, бизнингча, бу ҳам етарли эмас. Зеро бугунги кунда ҳар қанча эзгу фикр эгаси бўлманг ва эзгу калом айтманг ҳамда эзгу амаллар билан шахсий намуна кўрсатманг, одамларни ўзингизга жалб этувчи жиҳатингиз ҳам бўлмаса, иш юришмайди. Зеро телевидение, кино, театр, радио каби оммавий ахборот воситалари бир — бири билан мусобақалашиб, информация узатишнинг энг қизиқ усулларини қўллаб турган, “оммавий маданият” ҳам бу мусобақада улардан қолишмай турган бугунги кунда ўқитувчидан бу рақобатда қатнашмоқ учун жуда катта санъат эгаси бўлиш ҳам тақозо этилмоқда. Яъни бугун у яхши сўзни оддий айтиш билан чеклана олмайди, балки уни жуда чиройли, ифодали таъсирчан нутқ билан, яъни артистлик маҳорати билан ҳам артистлардан устун бўлиши керак. Бунинг учун киши ўзини зўрлаши ҳам керак эмас, балки ўз касбини чин қалбдан севиши керак. Шундагина булар ҳаммаси табиий равишда вужудга келади.

Ушбу саволни ёритишдан асосий мақсад ўқув жараёнида лекторнинг ўрнини ҳеч нима боса олмаслигини кўрсатиб беришдан ҳам иборат эди. Ваҳоланки, чет элларда мактаб, колледж ва бошқа ўқув даргоҳларида

маърузачининг жонли нутқини тинглаш ўрнига юксак техникалашган ахборот тизимларидан (компютер, магнитофон, интернет ва ш.к.) кенг фойдаланиш амалиёти кузатилмоқда. Биз бу ерда ўзимизнинг хос нуқтаи назаримизни билдирмоқчимиз. Бунинг учун яна бир карра ва конкретроқ равишда чин устоз темирдан ёки бошқа жонсиз нарсаларда ясалган робот эмас, балки ниҳоятда ноёб зот эканини эслаб олишимиз зарур.

Устоз (ўқитувчи, педагог) ушбу сўзнинг энг олий маъносида олиб қаралса бу " донишмандлик фидойисидир", ҳақнинг ҳизматчиси бўлган инсондир, У жаҳолат зулматида йўл топа олмай турганларга йўлни ёритувчи зиёдир. Унинг зиёси талабанинг қоронғулик чулғаб олган қобилиятлари ва имкониятларининг намоён бўлиши, рўёбга чиқишига ёрдам берадиган кучли руҳий мададдир.

Ана шу олий маънодаги устоз ўзи гений бўлмагани ҳолда (унинг гениаллиги ҳам аслида шунда бўлса керак) генийларни тарбиялаб етиштириш қобилиятига эга бўлган зотдир. Лекин бу қобилият кўпинча ҳалқнинг назарига даҳоларга тушунганичалик тушмайди. Шунга қарамасдан устоз ўз ишини камтарлик билан давом эттираверади. Чунки унинг асл мақсади шон — шуҳрат эмас, балки баркамол инсонларни тарбиялашдир.

"Ўзиданда юксакроқ шогирдни тарбиялай олмайдиган устоз чин усгоз эмас" деган Баҳовиддин Нақшбанд ғоясининг моҳияти ҳам айна шунда эди.

Ўзиданда юксакроқ шогирдларни етиштирмақ учун эса ўқитувчи куйидаги сифатни ўзида жо этишга тинимсиз ҳаракат қилиши керак:

1. Ўқитувчининг ўзи барқомилликка тинимсиз интилган чоғдагина чин устоз бўла олади, бу интилишдан тўхтагани замони у бу номга муносиблигини йўқотади. Фан материалларини баён этишнинг бошқа шаклларида (газета, илмий адабиётлар, радио, телевидение ва ҳ.к. даги чиқишларида) бундай узлуксизлик талаб этилмайди. Зеро, ўқитувчи бир ой, бир йилда бир марта эмас, балки ҳар куни кечагидан комилроқ бўлиши керак. Чунки у ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа ўз шогирдлари учун намунадир.

2. Ўзининг ҳар битта шогирдида яхши ва ёмон томонларни, ютуқ ва камчиликларни кўра оладиган, уларга ишона оладиган, улар даврасига кўтаринки руҳ кирита оладиган, ўз ўқувчилари қалбини ром эта оладиган бўлиши зарур. Фан материалларини баён этишнинг бошқа шаклларида эса муаллиф ўз мухлислари билан бундай **бевосита** алоқадорлик, шогирд қалбига тўғридан тўғри кириш имкониятига эга эмас.

3. Ўқитувчининг вазифаси ўз ўқувчиларига билим беришдангина иборат эмас, балки ва, асосан, уларнинг эндигина шаклланаётган онгини энг олий руҳий қадриятларга — Муҳаббат, Адолат, Ҳақ (Ҳақиқат), Гўзаллик кабиларга йўналтиришдан иборатдир. Унинг ана шу жиҳати бугунги кунда айниқса долзарб. Киши онгини энг олий руҳий қадриятларга йўналтириш ўқитувчи билан шогирд орасида иккиёклама жонли мулоқот бор бўлган чоғдагина мумкин бўлади. Радиода, телевидение экранларида ва ҳ.к. бундай бевоситалик йўқ, яъни "қалб қалбдан бевосита сув ичиш" имконига эга эмас.

4. Талабаларни тарбиялаётган устоз аввало ўз шахсий менини худбинликдан ажратиб олмоғи, ўзининг ҳар бир ҳатти-харакатини бошқара оладиган бўлиши керак. Шунингдек, унда асосий ҳаётий масалаларга нисбатан очиқ-ойдин, аниқ қарашлар шаклланган бўлиши, бошқаларни тушуниш истаги ва қобилияти ривожланиши ва бу йўлда катта сабру тоқат хислатларини касб этиши ҳам керак.

Ижтимоий-гуманитар фан материалларини бошқа ерларда баён этишнинг ҳеч қайси шаклида лектордан бундай сифатлари қатъий, изчил, узлуксиз ва давомли бўлиши талаб этилмайди. Шундай қилиб, ўқув жараёнида малакали, ўз ишини яхши биладиган ва яхши кўрадиган, билимли ва ахлоқли, одил ва инсонпарвар, ширинсўз ва моҳир нотик (оратор) сифатига эга бўлган ўқитувчининг ўрнини ҳеч бир янги технология билан алмаштириб бўлмайди. Телевидение кўрсатувлари, матбуот саҳифаларида чиққан ахборотлар ҳам талабанинг педагог лектор билан жонли мулоқоти ўрнини асло боса олмайди. Чунки, талаба маърузачининг на радиодаги, на телевидениядаги чиқишларида ва на матбуотда чоп этилган мақолаларида муаллиф фикрининг ўзини қизиқтириб қолган жойларига жалб қилиш, савол бериб, ўз саволларига шу зумда, бевосита жавоб олиш, у билан бевосита боғланиш, дарс мазмунида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўла олмайди. Иккинчи томондан, нотик(лектор) ҳам ўз лекциясини қандай қабул қилаётганидан, тингловчига қандай таъсир кўрсатаётганидан, унда қандай саволлар туғилаётганидан ёки уни умуман бефарқ қолдираётганидан ва бошқа ҳолатларидан бевосита ва тез хабардор бўла олмайди. Шунинг учун умуман ўқитишда, айниқса ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот узатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш мумкин ва керак бўлган ҳолларда ҳам меъёрни эсдан чиқармаслик ва асосий эътиборни жонли мулоқотга қаратиш зарурлигини эсдан чиқармаслик керак. Албатта, таълимнинг маъруза—мулоқотдан бошқа ҳилларининг ҳам катта аҳамияти бор. Лекин, буларнинг ҳеч бири жонли мулоқотнинг ўрнини асло боса олмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бугунги кун ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчисининг фаолияти тоталитар социализм даври ўқитувчиси фаолиятидан фарқи ва беқиёс мураккаблиги шундаки, у давр ўқитувчиси ўз ишини қотиб қолган, ўзгармас қолип — марксча догматикадан ва сиёсий амалиётдан тайёр ҳолда олиб, робот каби ёдлаб, дарс бериб келган бўлса, бугунги кун фалсафа устозларида бундай қолип йўқ ва бўлмаслиги жоиз. Ижтимоий-гуманитар фандаги плюрализм ва ҳурфикрлилик тамойили шуни тақозо этади.

Семинар ўтиш учун энг аввало ўқув жараёнида семинар машғулотларининг ўрни қандайлигига, уларнинг мақсад ва функцияларини яхши тасаввур этмоқ лозим. Ваҳоланки, педагогик тажрибада айни шу масалада аниқ, равшан тасаввур шаклланмаган, шаклланган жойлардаги педагоглар тажрибаси эса етарлича кенг ёйилмаган.

Бу ҳол ўз педагогик фаолиятини бошлаш арафасида турган ёш ўқитувчини қийин аҳволга солади. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш

методикаси бўйича олиб борилган изланишларнинг кўрсатишича хилма — хил қарашлар ичида иккитаси айниқса бир — бирига мутлақо қарама — қаршидир.

Биринчиси: ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда маъруза асосий роль ўйнайди, семинар эса талабаларнинг мустақил фаолиятларини текшириб бориш, маъруза ғояларини яқунлаб беришдан иборат бўлган ва шунинг учун маърузага нисбатан иккиламчи ўринни эгаллайдиган жараён деган қарашдир. Шундай қараш энг кенг тарқалган бўлиб, деярли барча ижтимоий кафедралар фаолиятида намоён бўлади. Яъни бу ҳол маъруза ўқишни фақат тажрибали профессорлар, фан номзодлари, доцентларга топширилиб, семинарларни эса тажрибаси кам ёш ўқитувчиларга (ассистентларга) хавола этилишида намоён бўлади.

Иккинчиси ижтимоий-гуманитар фан назариясини чинакамига чуқур ўзлаштиришда (фаол, диалог тарзида узатишда) семинар энг самарали восита маъруза эса фақат талаба фаолиятини йўналтириш воситаси деб ҳисоблайдиган қарашдир. Шунга кўра ўқув жараёнида семинар машғулотларига маърузадагидан анча кўпроқ вақт ажратиш лозимлиги такидланади.

Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда талабаларнинг индивидуал — амалий фаолиятларини ташкиллаштиришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган семинар машғулотларининг илмий маърузаларга нисбати масаласини шахсий, субъектив хоҳиш ёки юқоридан бериладиган кўрсатма асосида ечиш ёшларни энг буюк кадриятлардан бири бўлган интеллектуал маданият оламига олиб кириш масаласига методик жиҳатдан ночуқур, юзаки, нојиддий ёндошув бўлур эди.

Агар шу нуқтаи назаридан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда ўқув жараёнида маъруза ва семинарнинг ўзаро миқдорий нисбати масаласини ўқиётган талабалар гуруҳининг конкрет, амалдаги эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ечиш тўғри бўлади. Бу эҳтиёжлар гуруҳдаги ёшларнинг умумий ва индивидуал савияси, психологик, интеллектуал ва бошқа ўзига хосликларини билиш орқали аниқланади. Яъни, масалан, гуруҳдаги кўпчилик ёшларидан мустақил фикрлаш кўникмаси хали етарлича ва чуқур шаклланмаган бўлиши мумкин. Бундай гуруҳларда амалий машғулотлар зўр эътибор бериш кутилган самарани бериши қийин. Ва, аксинча, гуруҳда интеллектуал. потенциали юқори бўлган талабалар кўпроқ тўпланиб қолган бўлиши мумкин.

Юқоридаги ҳар иккала ҳолда ҳам маърузаларни кўпроқ, семинарларни камроқ қилиш эҳтиёжи вужудга келиши мумкин. Биринчи ҳолда маърузачи ўқитувчи ўз шахсий иборати билан гуруҳдагиларга мустақил фикрлаш маданиятини сингдириши учун. Иккинчи ҳолда — гуруҳдагиларнинг кўпроқ билимга бўлган интилишини тўлароқ қондириш учун.

Иккинчи томонидан гуруҳда ўқитувчи маърузасини тинглаш мобайнидаёқ кўплаб ҳаётий фалсафий муаммоларни ўртага ташлай оладиган ҳамда уларни шу зумдаёқ устоз раҳбарлигида бирга хал қилишга жиддий киришишга тайёр ёшлар кўпроқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда албатта

семинар машғулотларининг маърузага нисбатан кўпроқ бўлгани мақсадга мувофиқдир. Хатто маъруза жараёнидаёқ семинарга айланиб кетиши ҳам мумкинки, буни қоидага хилоф деб ўйлаш керак эмас,

Қолаверса, маъруза ва семинарнинг ўзаро нисбати масаласини тўғри ечиш учун ўқув жараёнида маърузанинг ҳам, семинарнинг ҳам қандай конкрет вазифалар бажаришини аниқ тасаввур этишимиз керак. Шундагина ушбу масала ҳам назарий, ҳам методик, ҳам амалий жиҳатдан тўғри ечилишига эришиш мумкин.

Биз ўқув жараёнида маърузанинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлига ҳақида фикр юритгай эдик. Бу мавзуда эса семинарнинг асосий вазифаларига тўхталамиз ҳамда ўқув жараёнида маъруза билан семинарнинг ўрнини ажратиб олиш мақсадида семинар ва маърузанинг вазифаларини ўзаро таққослаб борамиз.

Ижтимоий-гуманитар фанларни талаба онгига етказишда семинар машғулотлари асосан қуйидаги вазифаларни бажариши зарур;

**1. Маърузада кўриб чиқилган масалалардан баъзиларини чуқурроқ очиш вазифаси.** Одатда маърузада барча саволлар бир текис ёритилади. Семинарда эса ўқитувчи талабалар учун қийин деб билган масалаларга (бунда гуруҳ савияси, касбу малакаси, сиртдан ўсийдиган талабалар экани кабиларни ҳисобга олиш) ҳолда), алоҳида тўхталиш имкониятига эга. Маърузада бу имконият жуда тор. Чунки бунда ўқитувчи кўриладиган барча масалаларга тенг ҳуқуқли сифатида ёндашуви зарур. Чуқурроқ ёритилиши зарур бўлган масалаларни семинар машғулотларига ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигининг бошқа жиҳати ҳам бор. Улар семинар вақтида шундай масалага талабанинг индивидуал ёндашувини ҳам, масалани ҳамма талаба ойдин англашга эришган ё эришмагани ҳам ҳисобга олиб туриш имкоми. мавжудлигидир. Шунга кўра муаммони бир қанча марта такрор англантиш ва шунга кўра муаммони бир қанча марта такрор англантиш ва талабалар индивидуал ёндашувини ҳам ҳисобга олган ҳолда масалани янада кенгрок, бойроқ конкретроқ, чуқурроқ, ҳаётийроқ ва ҳ.к ёритиш мумкин.

**2. Талаба билимини назорат қилиб бориш вазифаси.** Семинарнинг бу вазифасини ҳамма тан олади, лекин кўпчилик унинг вазифаси асосан шундан иборат деб ҳисоблайди. Биз бу вазифани инкор этмаган ҳолда уни семинарнинг энг асосий функцияси деб ҳисобламаймиз. Зеро, маъруза вақтида ҳам талаба билимини ҳисобга олиб бориш имконияти мавжуд бўлади. Маърузани диалог шаклида ўгиладиган ҳолларда, талабаларнинг маърузани тинглашлари мобайнида ўқитувчига бериб турадиган саволлари, репликаларининг (луқмаларининг) ўзиёқ талабанинг ўзлаштириш даражасини назорат қилиш имконини беради. Лекин семинарда бу функция албатта маърузадагидан кенгрок ўрин олади. Чунки бунда фақат савол, репликалар билангина ўз фаоллигини намоён этпиб турадиган талабалар эмас, балки бошқа. (нофаол, тортинчоқ) талабалар ҳам кузатиб борилади..

**3. Талабаларни тарбиялаш вазифаси.** Семинарнинг бу вазифаси ҳам маърузанинг вазифалари қаторида мавжуд. Лекин семинар бу вазифани



маърузадагидан кенгроқ, чуқурроқ, бевоситароқ амалга ошириш имкониятини беради. Чунки маъруза вақтида ўқитувчи диққати асосан талабаларга ўзи етказиб бериши лозим бўлган назарий, материални ёритиш билан банд бўлади. Гарчи яхши педагог шу жараёндан ҳам тарбия бериш учун фойдалана олса ҳамки, семинардагидай кенг имкониятни маърузада, ҳам мавжуд деб бўлмайди. Тарбия учун семинарнинг имконияти кенглиги шундаки, бунда ўқитувчи маърузадаги каби ҳаммага бир вақтда қарамасдан, балка ҳар бир талабага алохида ёндошиш имкониятига эга. Айтиш мумкин, маъруза вақтида талаба асосан билим тўплаб борса, семинар вақтида билим олишдан ташқари фалсафий тарбияни ҳам ўзига сингдиришнинг кенгроқ имкониятига эга бўлади. Зеро семинар вақтида талаба ўзини қизиқтирган назарий. — фалсафий масалалар бўйичагина эмас, балки шу масалаларни амалиётга тадбиқи бўйича ўз шахси олдида кўндаланг бўлиб турган амалий муаммоларни ечиш бўйича ҳам ўз устозига мурожаат этиш имкониятига эга бўлади. (Албатта бу масалалар мавзу доирасида бўлишига интилиши керак). Талаба берган саволлар, масалалар бўйича ўқитувчининг берган жавоблари, ёндашувлари, мисол тариқасида талаба олдинга сурган фактларга берадиган баҳолари, (устознинг маъқуллаши ёки инкор этиши, ) ва ҳоказоларнинг барчаси талаба тарбиясига бўйсундирилган бўлиши лозим. Шу тариқа талаба ўз ўқитувчисининг нафақат билимини, балки ахлоқий эстетик, фалсафий маданий саъвиясини, дунёқарашини ўзига сингдириб боради.

**4. Фалсафий назарияни ҳаёт билан боғлаш вазифаси.** Семинарда фалсафий назарияни ҳаёт билан, амалиёт билан боғлаш имконияти маърузадагидан анча кенг. Ўқитувчи маъруза вақтида ҳам ўзи кўриб чиқадиган барча масалалар бўйича фалсафий фикрни ҳаёт билан боғлаб бориши шарт экани ҳақида гапирган эдик. Лекин, фалсафий назарияни ҳаёт билан боғлаш хусусида семинарнинг ўрни бекиёс. Чунки, фақат семинар вақтида талаба ўзини қизиқтирган барча ҳаётий муаммолар бўйича шахсий мулохазаларини баён этиш, ўз гуруҳдошлари ва ўқитувчисига саволлар билан бевосита ва кўп мурожаат этиш имкониятига эга бўлади. Маърузада вақтида бундай қилинса мавзунинг бошқа қисмлари чала ёриилиши ёки мутлақо ёритилмай қолиб кетиши мумкин.

**5. Талабани ижодий фикрлашга ўргатиш.** Мана шу вазифасига кўра семинар маърузадан кескин фарқ қилади. Зеро айтиш мумкин, семинарда талабанинг фаоллик кўрсатиш имконияти кенг бўлади, маърузада эса асосан маърузачи нутқини тинглаб, информация ўзлаштириб борилади. Тўғри маъруза вақтида ҳам талаба жуда пассив, кузатувчи бўлиб, ўтирмаслиги керак. Бунда маърузачи диалог усулидан кенг фойдаланиши самара беради. Лекин маърузанинг асосий вазифаси фалсафий материални талабага режали равишда етказиб беришдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, семинарнинг талаба ижодий фикрлашини ўстиришдаги ўрни яққолроқ кўринади, Зеро, маърузада ўқитувчи ўзи ўқиган илмий ва бадиий китоблар, ўз шахсий ижоди ҳамда ҳаётда ўзи кўрган кечирганларидан фойдаланиб фалсафий фикрларни талабага етказишга интилса семинарда (агар бу методик жиҳатдан етук, ҳақиқий семинар бўлса, албатта), аксинча, талаба ўша таниш мавзу бўйича

мустақил фикр юритиб, ўз шахсий фалсафий мулоҳазалари, мисоллари, фактологик материаллари, исбот далиллари билан қатнашмоғи лозим. Шундагина семинарнинг ушбу вазифаси тўғри адо этилган бўлади. Бунга қандай эришиш ҳақида ушбу мавзунинг кейинги саволларида алоҳида гап кетади.

**6. Талабаларда нотиклик кўникмасини ҳосил қилиш.** Семинарнинг ана шу функцияси маърузада йўқ. Шуинг учун ҳам уни амалга ошириш семинар машғулотларини ўтказувчи ўқитувчидан алоҳида билим ва тажрибани талаб қиладики, баъзан айни шу функцияга кўра семинар ўтиш маъруза ўтишдан кўра каттароқ маҳорат талаб қилади ва катта қийинчилик билан амалга ошади. Бу вазифани амалга оширишнинг мушкуллиги шундаки талаба кўпинча ўз нутқининг ёмонлиги ва назарий материални ўзлаштириши қийинлиги оқибатида гапиришга қийналади. Нутқи яхши бўлмаганлар ҳақида эса гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Уларни одатда семинарда фикр билдиришга кўндириб бўлмайди. Натижада бир гуруҳда кўпи билан 3 - 4 киши фаол қатнашиб, қолганлар жим ўтирадилар. Бунда ўқитувчи яхши психологик кўникмага эга бўлиши шарт бўлади. Чунки, шундай тортинчок талабалар бўладики, назарий материални яхши англаб турсалар ҳамки, гапириб беролмайдилар (фалсафий баҳс у ёқда турсин). Рисоладагидай яхши контингент бўлмаган. Бугунги шароитда ўқитувчидан жуда катта сабр тоқат талаб қилинадики, бусыз олий даргоҳига етиб келгунига қадар ёшлар тарбиясида бажаришга улгурилмагани кўп ишларни, жумладан унда эркин фикрлаш кўникмасини вужудга келтиришини ҳосил қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, бу ишларни бажармасдан туриб, олий даргоҳ дастуриини ҳам амалга ошириб бўлмайди.

Нутқи ёмон талабалар билан алоҳида (индивидуал) ишлашга тўғри келади. Чунки, бошқа талабаларга фақат назарий, тарбиявий ва ҳоказо материални тушунтириш етарли бўлса, кейингиларининг эса аввало нутқи хусусида машқ қилиш, улардаги "тортинчоқлик" психологик тўсиқни қандай енгишни ва шу кабиларни ҳам ўргатиш керак бўлади.

Кўпинча нутқи яхши талабаларда дарсга ёзиб келинган материални қироат билан ўқиб бериш ёмон одати ҳам шаклланган бўлади. Бу одатни ҳам тарқ этишга ўргатиш керак. Акс ҳолда талабада фалсафий фикрни баён этиш у ёқда турсин, фалсафий фикрлаш кўникмасини ҳам ҳосил қилиб бўлмайди. Чунки қироатбозликка ўрганиб қолган киши фалсафий мушоҳада у ёқда турсин, оддий чуқур мулоҳаза юритишга ҳам қодир бўлмайди. Бундан талабалар фикрни ўқиб олиш, мустақил фикрлаш, уққанларини баён этиш, ўз шахсий фикрини баён этиш даражасига кўтарилиши жуда қийин. Зеро улар бир қолипдаги, кимнингдир тайёр гапларини такрорлашга ўрганиб қолганлар (роботларга айланганлар). Ваҳоланки, устознинг вазифаси буюк файласуф Суқрот сўзлари билан айтганда "Ҳар бир қалбада яширинган қуёшни уйғотмоқдан иборатдир."

**7. Маърузачининг ўз малакасини ўстириш вазифаси.** Семинарда талаба билан маърузачи орасида ўзаро боғланиш имконияти маърузадагидан анча кенг бўлганлиги туфайли, маърузачи ўз тингловчиларига руҳан анча

якин бўлади. Натижада талаба ўз устозига маъруза вақтида ўзи бера олмаган саволларини бериш, ўзини ташвишлантирган муаммоларни ўртага ташлаш имкониятига эга бўлади. Бунинг натижасида маърузачи ўзи ўқиган маърузаларнинг ютуқ ва камчиликларини пайқаб олади ва келгуси маърузаларида бу камчиликларни йўқотиш устида изланишлар олиб боради. Масалан, фикр изчилигини яхшилаш, маърузанинг баъзи жойларни тушунишни осонлаштириш, мавзуни кенгайтириш, чуқурлаштириш, талабаларни қизиқтирган яхши муаммоларни фалсафий таҳлил этиш ва хоказо. Демак, семинарнинг бу вазифаси маърузачининг ўзига, ўз методик маҳоратини, малакасини оширишига тегишлидир.

Шундай қилиб биз семинарнинг асосий вазифалари билан танишиб чиқдик. Энди ўқув жараёнида семинар маърузадан кейинги ўринда туради деган фикрга қўшила оламизми? Йўқ, албатта. Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосалар чиқади:

1. Ўқув жараёнида семинар мустақил ўринни эгаллайди, у асло маърузага нисбатан иккиламчи эмас.

2. Адо этадиган вазифаларига кўра семинар ўтказиш жуда катта маҳоратни талаб этади. Шунинг учун уни тажрибаси кам ўқитувчи ўтказса, ўқув фаолиятининг тегишли самараси бўлмайди. Чинакам семинар ўтиш учун маъруза ўқишдан кўра кўпроқ малака талаб қилинади.

3. Семинар машғулотларини маърузачининг ўзи ўтказиш мақсадга мувофиқ. Зеро маърузанинг камчилигини семинарда, семинарнинг камчилигини маърузада йўқотиб борилади ва шу тариқа методик малаканинг ривожланишига эришилади.

4. Маъруза ва семинар соатлари қанча бўлиши кераклиги тажрибали ўқитувчининг ўзи ҳал қилиши мақсадга мувофиқ. Зеро маъруза ва семинар ўтиладиган гуруҳларга билим ва тарбияни қолипга солмасдан, ўсувчан, ҳаракатдаги тирик организмни парвариш қилгандай бериш гоҳо маъруза соатининг кўп бўлиши жоизлишни, гоҳо аксинча — семинар учун кўпроқ вақт ажратишни тақозо этишини ўқитувчининг ўзи яхшироқ билади. Зеро бу ҳар бир ўқув гуруҳининг индивидуал ҳолати, шарт— шароитидан келиб чиқади.

5. Семинар талаба билан икки ёқлама мулоқатда бўлишнинг яккаю ягона шакли эмас. Мулоқотнинг семинардан бошқа шакллари, масалан, Индивидуал иш, курс ишлари, консультация, реферат ёздирш пойгаларида ҳам маъруза ва семинарларда бажаришга улгурилмаган ишларни давом эттириш лозим.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, ўқув жараёни яхлит организм кабидир. Ундан ҳар бир аъзонинг ўз ўрни, роли бор бўлгани каби, маъруза семинар ва бошқа методик ишларнинг ҳам ўз ўрни бор. Уларнинг бажарадиган ишчи вазифаларида умумият мавжудлиги ўқув жараёнидаги улар ўрнининг мустақиллигига дахл этмайди. Чунки бу вазифалар уларнинг ҳар бирида ўзига хос равишда адо этилади. Ўқув жараёнида уларнинг бир - бирини тўлдиришларига эришиш фалсафий таълимнинг диққат марказида бўлиши керак.

### 1.3. Семинарға тайёрланишнинг ташкилий ва назарий жиҳатлари.

Юқорида биз семинар ўтиш жуда масъулиятли иш экани ҳақидаги масалага тўхталган эдик. Энди шу масъулиятни хис этган ҳолда семинар машғулотига қандай тайёрланиш лозимлиги ҳақида фикр юритамиз. Семинарға тайёргарлик иши асосан икки қисмдан иборат. Булар ташкилий ҳамда назарий қисмлардир.

Семинарға тайёрланиш жараёнининг ташкилий жиҳати машғулотлар ўтказилиши мўлжалланган гуруҳ талабалари билан яқинроқ танишиб олишни кўзда тутди. Бу танишув гуруҳдагилар рўйхатини билишдангина иборат эмас, балки гуруҳ аъзоларини амалда тобора яхшироқ билиб боришни кўзда тутди. Танишув икки равишда амалга ошириши мумкин: сиртдан танишув ва бевосита танишув. Сиртки танишув шу гуруҳ ҳақида, гуруҳдаги талабалар ҳақида кафедрада, деканатда айтилганлар ёки куратор фикрларини билиш асосида содир бўлади. Демак, ёш ўқитувчи ишга жойлашар экан нафақат шу ўзи дарс ўтаётган талабаларни яхши билиши, балки келгусида дарс бериши мўлжалланган гуруҳ аъзолари билан ҳам сиртдан танишиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу танишув мажлисларда (кафедрада, факультетда, илмий кенгашларда) у ё бу талаба ҳақида айтилаётган фикрлар, гуруҳда дарс ўтиб келаётган ўқитувчи ва ўша гуруҳга раҳбар бўлган куратор фикрлари асосида ҳосил қилиб борилади. Бундай информация олиш имкони йўқ ҳолларда эса масалан, 1 курсда дарс ўтиш лозим бўлса, анкеталаштириш усулидан фойдаланиш мумкин. Бундай анкеталарға талабанинг интилишлари, қизиқишлари доираси, унинг ёши, таржимаи холининг баъзи жиҳатлари хусусидаги саволлар киритилиши лозим. Масалан, энг сеvimли адиб, сеvimли шоир, талаба энг қизиқаётган фильмлари жанри ёки бошқа яхши кўрган машғулотлари ҳақидаги саволларни киритиш керак. Ана шу энг содда усул ҳам келгуси дарсларни шу талабаларнинг индивидуаллиси, ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда жонли дарс ўтиш имкониятини кенгайтиради.

Танишувнинг иккинчи, бевосита босқичи биринчи семинардан бир ҳафта олдин бўлса, айни муддао бўлади. Зеро, бу танишув куруқ танишувнинг ўзидан иборат бўлиб қолмасдан, балки кейинги ҳафта бўладиган семинар машғулотининг режаси билан талабаларни таништириш, уларға семинарға тайёрланиш бўйича тегишли маслаҳатлар бериш ва ҳоказоларни ўз ичига олади. Биринчидан, бевосита танишувни ўқитувчининг ўзи шахсан амалга ошириши ҳам мумкин, ёки кимдир улуғроқ мартабали киши (кафедра мудири, ё декан) томонидан бошлаб берилиши ҳам мумкин. Мансабдор шахс ўқитувчини таништириб чиқиб кетганидан сўнг, ўқитувчи ўз талабалари билан бевосита рўйхат тузиб танишади.

Семинарға тайёрланишнинг назарий қисми ҳам икки жиҳатни ўз ичига олади: билим ва методика. Биринчи жиҳат семинарда кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар мазмунини, моҳиятини, мантиқий изчилигини яхши англаб етиш, назарияга оид тегишли адабиётлар ва бошқа материаллар билан ишлашни ўз ичига олади. Бунда ўқитувчи билим бериш семинар

машғулотни ўтказишнинг энг асосий жихатларидан бири эканини унутмаслиги лозим. Зеро, йўқ билимни ҳеч қандай, ҳатто жуда зўр методика ҳам боса олмаслигини эсда тутиш даркор, Айни замонда энг яхши билимга эга бўлган киши ҳам, агар у яхши методик тайёргарликка эга бўлмаса, ўқитиш жараёни, хусусан, семинар машғулотларининг муваффақиятли чиқиши жуда қийин бўлади, ҳатто мумкин бўлмайди, Демак, семинар машғулотларига тайёргарликнинг иккинчи асосий жихати методик тайёргарликдир. Методик тайёргарлик семинар машғулотига методик ишланма тайёрлаш жараёнида амалга ошади.

**3. Семинар учун методик ишланма тайёрлаш.** Семинар учун тайёрланадиган методик ишланма, асосан, қуйидаги жихатларни ўз ичига қамраб олади:

1. Семинарнинг асосий ҳамда қўшимча саволлари.

2. Ҳар эҳтимолга қарши деб олдиндан тайёрлаб қўйиладиган йўналтирувчи саволлар, мисоллар, фактлар, таққослар ва ҳоказо.

3. Гуруҳ тайёргарлиги олдиндан маълум бўлмаса семинар ўтиш шаклини ўзгартиришга мўлжалланган бошқа вариантлар. Талабалар ёритиши қийинлиги тахмин қилинган саволларни ажратиб, ёрдамчи тайёргарлик қилиш.

4. Семинарда фойдаланадиган адабиётларнинг кенгайтирилган рўйхатини тузиш.

5. Вақт тақсимотини мўлжалга олиш.

6. Мавзу юзасидан турли хил фалсафий концепциялар олдинга сурадиган муаммоли масалаларни ажратиш.

7. Семинарни кўргазмали чиқишига ёрдам берадиган воситалар: расмлар, схемалар, диаграммалар, диафильмлар, ҳаётий мисоллар, бадиий адабиётдан парчалар ёки мисоллар, саналар, далиллаш учун хизмат қиладиган сонлар, саналар хоказолар.

8. Фан тушунчалари тарихидан қисқа лавҳалар.

10. Гуруҳнинг касби, ўзига хослигини ҳисобга олиш учун мўлжалланган мисоллар ва хулосалар ва ҳ. к.

Энди юқорида айтилганларнинг ҳар бирининг мазмунига бироз кенгроқ ва конкретроқ очамиз;

1. Асосий саволлар ва уларни кенгроқ ёритишга мўлжалланган қўшимча саволлар.

Асосий саволлар нимага хизмат қилишини яхши биламиз. Қўшимча саволлар эса одатда асосий саволни кенгроқ, чуқурроқ, ҳарёқламароқ, изчилроқ ёритишга ёрдам берувчи роль ўйнайди. Масалан, семинар " Макон ва замон" мавзусига бағишланган бўлса, макон, замон, уларнинг борлик

шакллари учун турли туманлиги саволни ёритилишида, шу саволнинг замонга тегишли ерини қуйидаги қўшимча саволларга бўлиб чиқиши ўринли:

- а) Биологик замон
- б) Ижтимоий замон
- в) Космик замон

Қолган саволларни ҳам шу таҳлилда майда саволларга ажратиб чиқиш мумкин. Бундан саволларни (ҳамма саволларни албатта ажратиш керак экан деган хулосани чиқариш керак эмас. Чунки баъзи саволлар ўзи содда бўлади, шунинг учун уларни ажратиб олиш шарт бўлмайди).

2. Ҳар эҳтимолга қарши, деб олдиндан тайёрлаб қўйиладиган, йўналтирувчи деб аталадиган саволлар, ҳар хил мисоллар, қўчирмалар, фактлар ва таққослар, Бунда семинар саволларини ёритиш мобайнида сўзга чиққан талаба ҳам, унга ёрдам беришлари лозим бўлган қолган барча талабалар ҳам баъзи саволларни ёритишда қийналиб қолишлари кутиладиган жойлар бўлади, Кўпинча талабалар масаланинг назарий жиҳатини ёритадилару, лекин мисол, фактларни топа олмасликлари мумкин. Шунда ўқитувчи ўзи тайёрлаб қўйган материалларини тавсия этиши керак. Йўналтирувчи саволлар ҳам талабалар мустақил фикрлашида қийинчилик туғилиши мумкин деб ҳисобланган моментларни олдиндан пайқаш асосида, бу қийинчиликдан чиқиб олишга ёрдам берадиган қилиб тузиладиган саволлардир.

**Ҳозирги даврда семинар ўтказишнинг ўзига хосликлари.** Ҳозирги даврда семинарнинг деярли ҳамма шакллари кўллашнинг катта қийинчилиги бор. Бу қийинчилик энг аввало мустақил Ўзбекистоннинг ҳали янгича фалсафий дунёқарашининг батамом шаклланиб улгурмаганлигида. Бунинг ижобий ва салбий жиҳатлари бор. Ижобий жиҳат шундаки, ҳар бир фалсафий маданият эгаси илгари шаклланган догматик қолипидан озод бўлди, демак фикрлаш плюрализми учун барча имкониятлар ҳозир ҳар қачонгидан кўп, максимал даражададир. Иккинчи томонидан қараганда, бу озодлик фақат изланиш, янги билим ва ғоялар вужудга келишига олиб келмайди, балки зарарли ғояларнинг ҳам ҳаётимизга кириб келиши учун катта йўл очади. Хусусан, коммунистик мафқуранинг яккахокимлиги даврида қаттиқ чеклаб қўйилган диний дунёқарашга йўл очилиши ушбу буюк қадрият билан бирга диний экстермизмнинг ҳам кириб келишига шароит яратди. Натижада, ҳали бу соҳада оқ -қорани ажратишга улгурмаган ёшларимиз онгини ҳавфли кучлар эгаллай бошладилар. Бу ҳол, хусусан, 1999 йил феврал воқеаларида яққол намоён бўлди. Мана шундай масъулиятли, қийин, жиддий даврда ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчисининг меҳнати алоҳида аҳамият касб этади. У ўз талабалари, қолаверса бутун жамият аъзоларининг янгиланаётган онгига эзгу ғояларнинг киришига ёрдам бериши, бунда бутун куч ва ғайратини сарф қилиши жамият тақдирида ҳал этувчи аҳамиятга эгаллигини жиддий ҳис этиши ниҳоятда зарур. Зеро бугунги маънавий бўшлиқ даврида ҳаётнинг ижобий ва салбий қувватлари ўзаро мувазанатда турган бугунги нозик шароитда чин донишмандлик устозининг чин дилдан қилган эзгу иши - донишмандлик ўғитларининг ўрнини ҳеч нима боса олмайди. Қолган барча ишлар, маросимлар киши руҳиятини кўтариши мумкин ва лекин улар жиддий, теран, онгли мушоҳада ўрнини босмаслиги табиий.

### **Назорат саволлари:**

1. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг бошқа табиий ва техника фанларни ўқитишдан фарқи ва умумийлиги.
2. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдаги толерантлик ва унга ижодий ёндашув.
3. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишдаги камчиликларни анъанавий методлар билан аниқлашнинг зарурати.
4. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг мақсад, вазифалари ва кутилажак натижаларни инновацион методлар ёрдамида аниқлашнинг аҳамияти.
5. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг классик ва ноклассик шакллари.
6. Ўзбекистон таълим муассасаларида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг зарурияти ва аҳамияти.
7. Олий таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг асосий шакллари.
8. Семинар ижтимоий-гуманитар билимни ўзлаштириш воситаси.
9. Идеал семинарни ташкил қилишда ўқитувчининг маҳорати.
10. Идеал семинар машғулотини ўтказишдаги қийинчиликлар.
11. Қийинчиликларни бартараф қилиш йўллари: мавзуга оид мақола, монография боблари ёки параграфларининг муҳокамаси.
12. Семинар машғулотининг тузилиши: ўқитувчининг кириш сўзи, талабаларнинг фикрларини мантикий изчил ифодаси, ўқитувчининг яқунловчи фикри.
13. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда аргументлаш муаммоси.

### **Раҳбарий адабиётлар**

1. Каримов И.А. Асарлар тўплами.1-23 жилдлар. - Тошкент, “Ўзбекистон”, 1996-2015.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. – 440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 304 б.

### **Асосий адабиётлар:**

1. Қўшоқов Ш. Фалсафани ўқитиш методикаси.-Самарқанд, Университет, 2006
1. Эмирова Е. Методика преподавания философии. ЎЗМУ.2008
2. Шермухамедова Н. Фалсафани ўқитиш методикаси.-Т.:Ношир, 2013.-165 б
3. Abel, Donald C. Fifty Readings in Philosophy. New York 1994

### **Қўшимча адабиётлар:**

6. Борисова Н.В., Соловьева А.А. Игра в обучении лекторов. М., «Знание», 1990

7. Брушлинский А.Б. Психология мышления и проблемное обучение. М., 2009.
8. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. М., «Высшая школа», 1991
9. Вербицкий А.А. Человек в контексте речи: формы и методы активного обучения. //Лекторское мастерство №11, 1990 /М., «Знание»
10. Выготский Л.С. Педагогическая психология. М., «Педагогика», 1991
11. Фалсафа. Қисқа изоҳли луғат. Абдуллаева М. тахрири остида. –Т.: Шарқ, 2004.
12. Ахмедова М. Основы философии. -Т.: Узбекистан, 1998. -340 с.
13. Глобалистика. Международный энциклопедический словарь. / Под ред. Мазур И.И., Чумаков А.Н. –Москва-Санкт-Петербург-Нью-Йорк, ЕЛИМА, ПИТЕР, 2006.

#### **Интернет ресурслари**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
2. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
3. <http://www.intencia.ru>.
4. <http://www.anthropology.ru>
5. <http://www.ido.rudn.ru>.
6. <http://www.filosofia.ru>.
7. <http://www.falsafa.dc.uz>.
8. <http://www.phenomen.ru>.
9. <http://www.lib.ru/FILOSOF>.
10. <http://www.filam.ru/sait.phg>.



1.

## **2-МАВЗУ. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари**

### **РЕЖА:**

1. Ҳозирги даврда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш учун янги имкониятларнинг очилиши.
2. Ижтимоий-гуманитар фанлардан интернет журналлари ва газеталари..
3. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг интернет нашриётлари

**Таянч иборалар:** Анъанавий ва ноанъанавий (ноактив ва интерактив) метод, фалсафий маъруза, инсерт, биргаликда илм олиш, суқротча баҳс, танқидий тафаккур, фалсафий дебат, “ақлий ҳужум”, кейс-стади, тасдиқ кейси ва стратегияси, инкор позицияси, эссе, рефератив иш, конференция дарслари.

### **1. Ҳозирги даврда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш учун янги имкониятларнинг очилиши.**

МДХдаги Миллий кутубхоналарда бугун ҳар томонлама интеграциялашув давом этмоқда. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, жамиятнинг маънавий бойлигини ошириш, ҳар бир миллат вакилини она юртига садоқатли, муносиб фарзанд сифатида тарбиялаш, жаҳон фан-техникаси ютуқлари билан аҳолини таништириш, ўзаро дўстлик, ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш, мавжуд муносабатларни мустаҳкамлаш, энг муҳими, кутубхоналардаги тарихий қўлёзмаларни кўз қорачиғидек асраб-авайлашдан иборатдир. Шундай экан, ҳар бир китобхон миллий кутубхоналарнинг келажак авлод учун бекаму кўст етказилишига маълум маънода жавобгардир.

Электрон кутубхона- Интернетнинг ажойиб имкониятларидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда одатда кўз олдимизга китоблар турган узундан узок китоб жавонли катта хоналар келади. Электрон кутубхонада жавонлар вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини Интернет саҳифалар бажаради. Бу кутубхона маълумотлари электрон кўринишда бўлади ва компьютерда жойлашади. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда қўлай. Сиз дунёнинг ихтиёрий нуктасидан электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олишингиз мумкин. Яна бир қўлай томони зарур маълумот нусхасини кўчириб олишингиз мумкин. Электрон

кутубхонадан фойдаланишингиз учун компьютер, модем, Интернет тармоғи бўлиши етарли. Фараз килайлик, электрон кутубхонадан фойдаланмоқчисиз. Бирор маълумот билан танишмоқчисиз. Компьютер ва Интернет ёрдамида маълумотни бир неча дақиқада топиш мумкин. Маълумот дунёнинг ихтиёрий нуктасидан бир пастда экранда тасвирланади. Бунинг учун Сиз компьютернинг тугмачасини босишингиз ва электрон кутубхонага киришингиз етарлидир. Бир неча дақиқада маълумот кўз олдингизда намоён бўлади. Бу мўжизани эслатади. Бу мўжиза виртуаллик деб аталади. Унга фақат компьютер ва махсус тармоқ орқали эришиш мумкин. Бир неча йил аввал бир маколани топишга бир неча ой вақт сарфлаш зарур эди. Бугун бунинг учун бошқа шаҳарга бориш ва вақт сарфлаш зарурати йуқолди. Электрон кутубхоналар ёрдамга келди. Электрон кутубхоналарни турлича номлашади:

Электрон кутубхона  
Виртуал кутубхона  
е-кутубхона  
e-library  
digital library

Виртуал кутубхона ўзи нима? Охири пайтда виртуал дунё, виртуал олам, виртуал дуст каби сўзлар пайдо бўлди. Виртуал сўзнинг маъноси бу тасаввур қилишдир. Виртуал кутубхона бу одатдаги кутубхонанинг абстракт кўринишидир. Бу кутубхона китоблари, журналлари ва рузномалари китоб жавонларда эмас, балки компьютер хотирасига жойланган бўлади. Бу компьютерда ёки компьютер махсус курилмаларида рақамли форматда сақланадиган маълумотларнинг тўпламидир. Бу : босма, аудио, видео ва мультимедиа маълумотлардир. Маълумотлар ҳажмига қараб Серверлар битта ёки тармоқ билан боғланган бир неча компьютерлардан иборат бўлади. Электрон кутубхонада кутубхоначи бўлмайдди, шунинг учун зарур китоб ёки маълумотни компьютер жавонларидан сиз ўзингиз қидирасиз.

Электрон кутубхона одатдаги кутубхонадан бир қанча қулайликларга эга:

Жойнинг тежамланиши, яъни китобларни сақлаш учун махсус жойнинг зарурати йўқлиги.

Нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги

Фойдаланишнинг қулайлиги ва енгиллиги.

Қидирув тизимларининг мавжудлиги .

Маълумотлар ҳажмининг чекланмаганлиги.

Маълумотнинг аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги.

Вақтнинг тежалиши ва чекланмаганлиги, яъни ундан 24 соат мобайнида фойдаланишингиз мумкин.

Қўшимча хизматларнинг мавжудлиги.

Демак, электрон кутубхона бу турли маълумотлар жамланган интернет саҳифасидир. Бу сайфани кутубхоналардаги махсус марказ мутахассислари

маълумотларни мунтазам равишда компьютерга киритади ва йиғади. Яъни маълумотлар доимо янгиланиб турилади ва кутубхона ҳажми кенгайиб боради.

Кутубхона билан қандай ишлаш мумкин. Бунинг учун кутубхона адресини Адрес майдонига ёзишингиз зарур. Одатдаги кутубхона сингари электрон кутубхона маълумотлари мавзу ёки алфавит бўйича тартибланади. Шунинг учун зарур маълумотни шу тартибда топиш мумкин.

Ҳозирги кунда электрон кутубхоналар сони сонғсаноксиздир. Кутубхоналар, университетлар, баъзи ташкилотлар ўз электрон кутубхоналарига эга. Ўзбекистонда ҳам кутубхоналар мавжуд. Қуйида баъзи электрон кутубхона манзиллари ва тавсифини келтирамиз:

Конгресс Виртуал кутубхонаси.

<http://lcweb.loc.gov>- Конгресс Виртуал кутубхонасининг электрон кўриниши бўлиб, у дунёдаги энг йирик виртуал кутубхоналардан биридир.

WWW Виртуал кутубхонаси.

<http://www.vlib.org>- WWW Виртуал кутубхонаси турли туман маълумотларни ўз ичига олади.

GPO Access.

<http://gpo.gov-US> Government Printing Office маркази миллионлаб маълумотларни ўзида мужассамлаган.

## **2. Ижтимоий-гуманитар фанлардан интернет журналлари ва газеталари**

Оммавий коммуникация – инсонлар баҳоси, фикри ва ахлоқига мафкуравий, сиёсий, иқтисодий ёки ташкилий таъсир кўрсатиш ва маълум маънавий қадриятларни тасдиқлаш учун бошқарув ҳокимияти томонидан қўлланувчи ва аниқ бир мақсадга қаратилган ҳолда тартиблаштиришга юз тутган ижтимоий аҳамиятга молик ахборотни узатишнинг ошқора, тартибга солинган жараёнлари йиғиндиси.

Оммавий коммуникация қуйидагича таснифланади: аудиториянинг ажратиб юборилиши техник воситалар ёрдамида амалга оширилувчи кенг миқёсдаги коммуникатив жараёнларнинг мавжудлиги билан; оммавий хабарлашнинг бир пайтнинг ўзида турли каналлар бўйича ахборот узатиш (китоб нашр этиш, газета ва журналларни чоп этиш, радио- ва телетрансляциялар, глобал компьютер тармоқлари); ахборотнинг барча хоҳловчилари учун асосан қулайлиги.

Оммавий коммуникация инсонлар (аудитория) онгини манипуляцилаш учун фаол қўлланилади. Оммавий коммуникацияни тадқиқ қилувчи кўплаб тадқиқотчиларининг фикрича, унинг таснифи ва мақсади мафкуравий-сиёсий кураш, бошқарув, ташвиқот, маданиятни тарғиб қилиш, реклама қуроли сифатида жамиятнинг ижтимоий табиати томонидан таснифланади.

Интерфаол оммавий коммуникацияда интерфаоллик тамойили субъект-объект иборасидаги коммуникация тушунчасидан воз кечишни англатади (хеч бўлмаса, ошкора эълон қилинувчи). Интерфаол коммуникацияда гарчи аслида хабарни олувчи ташаббускорнинг стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, жумладан камида манипуляциялаш объекти сифатида ўрганилиши мумкин бўлиб, бу ҳолда унда “тенг ҳуқуқлилиқ” каби сохта тасаввур юзага келса ёки сақланса-да, хабар ташаббускори хабарни олувчи сингари коммуникациянинг тўла ҳуқуқли иштирокчиси ҳисобланади.

Ахборот макондаги оммавий коммуникациянинг интерфаол тури ахборотга нисбатан аниқ бир мақсадга қаратилган фаол муносабатни, ахборот жараёндаги бошқа субъектлар билан узлуксиз чўзилувчи коммуникацияни ўрнатиш билан турли субъектлар ўртасида ахборот алмашинувини ташкиллаштиришни олдиндан белгилайди. Интерфаоллик тамойилига таянувчи коммуникацияда хабар турли маънолар мазмунини юзага келтиради.

Оммавий коммуникация субъектлари – оммавий ахборот алмашинувида электроалоқа ва ахборот-телекоммуникацион тизимларнинг замонавий воситаларини қўллаш орқали иштирок этувчи субъектлардир. Ахборотлашган жамиятдаги оммавий коммуникация субъектлари таркибини аввалги – индустриал ва қисман постиндустриал (ахборотлашган сари) жамият билан қиёслаган ҳолда 1-жадвалда намоён этиш мумкин.

1-жадвал.

Коммуникация субъектлари	Жамият	
	Индустриал	Ахборотлашган
Давлат (тўлалигича)		
Деярли мустақил ахборот сиёсатга олиб борувчи Давлат тузилмалари (давлат тузуми ва қонунлари бунга имкон берувчи мамлакатлар).		
Ўз фаолиятининг худудий (жабҳа) миқёсида йирик, яъни мустақил ахборот сиёсатни ўтказиш учун етарли ресурсларга эга бўлган ёки ўз манфаатлари жабҳаси миқёсида унга сезиларли таъсир кўрсатувчи иқтисодий субъектлар.		
Фуқаролик жамияти субъектлари (сиёсий ва жамоатчилик партиялари, ҳаракатлар ва ҳ.к.).	+	+
Оммавий ахборот воситалари юридик шахс сифатида, ОАВ муҳарририятлари - ахборот сиёсатга мос ҳолда.	+	+
Профессионал медиа-гуруҳлар – ахборот маконида мустақил ахборот фаолият олиб борувчи ва умумий касбий фаолият/манфаатлар (шу жумладан янада йирик тузилмалар доирасида ажралиб турувчи, масалан – ташкилотлар) сифатида бирлашган гуруҳлар (хамжамият-лар).	-	+

<p>Медиа-шахслар – оммавий коммуникация даражасида унда ўз шахсий манфаатларини долзарблаштириш учун ахборот маконидан фойдаланувчи шахслар (энг аввало, оддий фукаролар).</p>		
--	--	--

Замонавий жамиятнинг ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида оммавий коммжараёнлари давлат бошқаруви жараёнини жорий этишнинг элементи ва субъектнинг объектга таъсирининг муҳим воситаси ҳисобланади. оммавий коммуникациянинг жамиятдаги роли ахборот фаолият субъектларига омма онгига бошқарувчилик таъсирини ўтказиш имконини тақдим этишдан иборат. Россиялик таниқли олим, социология фанлари доктори Е.П. Тавокин бу ўринда: “жамиятда тарқатилувчи барча қонунлар, фармонлар, буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар ҳамда барча маълумотлар ўзида омма онгига ахборот таъсир кўрсатишини намоён этади... Ушбу таъсирни амалга оширувчи асосий тузилма оммавий коммуникация ҳисобланади. Оммавий коммуникация – инсонларнинг жамият онгига, инсонлар тасаввурига, баҳосига, фикри ва ахлоқига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида... ахборотни тарқатувчи тизимдир” дея ҳақли равишда таъкидлаган.

Оммавий коммуникациянинг вазибалари қуйидагилардан иборатдир:

1. Интеграцияловчи (яхлитловчи). Оммавий коммуникация мазкур вазиба доирасида турли кўринишдаги инсон фаолиятини ва улар билан шуғулланувчи субъектларни, шу жумладан оддий инсонлар каби, яхлит давлатлар, халқлар ва халқаро коалициялар, ва трансмиллий корпорацияларни ягона маконий-коммуникатив ва социомаданий муҳитга бирлаштиради.

2. Коммуникатив. Оммавий коммуникация ахборот алмашинуви доирасида улар амалга оширувчи турли субъектлар фаолиятининг трансчегаравий, интерфаол ва мобил фаоллигининг алоҳида муҳитини яратади.

3. Долзарблаштирувчи. Айнан оммавий коммуникация технологияларини қўллаш шарофати билан ахборот сиёсатни жорий қилиш воситасида ахборот-психологик макондаги турли фаолият субъектлари томонидан ўзларининг муҳим ҳаётий манфаатларини долзарблаштириш ва омма онгига бошқарувчи таъсир кўрсатиш имконияти юзага келади.

4. Геосиёсий. Оммавий коммуникация геосиёсий муносабатлар ва рақобатнинг янги муҳитини шакллантирар экан, анъанавий ресурсларнинг аҳамиятини ўзгартиради ва хусусий ресурсларини шакллантиради.

5. Ижтимоий. Оммавий коммуникация жамият таркибини трансформациялаштиради ва сиёсат, маданият, фан, дин ва бошқалар каби барча жабҳаларда ижтимоий-сиёсий (жамоатчилик) муносабатларининг таснифи ва мазмунини ўзгартиради.

Интернет тармоғига кетадиган қўп ахборот воситалари машхур телерадиокомпаниялар ёки ОАВноми орқали тарқатилади. Нега телевидение ва газета-журналларда кенг ёритиш бўлмаган турли маълумотларни катта ҳажмдаги ахборот сифатида интернетда бемалол ва истаганча талқин қилиш

мумкин. Шу сабабли ҳам бугун, интернет тармоғида BBS, CNN, TIMES каби, интернет сайтлари ҳаммабоп бўлиб қолганлигини эътироф этиш мумкин. Бу сайтларда мавжуд ахборотлар дунёнинг барча халқлари тушунадиган асосий тилларда деярли ҳар куни ҳар соат ва ҳар дақиқаларда тарқалади ёки янгилашиб туради. Интернетнинг кунига 24 соат давомида тўхтовсиз ишлаши ва уни тўлиқлигича қўлга олишнинг иложи ёқлиги кўплаб давлатларда ахборотлар билан ишлаш белгиланган кўникмалар шакллантирувчи ўқув марказлар ташкил этилган. Бизнингча университет ва талабалар турар жойларида интернет марказларининг фаолиятини амалий жиҳатдан ривожлантиришда ўқув марказлари ташкил этиш лозим. Ахборот хуружига қарши талабаларга бирор-бир амалий ёрдам кўрсатадиган қўлланма ва китоблар етишмаяпти. Талабалар интернет ахборот хуружига қарши ўзларида хали фуқаролик позициясини тўлиқ шакллантириш имкониятига эга эмаслар. Машхур иқтисодчи халқаро Нобел мукофоти соҳиби, профессор Ф.Хайек ўз мунозараларида шундай дейди. “Ҳақиқат бир томондан бизнинг замонавий фанимиз қонунлари асосида ўз исботини топмайди ёки конструктивиз методологияси талабаларига ҳам асосламайди лекин шу билан биргаликда бизда ўзимизнинг кўплаб ҳозирги илмий таҳминларимиз ҳам охир-оқибатда ҳато чиқиб қолиши учун ҳам асос мавжуд. Агар ҳар қандай таълимот бизга катта ютуқлар олиб келган тақдирда ҳам, биз ишонмайлик, бу илгари одимлаш учун жиддий мазмун касб этганда ҳам, моҳиятига кўра худди аввалгилари сингари англашилмагандай бўлиб қолаверади”

### **3. Хорижий давлатлар ва Ўзбекистоннинг интернет нашриётлари**

Ўзининг трансчегаравийлиги ва виртуал характери туфайли ахборот макони замонавий оламда сайёра кўламларида одамлар ҳамжамиятларини интеграциялашнинг асосий соҳаларидан бири сифатида чиқади.

Ахборот макони бажарадиган асосий функциялар қуйидагилардир.

1. Интегралловчи функцияси. Мазкур функция доирасида ахборот макони ягона макон-коммуникатив ва ижтимоий-маданий муҳитга инсон фаолиятининг ҳар хил турлари ва улар билан шуғулланувчи субъектларни, жумладан, алоҳида одамларни ҳам, шунингдек бутун бошли давлатлар, халқлар, халқаро коалициялар ва трансмиллий корпорацияларни ҳам бирлаштиради.

2. Коммутатив функция. Ахборот макони турли хил фаолият субъектларининг трансчегаравий, интерфаол ва мобил коммуникация муҳитини яратади, субъектлар бу муҳит доирасида ахборот алмашинувини амалга оширадилар.

3. Долзарблантириш функцияси. Айнан ахборот маконида субъектлар томонидан ахборот сиёсатининг амалга оширилиши воситасида турли хил

фаолият субъектларининг манфаатларини долзарблаштириш амалга оширилади.

4. Геосиёсий функция. Ахборот макони ўзининг ресурсларини шакллантиради ва геосиёсий муносабатлар ва рақобатнинг янги муҳитини яратиш билан анъанавий ресурсларнинг аҳамиятини ўзгартиради.

5. Ижтимоий функция. Ахборот макони жамият таркибини трансформациялайди ва барча жабҳаларда – сиёсат, маданият, фан, дин ва бошқа соҳаларда ижтимоий сиёсий (жамоатчилик) муносабатларининг характери ва мазмунини ўзгартиради.

Давлат ахборот сиёсати доирасида жамиятнинг ахборот маконининг элементлари ва тизимларига бошқарувчи таъсир ўтказишни режалаштириш ва амалга оширишда бошқарув объектларини тизимлаштиришдан фойдаланилади, у бошқариш турлари, шакллари, характери ва воситаларини тақсимлаш имконини беради. Умумий ҳолатда бундай тизимлаштириш куйидаги тарзда ўтказилиши мумкин.

1. Моддий-техник табиатга эга бўлган объектлар – бу жамиятнинг бутун ахборот-телекоммуникацион инфратузилмасидир. Бу объектларга нисбатан давлатнинг ахборот сиёсати авваламбор ушбу инфратузилманинг барқарор фаолият юритиши ва ривожланишини, жамиятнинг барча аъзолари учун эришиш эркинлигини, уларни ва улар амалга оширадиган профессионал ва коммуникатив фаолиятни ахборот маконика интеграциялашни таъминлайдиган шарт-шароитларни шакллантириш йўли билан амалга оширилади.

2. Виртуал/виртуал-моддий табиатга эга бўлган объектлар – бу жамиятнинг ахборот маконида айланиб юрадиган ахборот ва унинг ахборот ресурсларидир. Бу объектларга нисбатан давлат ахборот сиёсатининг бошқарувчилик вазифаси ахборот оқимлар ва жараёнларни назорат қилиш, уларни ахборот ва ҳуқуқий тартибга солиш (жумладан, ахборот алмашуви соҳасида жамоатчилик муносабатларини тартибга солиш йўли билан), ахборот ва ахборот ресурсларини ҳимоялашни таъминлаш, шунингдек уларнинг характери ва мазмуни (уларнинг реципиентларга таъсир кўрсатиши) жамиятда ижтимоий ва сиёсий барқарорликни сақлаш, фан ва маданиятнинг ривожланиши ва бошқа аҳамиятга молик бўлган ижтимоий масалалар бўйича давлат ҳокимият органлари ва миллий манфаатларнинг мақсад ва вазифаларига жавоб бера оладиган ахборот фонини шакллантириш ва ахборот оқимлар/майдонларни яратишдан иборат бўлади.

3. Одам табиатига эга бўлган объектлар – бу одамлар ва уларнинг ҳамжамиятларидир. Демократик давлатнинг давлат ахборот сиёсати доирасида мазкур объектларни бошқариш субъект-субъект муносабатлари, ахборот ошқоралик ва тенг ҳуқуқли интерфаол коммуникация тамойиллари бўйича амалга оширилиши лозим.

У билан очиқчасига ёки яширин тарзда ахборот кураш олиб бориладиган геосиёсий рақибнинг ахборот макони давлат ахборот сиёсати учун ўзига хос бошқариш объекти бўлиб ҳисобланади. Бундай ҳолда бошқаришнинг кўпроқ яширин, манипулятив услубларидан фойдаланилади, қўлланиладиган

воситалар ва технологиялар эса ахборот кураш олиб бориш ва ахборот-психологик операциялар ўтказиш (ахборот-психологик таъсир ўтказиш акциялари) арсеналига киради.

## **V.АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-Амалий машғулот мавзуси. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти**

Ҳозирги замон ахборот технологияси ўтмишнинг телеграф, телефон, радио, телевидение сингари техник ютуқларидан фойдаланади. Илмий-техник тажрибадан келиб чиқиб ахборотни машина ўқийдиган ташувчиларда жамғариш воситалари яратилди. Бундай воситалар замон ва маконда бирон-бир чеклашларсиз ахборотни Ер қуррасининг исталган нуқтасига етказишни таъминлайди. Ниҳоят, мавжуд алгоритмлар бўйича компьютерлар ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш технологияси ишлаб чиқилди.

Ахборот технологияси автоматлаштирилган бошқарув тизимида айланадиган ахборотга асосланади. Бу тизимда ахборот директив ҳисоблаш, ишлаб чиқариш ва ёрдамчи туркумларга ажратилади. Ахборот технологиясининг негизини машина ўқийдиган ташувчилар (магнит ленталари, микрофильмлар, магнит дисклари ва ҳ.к.)да ахборотни жамғариш, Ер қуррасининг исталган жойига ахборотни етказиб беришни таъминловчи ривожланган алоқа воситалари (радио, телевидения, ахборот узатиш тармоқлари, йўлдош алоқа, телефон тармоғи), компьютер ёрдамида ахборотга автоматлаштирилган ишлов бериш (саралаш, таснифлаш, зарур шаклда тақдим этиш) имконияти ташкил этади.

Ахборот технологияси ҳар қандай тизим сингари бир қанча таркибий қисмлардан - билимлар базаси (маълумотлар базаси ва амалий дастурий таъминлаш воситалари)дан, ахборот-технологик жараёнларидан, предмет соҳасининг моделидан ва таянч технология (аппаратли воситалар, тизимли ва инструментал дастурий таъминлаш воситалари)дан таркиб топади.

“Ахборот технологиясининг функцияси - ягона бошқарув асосида маҳсулотни лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш учун ахборот техникаси негизида, ахборотга ишлов бериш йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдан иборат”. Бу функцияни бажариш жараёнида бир қанча вазифалар ҳал қилинади.

Ҳозирда ахборот технологиясига катта эътибор замонавий ҳисоблаш техникаси воситаларининг жадал ривожланиши ҳамда ишлаб чиқариш комплексларини яратишда, улардан фаол фойдаланилиши билан белгиланади. Билимларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланишда ахборотга автоматлаштирилган йўсинда ишлов бериш асосий рол ўйнайди. Маълумки, моддий ишлаб чиқариш ҳажмини икки ҳисса ошириш учун бундай ишлаб чиқаришга зарур ахборот ҳажмини, нафақат икки, балки тўрт баравар ошириш керак. Ахборот жамиятнинг энг қиммат бойлигига айланмоқда. Бу янги информатика воситалари тарқалишининг ўсиши ва кенгайишига туртки



берди. Чунончи, жаҳонда шахсий компьютерлар сотиш ҳажмлари 2004 йилда 2003 йилдагига қараганда 18% га ошди ва 70,8 млн. бирликни ташкил этди. Шулардан 3,5 млн. компьютер Хитойда сотилди.

Замонавий ахборот технологияларига мисол тариқасида ахборот-ҳисоблаш тармоқларини, эксперт тизимларини тилга олиш мумкин. Улар инсон фаолиятининг турли туман соҳаларида амал қилади. Сўнгги йилларда коммуникацион техника соҳасида ҳам катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Телефон ва компьютер тизимлари аста-секин бир моделга бирлашмоқда. Қоғоз ўрнини электрон воситалар эгалламоқда. Кўп каналли кабель тизимларига эга телевизион хизмат кенгайиб бормоқда. Компьютерлар негизида ахборот сақлаш ва уни сўраб олиш тизимлари илмий тадқиқот гуруҳлари фойдаланиши мумкин бўлган интерактив ахборот тармоғига айлантирилмоқда. Бугунги кунда кутубхона ва уйдаги компьютерлар орқали маълумотлар банкларидан бевосита ахборот олиш мумкин. Компьютер таълими негизида таълим тизими ҳам кенгайиб бормоқда. Дунёни жаҳон ахборот тармоғи - Интернет камраб олмоқда.

Янги инфратузилмани яратиш баъзан зиддиятли йўллардан бормоқда. Масалан, британиялик олимлар оддий электр тармоқлари орқали ахборот узатиш технологиясини ишлаб чиқдилар. Бундай узатиш тезлиги ҳозирда қўлланилаётган телефон алоқаси тезлигидан 30 баравар юқори. “Электр алоқа” қиймати ҳам анча арзон.

XXI асрнинг биринчи ярмида ишлаб чиқаришнинг технологик усули негизида катта иқтисодий ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда. Маҳсулот ассортименти анча кенгайди ва унинг сифати яхшиланади. Товар бойликлари дунёси анча индивидуаллашади. Аҳоли жон бошига миллий даромаднинг ўсиш суръатлари янада тезлашади. Ишлаб чиқариш ва маҳсулотларнинг экологик характеристикаси яхшиланади, айти вақтда, маҳсулот таннархи пасаяди. Аммо бу натижаларга фақат ижтимоий ҳаётни инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш, миллий адоват ва ҳарбий тўқнашувларга барҳам бериш, табиатга оқилона ёндашиш орқали эришиш мумкин. Инсоният ўз билими ва ғайратини шунга йўналтириши лозим.

Ахборот технологиясини бошқа омиллар (бозор, ижтимоий муҳит, бошқарув стратегияси) билан уйғунлаштириш бир қанча “информацион тенденциялар”ни юзага келтирдик, улар ахборот технологиясининг келгуси ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Биринчи тенденция - ахборот маҳсулоти аҳамиятининг ошиши. Ахборот маҳсулоти дастурий воситалар, маълумотлар базалари ва эксперт таъминлаш хизматлари шаклида стратегик аҳамият касб этади. Яхши яратилган ахборот маҳсули ўз қимматини муайян ахборот ташиш воситаларига қараганда кўпроқ сақлаб қолади. Технология аксарият техника воситаларининг алоҳида блоклари таннархини пасайтиради. Айти вақтда, ахборот хизмати кўрсатиш таннархи ошиб боради. Бу кўп жиҳатдан малакали меҳнат таннархининг баландлиги билан боғлиқ.

Иккинчи тенденция - инсон билан компьютер алоқасини такомиллаштириши. Инсон билан компьютер алоқаси ахборот маҳсулини

айирбошлашни идеал тарзда (яъни тез ва соз) амалга оширишни назарда тутлади. Бу интерфейсни, фойдаланувчининг компьютер билан табиий тилдаги ўзаро алоқасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Учинчи тенденция - оралиқ бўғинларни тугатилиши. Бу ахборот айирбошлаш жараёнини такомиллаштиришнинг муқаррар натижасидир. Янги технологиялардан фойдаланиш янада баркамол бозорнинг шаклланишига олиб келади. Баркамол бозор деганда фойдаланувчи билан етказиб берувчи ўртасида оралиқ бўғинлар мумкин қадар кам бўлган бозор тушунилади.

Тўртинчи тенденция - ахборот технологияси маҳсулотлари бозорининг глобаллашуви. Ахборот технологияси маҳсулотларини оммавий тарзда сотишга мўлжалланган савдо каналлари кенгайди ва мустақамланади.

Бешинчи тенденция - юқорида зикр этилган тўрт тенденциянинг пировард натижаси бўлган конвергенция. Маҳсулот ва хизматлар, ахборот маҳсулоти ва воситалари, улардан рўзғорда ва ишбилармонлик мақсадларида фойдаланиш, ахборот билан кўнгилочар воситалар, шунингдек алоҳида иш режимлари, масалан, овозли, рақамли ва видео сигналлар узатиш ўртасида тафовут йўқолади.

Хулоса қилиб айтганда: 1) жамият тараққиёти ривожланишининг интенсивлашуви, ахборот ва уни айирбошлаш муносабатларини янги сифат даражасига кўтаради; 2) ахборот ва уни айирбошлаш техникаси ҳамда технологиясини ривожлантириш жамият умумий тараққиётининг таркибий қисми ҳисобланади; 3) жамиятда ахборотнинг яратиш, системалаштирилиш, туркумлаштириш ва сақлаш махсус фаолият йўналишини ташкил қилиб, унинг ривожланиш даражалари жамият тараққиётини белгиловчи мезонга айланмоқда; 4) ижтимоий тараққиёт эҳтиёжлари, манфаатлари “ахборот босими”нинг характерини, шартли равишда, ижобий ҳамда салбий йўналишларга ажратади.

Сунъий интеллект системаларини яратиш фан-техника тараққиётининг ҳозирги босқичида ахборот технологияси ривожланишининг энг юқори босқичи ҳисобланади. Сунъий интеллектни яратиш учун информатика кўплаб фанлар ва илмий йўналишларни, чунончи ҳисоблаш математикаси, кибернетика, дастурлаштириш, сунъий интеллект назариясини бирлаштирди. Бунда сунъий интеллект соҳасидаги илмий ва техник изланишлар ахборот технологияси соҳасидаги тадқиқотлар стратегияси бўлиб хизмат қилаётир. Хўш, сунъий интеллект нима? Ушбу интеллектни инсон интеллекти, яъни табиий интеллектга солиштириш йўли билан бунини тушунишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Сунъий интеллект нима? Сунъий интеллект ҳақидаги тасаввур ва бу соҳадаги изланишлар «ақлий машиналар» ишлаб чиқаришга илмий ёндошиш биринчи бўлиб Станфорд университетининг (АҚШ) профессори Джон Маккарти ташаббуси асосида 1956 йили ташкил топган илмий тўғарақда пайдо бўлди. Айнан шу тўғарақда «Сунъий интеллект» (СИ) тушунчаси пайдо бўлди.

Бу тушунчани оддий қоида асосида тушунтириш мумкиндек туюлади, лекин бу ўзига яраша ноқулайликларни келтириб чиқаради. Чунки, ҳозирча «интеллект» ва «СИ» ҳақида бирон-бир аниқ фикр йўқ. Бу тушунчани турли фан соҳаларида ижод қилувчи олимларнинг талқин қилишлари турлича фикрлашларида яқдиллий йўқ.

«Интеллект» сўзи лотинча «intellectus» сўзидан келиб сиққан бўлиб, у билиш (аниқлаш), тушуниш ёки фаҳмлаш (ақл) маъносини беради.

«Интеллект» сўзини аниқловчи, психологлар тузган учта тушунчани келтирамиз Бу тушунчалар «интеллект» тушунчаси мазмунини аниқлаш учун ёрдам беради.

Интеллект- фикрлаш қобилияти, рационал билиш ва шунга ўхшаш. Умумий ҳолда эса фикрлаш, шахсни ақлий ривожланиши синоними бўлиб хизмат қилади.

Интеллект (ақл) – ўз хулқини созлаш йўли билан ҳар қандай (айниқса янги) ҳолатга етарли баҳо бериш қобилияти.

Интеллект – турмушдаги далиллар ўртасидаги ўзаро бо-лиқликни тушуниш қобилияти. Бу қобилият белгиланган мақсадга эришишга олиб боровчи ҳаракатларни ишлаб чиқиш учун керак бўлади.

Аниқланган «интеллект» тушунчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, яъни интеллект фақат инсонларга тегишли ва одам ақлий қобилиятининг ўзига хос ўлчовидир.

«Сунъий интеллект» тушунчасига турлича маъно киритиш мумкин. Турли мантиқ ва ҳисоблаш машиналарини ечувчи Э+Мдаги интеллектни эътироф этишдан тортиб, то инсонлар ёки уларнинг кўпчилик қисми орқали ечиладиган масалалар мажмуасини ечадиган интеллектуал тизимларга олиб борадиган тушунчага киритиш мумкин.

«СИ» тушунчаси бошидан ва шу кунга қадар олимларнинг бу тушунчага бўлган муносабати ва уларнинг «сунъий» сўзига нисбатан келишмовчилиги туфайли қаршиликларга учрамоқда. Масалан, Украина ФА Кибернетика институтининг раҳбари, мархум академик В.М.Глушков «сунъий идрок» сўзини қўштирноқсиз ишлатган. Академик Г.С.Поспелов фикрича «СИ» ҳақида ҳеч қандай сўз бўлиши мумкин эмас, яъни ҳозир ҳам, яқин келажакда ҳам «ўйлайдиган машина» бўлмайди.

«СИ» тушунчасини аниқ таърифлаш шуни тақозо қиладики, бу илмий йўналиш оёққа туриш ва ривожланиш босқичидадир. Бугунги кунга келиб, шу нарса маълум бўлдики, «СИ» терминига табиатдаги жараён ва ҳодисаларни ўрганиш (тадқиқот қилиш)да инсондаги айрим интеллектуал қобилиятларни техник жиҳатдан мужассамлаштирган умумий тушунча деб қарамоқ лозим.

Инсон ер юзидаги бошқа тирик мавудотлардан ажратиб турувчи асосий хусусият – бу унинг фикрлаш қобилиятига эгалигидир.

## **1-Топширик**

Аслида мукамал сайт учун бир нечта мутахассис жалб қилиниши мақсадга мувофиқдир. Масалан веб дизайнер, (Ҳозирда UI / UX дизайнер деб

хам аталади). Дастурчи, SEO мутахассиси ва бошқалар. Чунки сайт тайёрлаш бу мураккаб жараёнدير. Улар қуйидагиларни ўз ичига олади.

### **Дизайн яратиш.**

Ҳозирда дизайн йўналиши ҳам жуда кўп қисмларга бўлинган. Веб дизайнер, Баннер дизайнерлари, Логотип дизайнери, нақш ва эмблема дизайнерлари ва ҳоказо.... Буларни ҳаммасини чуқур билиш шарт эмас. Асосийси, Adobe Photoshop дастурини билиш керак, чуқур билмаса ҳам оддий дизайенлар ёки интерфейслар чиза олишингиз керак, Бундан ташқари, Adobe Fireworks дастури ҳам интерфейслар чизиш учун жуда қулай. Мен ўзим ҳар доим Adobe Fireworks ишлатаман, Аммо майда элементлар ёки логотиплар учун эффектлар қилишда Photoshop ишлатаман. Хуллас бу икки дастурни ўрганинг.

Агар қўшимча қилиб, Corel Draw дастурини ўргансангиз, бу ҳам албатта фойдали...

**Унутманг:** ҳар нарсани ўрганар экансиз, аввалдан қизиқиш билан завқ билан ўрганинг. Ўзингизни мажбурлаб эмас.

### *HTML CSS (верстка)*

Сайт ёки веб дастурнинг дизайни тайёр бўлгач уни браузерда кўриниши учун html ва css кодлари орқали кўрсатиш керак... Хуллас агар сиз html css нима эканлигини билмасангиз интернетда бу ҳақда дарсликлар жуда кўп. HTML / CSS ни билмаган дастурчи бўлмаса керак деб ўйлайман. Сиз бунга алоҳида этибор беринг...

### **Дастурлаш тиллари ва малумотлар базаси**

Ҳозирда дастурлаш тиллари ҳам кўп, Енг машхурлари, PHP, ASP, Python,, Лекин жуда кўп сайтлар PHP тилида қилинган. PHP ҳақида жуда кўп дарсликлар бор. Кейин, Маълумотлар базаси билан ишлашни ўрганинг, Асосан: MySQL ва PostgreSQL малумотлар базасида ишлашни ўрганинг. Чунки сайтдаги асосий матнлар базада сақланади.

### **Броузер дастурлаш тили – JavaScript**

JavaScript тилини ўрганиш ҳам муҳим, Аммо бунинг ўзи билан сиз бирор дастур қиламан десангиз жуда кўп вақт кетади, JavaScript учун тайёр frameworkлар бор. framework – бу оддий қилиб айтганда аввалдан қилинган тайёр майда дастурлар ёки эффектлар. JQuery, Mootools номли framework ларни ўргансангиз бу сизни ишингизни янада осонлаштиради.

### **CMS–Тайёр бошқарув тизимлари.**

СМС (Content Management System)) бу тайёр қилинган сайт, Дастурлаш ва дизайнни билмайдиган одам ҳам СМС ёрдамида чиройли сайтлар қилиши мумкин. Код ва дизайнлари ҳам тайёр қилинган бўлади. Сиз уни фақат интернетга жойлаш ва ичини тўлдиришингиз керак холор. Ҳозирда машхур СМС дастурлари бу Joomla, WordPress, Drupal, ҳисобланади. Бундан ташқари PHP framework дастурлари ҳам бор. framework бу тайёр ёзилган кодлар. Масалан малумотларни базадан олиш ва уни кўрсатиш учун PHP дастурида бир неча қатор код ёзиш керак, бу код ёзишда ҳам анча бош қотирасиз. Framework эса ҳамма кодларни тайёр ёзиб қўйган, сиз уларни бир бирига улайсиз холос.

Унутманг, Аввал дастулашни ўрганмай туриб дарҳол СМС ва Framework билан ишлаш қийин. Ҳатто тушунолмайд қолишингиз мумкин.

### **Ҳостинг ва Домен**

Ҳостинг бу сайтингизни интернетда сақлайдиган сервер, Домен эса сайт номи (масалан: www.saytnomi.uz) . Сайтни интернетга жойлаш, ва ҳостингни мослаш (htaccess файллари ёки срон билан ишлаш) каби билимларни ўрганиш керак.

### **Сайтни эълон қилиш, қидирув тизимлари билан ҳамкорлик**

Бу энг охири қадам. Буни СЕО (Search engine Optimization) деб ҳам айтилади. Сиз қилган сайтингиз ёки проектингизни одамлар билишлари учун уни эълон қилиш керак. Қидирув сайтлари: google, yandex, mail.ru орқали қидирганда сизни сайтингиз ҳам кўриниши керак. Буни бажариш учун сайтни турли каталогларга қўшиш керак, google ёки yandex қидирув тизимига киритиш керак.

Хуллас, юқоридаги билимлар бу Сайт мутахассислари (Web-мастер) учун керак бўлган умумий билимлардир. Агар сиз дастулаш ёки сайтлар тузиш билан шуғулланадиган бирор корхона (студиа) раҳбари бўлсангиз, у ҳолда юқорида саналган билимларни билишингиз лозим. Лекин ҳаммасини профессионал даражада билиш шарт эмас. Ҳеч бўлмаганда, қайси дастур қачон керак бўлиши ва қандай ишлаши ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш керак.

**<http://www.terabayt.uz/post/mukammal-sajtlar-yaratish-uchun-nimalarni-bilish-lozim>**

## **2-Амалий машғулот мавзуси Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари.**

“Ахборот техникасининг пайдо бўлиши илмий тадқиқотларга шу қадар кучли таъсир кўрсатдики, фан ривожланишида сифат жиҳатидан янги босқичга ўтилгани тўғрисида кўп сўз юритилмоқда”. Чунончи, компьютер генетики компютерлар ёрдамида ДНК структураларини аниқлаш билан шуғулланмоқда. Компютер синтези зарур кимёвий элементларни синтез қилиш вазифасини муваффақиятли ҳал қилмоқда. Кимёвий реакцияларнинг математик моделларини тузиш, экспериментал тадқиқотларнинг натижаларига реал вақт режимида ишлов бериш, технологик жараёнларни амалга оширишнинг оқилона шартларини қидириш учун математик усуллардан кенг фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Эксперт тизимлардан “буғ-суёқлик” тизимларидаги мувозанатни ҳисоблаш усулларини, термодинамик ҳисоб-китоб усулларини танлашни асослаш, кимёвий бирикмалар тузилиши билан уларнинг биологик фаоллиги ўртасидаги алоқаларни таҳлил қилиш учун фойдаланилмоқда. Компютерлар кимёвий илмий-тадқиқот лаборатория ускуналарининг таркибий қисмига айланмоқда. Улардан квант-кимёвий ҳисоб-китобларда, рентгеноструктуравий таҳлил натижаларига ишлов беришда, мураккаб кимёвий реакцияларни

тавсифлашда, ҳар хил аралашмалар таркибига кирувчи моддалар миқдорини ҳисоблашда фойдаланилмоқда.

Ахборот техникаси “хулқ-атвори” механика, физика, кимё билан белгиланувчи тизимлар билан ишлашда ўз самарадорлигини намоён этди. Ижтимоий фанлар масаласига келсак, бу ерда ахборот техникасини қўллашда муайян чеклашлар мавжуд. Ижтимоий фанларда тадқиқотчи “хулқ-атвори” эҳтимолий хусусиятга эга бўлган мураккаб тизимлар билан ишлайди. Тизим қанча мураккаб бўлса, уни мазкур тизим ҳақидаги билимларни формаллаштириш ва компьютерга киритиш учун аниқ тавсифлаш шунча қийин бўлади. Бундай тизимларни тавсифлаш анча мураккаб методларни, чунончи, эҳтимолликлар назарияси, математик статистика, қарорлар қабул қилиш назарияси, ўйинлар назарияси, эвристика вариантлари методларини тақозо этади. Маълумки, ижтимоий фанларнинг вакиллари бу соҳада мукамал билимларга доим ҳам эга бўлавермайди. Бунда ижтимоий ҳодисаларнинг ноаниқликларини ҳисобга олувчи янги методлар ишлаб чиқиш учун уларга математиклар, дастурчилар ва лингвистлар ёрдамга келиши керак. Хусусан, лингвистлар ижтимоий фанларнинг вакиллари лингвистик ёндашув миқдорий усулидан фойдаланишда ёрдам беришлари мумкин. Бу ҳолда ўзгарувчи миқдорлар сифатида, нафақат рақамлардан, балки табиий ёки сунъий тилдаги сўзлар ёки гаплардан ҳам фойдаланишга руҳсат этилади. Ҳозир компьютер графикаси воситалари катта ҳажмдаги илмий ахборотни ифодалаш имконини беради. Билимнинг иқтисодий, тарихий, лингвистик, социологик соҳаларида компьютерлардан тобора кенг фойдаланилмоқда. Компьютерлар жуда катта илмий ахборот ҳажмига эга бўлган Интернетга ўхшаш ахборот тизимларининг ўзагини ташкил этмоқда.

Ижтимоий тадқиқотларда ахборот техникасидан фойдаланиш формал методларни ижодий ёндашув билан уйғунликда қўллашни тақозо этади. Бу талаб барча илмий тадқиқотлар учун муайян даражада муҳимдир. Гап шундаки, қарорлар ишлаб чиқишда инсоннинг фикр-мулоҳазалари шаклидаги қўшимча ахборотнинг мумкин қадар кўп миқдоридан фойдаланиш зарур. Инсон компьютер билан ишлаш жараёнида маълум билим ва тажриба тўплайди, мустақил ўқиб ривожланади, унда янги ғоялар, таклифлар пайдо бўлади, бу ғоя ва таклифлар қўйилган масаланинг ечимини топишга қўмаклашади. Бундан ташқари, машина алгоритмларидан фарқли ўлароқ, инсон алгоритмларида эркин танлаш имконияти мавжудки, бу унга мазкур эркин танлаш ҳолатида қарорлар қабул қилиш имконини беради.

Фанни ахборотлаштириш илмий тадқиқот методларини ҳам, фаннинг ташкилий тузилишини ҳам ўзгартиради. Маълумки, ахборот техникаси бир вақтнинг ўзида бир қанча мураккаб вазифаларни ҳал қилишга қодир қимматбаҳо техника воситаларининг катта комплексларини ўз ичига олади. Шу боис уларга йирик тадқиқот жамоалари хизмат кўрсатади. Фанда ўзига хос “жамоалаштириш” содир бўлади. Илмий кашфиётлар алоҳида шахслар томонидан эмас, балки кўпроқ илмий-тадқиқот жамоалари томонидан амалга оширилади. Бундай гуруҳлар муайян илмий муаммонинг ечимини топишга йўналтирилган турли мутахассислардан ташкил топади. Қўйилган вазифа ҳал

қилинишига қараб, жамоа таркиби янги муаммонинг ечимини топиш учун тегишли тарзда ўзгартирилади. Фанда илмий жамоа сардорининг роли, илмий вазифаларни ҳал қилишга илмий жамоа аъзоси қўшган ҳиссасини аниқлаш ҳамда уларга тўланадиган тегишли ҳақ миқдорини белгилаш муаммолари юзага келади.

Бундай шароитда илмий фаолиятнинг хусусияти ҳам ўзгаради. Муайян фан соҳасидаги тадқиқотлар билан бир қаторда, тадқиқот фаолиятининг фанлараро ҳамда муайян муаммога йўналтирилган шакллари, комплекс илмий-тадқиқот дастурлари ҳам майдонга чиқади. Уларда илмий билимнинг турли соҳа мутахассислари иштирок этади. Комплекс дастурларнинг амалга оширилиши назарий ва экспериментал тадқиқотлар фаолиятини, илмий билимнинг фундаментал ва амалий соҳаларини бир тизимга бирлаштиради, турли фанлар ўртасидаги алоқаларни фаоллаштиради. Натижада фанларнинг ўзаро алоқаси жараёнлари кучаяди, улар ўртасида қатъий чегараларнинг йўқолиши, фанларнинг интеграциялашуви содир бўлади.

Фанларнинг ўзаро алоқаси негизидаги интеграция жараёнлари ҳозирги фан ривожланишига хос хусусият бўлиб, бу ҳар хил тарзда намоён бўлади. Биринчи ҳолатда ҳар бир фан объектнинг муайян томонини, ўз предметини ўзига хос бўлган воситалар ва усуллар ёрдамида ўрганади. Сўнгра алоҳида фанлар, янги билимга эга бўлиш мақсадида, олинган билимни алмашади. Ўз навбатида, бу билимларни бир мезонга келтириш учун ахборот техникаси, унинг дастурлари, тилидан фойдаланилиши мумкин. Фанлар ўзаро алоқасининг мазкур дастлабки шакли кўпроқ учрайди, чунки бу ерда фанларнинг ўзаро алоқаси илмий меҳнат маҳсули орқали амалга ошади, янги билим олиш жараёни эса, ҳар бир фан доирасида алоҳида содир бўлади. Фанлар ўзаро алоқасининг энг юқори, ривожланган босқичида тадқиқот жараёнида фанлараро ҳамкорлик юзага келади. Бундай ҳамкорлик дастури компьютер дастурлари ёрдамида тузилиши мумкин. Бу ҳолда турли фанларнинг вакиллари битта умумий вазифани ҳал қилади, битта комплекс тадқиқот ўтказади, тадқиқ қилинаётган объектнинг турли жиҳатларини қамраб олади. Комплекс илмий тадқиқотнинг махсус методологияси, ахборот-ҳисоблаш воситаларини қўллаш имкониятлари ишлаб чиқилади.

Комплекс муаммоларнинг ечимини топиш учун ахборот воситаларини кенг жалб қилган ҳолда билишнинг бошқа воситалари яратилади, умумий қонуниятларни ифодаловчи янги даражадаги кенгрок ва чуқуррок умумлаштириш амалга оширилади. Бунда алоҳида, умумилмий тушунчалар туркуми: тизим, структура, элемент, бошқарув, моделдан фойдаланилади. Бу туркумга информатика тушунчалари: алгоритм, маълумотлар банки, ахборот ва бошқалар қўшилади. Пировард натижада, турли фанларнинг тушунчаларини ўзаро таққослаш ва умумий илмий тилни ишлаб чиқиш имконини берувчи концептуал чизма яратилади. Алоҳида билим шакли - комплекс билим юзага келади. "Комплекс билим ҳажми тадқиқотда иштирок этаётган фанларнинг билим ҳажмидан кўпроқ бўлади ва тадқиқ қилинаётган объект моҳиятини билимнинг бошқа даражасида акс эттиради".

Ахборот технологиясида фаол иштирок этувчи илмий билимнинг интеграциялашуви жараёни фақат илмий билимнинг янги шакли - комплекс билимнинг пайдо бўлишига эмас, балки турли фанлар янги илмий йўналишларига ва илмий билимнинг янги соҳаларига бирлашишига ҳам олиб келади.

Шу нарса диққатга сазоворки, информатика фанларнинг ўзаро алоқасида, умумий илмий тилни ишлаб чиқишда иштирок этибгина қолмасдан, балки илмий билимнинг мустақил соҳаси сифатида бошқа фанлар билан ўзаро таъсирга киришиб, илмий билимнинг янги соҳалари - ахборот психологияси, мехатроника, ахборот иқтисодиёти, ижтимоий информатика ва бошқаларни вужудга келтиради. Чунончи, ҳозир ахборот (компьютер) психологияси мустақил фан соҳаси сифатида фаол ривожланмоқда. У шиддат билан такомиллашиб бораётган ахборот техникаси, ахборот оқимларининг кўпайиши ва мураккаблашишидан инсоннинг кўрқиши, компьютер билан мулоқотни одамлар билан мулоқотдан устун қўйиши, компьютерда ишлашда одамларнинг толиқиши (“киберкасаллик”) сабабларини таҳлил қилишни назарда тутлади.

Механика, информатика соҳаларидаги ҳамда техниканинг айрим тармоқлари (микропроцессорли техника, машиналар ва агрегатларнинг ҳаракатини компьютерда бошқариш)даги билимлар негизида ҳозир жадал ривожланаётган янги техник фан - мехатроника вужудга келди. Бу фан номининг ўзи “механика” ва “электроника” атамаларини ўзида мужассамлаштирган. Бу фаннинг “гибрид” хусусиятидан далолат беради. Дарҳақиқат, мехатроника компьютерда бошқариладиган машиналар ва тизимлар яратиш ва улардан фойдаланишга йўналтирилган механика, информатика ва электроника воситалари ва тамойиллари мажмуидир.

Фалсафа, информатика, кибернетика, синергетика, социология ва иқтисодиёт туташган жойда илмий билимнинг интеграл соҳаси - ижтимоий ривожланишнинг ахборот назарияси шаклланади. Бу назария доирасида ахборот иқтисодиёти марказий ўринни эгаллайди. Ахборот иқтисодиёти нуқтаи назаридан, иқтисодий тизимларнинг ташкил топиши ва ривожланиши қонунлари информатика қонунлари билан белгиланади. Ахборотлашган жамиятда инсоннинг янги роли ва ўрнини тадқиқ қилиш ахборот иқтисодиётининг асосий вазифасидир.

Информатика янги илмий йўналишлар ва янги фанларни вужудга келтирибгина қолмасдан, балки илмий билим анъанавий соҳаларининг таркиби ва тузилишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Натижада, математикада унинг ҳисоблаш математикаси, чизиқли дастурлаштириш каби янги тармоқлари вужудга келди. Математик билимнинг шу пайтгача амалда қўлланмаган тармоқлари (масалан, ўйинлар назарияси) қўллана бошланди. Илмий-тадқиқот лабораторияларида нафақат ўлчаш амалларини тез бажариш ва тадқиқотчига тегишли ахборот беришга, балки олинган ахборотга қараб эксперимент жараёнини бошқаришга ҳам қодир бўлган ўлчаш-ҳисоблаш технологиялари жорий этилмоқда. Компьютерларнинг оммалашуви фанда математикадан фойдаланиш соҳасини кенгайтириш билан бир қаторда,



бошқа фанларнинг математикалашувига олиб келди ва ҳатто биоматематика сингари янги фанларни, ҳамда чуқур вакуумни, космосни, мега ва микродунёнинг мураккаб ҳодисалари ва жараёнларини тадқиқ қилишга йўналтирилган фанларни вужудга келтирди.

“Келажакда ахборотлаштириш жараёни ижтимоий ҳаётга янада кучлироқ таъсир кўрсатади. Бу ахборот ҳақидаги фанларни жамият ҳақидаги фанлар билан синтез қилиш учун асос бўлади”. Ахборот ресурсларини, жамиятнинг ахборот салоҳиятини ва ахборот жараёнларининг кечишини, ижтимоий ҳодисаларга, шу жумладан инсоннинг ривожланиши, унинг жамиятдаги ўрнига ахборотнинг таъсирини, ахборотлаштириш таъсирида жамият ижтимоий тузилмаларининг ўзгаришини ўрганувчи ижтимоий информатика айнан шу негизда вужудга келди.

Ижтимоий информатика социология, психология ва фалсафа туташган жойда вужудга келди. Унинг номини 1971 йилда А.В. Соколов таклиф қилди. “Ижтимоий информатика асослари” курсининг вазифалари куйидагилардан иборат: янги ахборот муҳитида тўғри мўлжал олиш кўникмасининг асосларини яратиш; компьютер саводхонлигини ўзлаштириш зарурлиги ҳақидаги қарашларни шакллантириш; ахборот технологияларини ўрганиш, ўзлаштириш ва тегишли фан соҳаси: социология, психология, иқтисодиёт, ижтимоий иш, журналистика ва ҳуқуқ соҳасида уларни ишлаб чиқишга методологик тайёрлаш.

Ҳозирги замон фанининг тадрижий ривожланишига информатиканинг таъсирини кўриб чиқишда шуни қайд этиб ўтиш керакки, информатика янги илмий йўналишлар ҳамда илмий билимнинг интеграциялашган соҳаларини вужудга келтирибгина қолмасдан, балки айрим янги назарий фанлар, чунончи, математик дастурлаштириш, ўйинлар назарияси, операцияларни тадқиқ қилиш, автоматлар назарияси ва бошқаларнинг шаклланишига ҳам имконият яратади.

Янги фан соҳалари кўпинча турли фанлар синтези сифатида эмас, балки илмий билимлар билан техник тажрибани бирлаштириш негизда ҳам вужудга келади. Бундай фанга биотехнология мисол бўла олади. Биотехнология биология фанини ирсий инженерия, хужайралар ва оқсиллар инженерияси билан бирлаштиради. Бу негизда ўсимлик ва ҳайвонларни бир хужайрадан клонлаш орқали етиштириш мумкин бўлди. “Сўнгги йилларда инсонни клонлаш имкониятлари ҳам аниқланди, аммо бу муаммонинг ечими ҳозирда халқаро жамоатчилик томонидан фаол муҳокама қилинаётган бир қанча ахлоқий муаммоларга тўқнаш келди”. Биотехнология, ўз навбатида, илмий билимнинг бошқа соҳалари билан таъсирга киришиб, янги фан соҳаларини вужудга келтиради. Шунингдек, биотехнология ва иммунология негизда иммун биотехнология вужудга келди.

Биология ва электроника синтези биоэлектроникани вужудга келтирди. Биоэлектроника жонли организмларнинг молекулаларига ахборот узатувчи элементлар деб қарайди ва бу молекулаларни сигналларни идрок этиш, таниб олиш, кучайтириш ва узатишга қодир бўлган элементлар сифатида тадқиқ

килади. Жонли организмлар молекулаларининг хоссаларидан фойдаланиб, биодатчиклар ва биотиплар яратиш мумкин.

Шундай қилиб, ахборотлаштириш илмий билишнинг барча соҳаларига унинг эмпирик ва назарий даражасига ҳам кириб боради, турли фан соҳаларининг бирлашишида, янги фанларнинг вужудга келишида иштирок этади. Ахборотлаштириш ҳозирги замон фанининг ривожланиши ва фаолиятига катта туртки беради, уни сифат жиҳатидан ўзгартириш, фанда инқилоб яшашнинг ҳал қилувчи омили бўлиб хизмат қилади. Бу илмий инқилоб жараёнида эски илмий парадигма ўрнига дунёнинг янги манзарасини шакллантиришга йўналтирилган янги парадигма вужудга келди. Ижтимоий мўлжаллар янги парадигманинг ўзагини ташкил этади. Бу парадигма таълимнинг ижтимоийлашуви ва инсонпарварлашувини назарда тутди.

Жадал суръатларда такомиллашиб бораётган ахборот техникаси эски парадигма ўрнини янги парадигма эгаллаши учун асос бўлиб хизмат қилади. Техника воситалари қанча мукаммал бўлса, инсоннинг уларга эҳтиёжи шунча ортади ва бу воситаларни у ўз ҳаётига олиб киради. Аммо, мукаммал техника баркамол, маълумотли одамни тақозо этади.

Маърузанинг бу қисмидан қуйидаги **хулосалар** келиб чиқади: 1) фаннинг ижтимоий феномен сифатида ишлаб чиқариш кучига айланиш характери ва аҳамияти, унинг ахборотлашув хусусиятларига мос келади; 2) жамият ахборотлашув жараёнининг хусусиятлари ва ривожланиш даражалари, унинг техник-технологик, интеллектуал асосларини яратишга бевосита боғлиқ бўлиб қолмоқда; 3) фаннинг турли соҳаларини ахборотлаштириш жараёни ўзаро диалектик характерга эга бўлиб, турли босқичлардан иборат ва ҳар бири ўзига хос моделларига эга; 4) фанларнинг интеграциялашуви ва дифференциялаш жараёнида, уларни ахборотлаштириш жараёнининг техник-технологик асосларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга; 5) ҳозирги даврда дунё миқёсида ахборотни системалаштириш ва халқаро интернет тизимини ривожлантириш фанларнинг умумий тараққиёти тенденциясини белгилаб бермоқда.

## 2-Топширик

Сайт яратишни нимадан бошлаш лозим? Кимга мурожаат қилиш керак? Бундай саволлар кўп учраб туради. Шулардан келиб чиқиб, мақолада сайт яратиш усулларини кўрсатиб ўтаман.

1. Профессionalларга буюртма бериш. Энг оддий усул. Бу усулда сиз бирор веб студия ёки фрилансерга мурожаат қиласиз, сайтга қўйилдиган талабларни тўлиқ айтиб ўтасиз. Улар сизга талабларингиздан келиб чиққан ҳолда, нархини ва қанчада тайёр бўлишини айтишади. Агар рози бўлсангиз, пулининг бир қисмини (ёки ҳаммасини) тўлайсиз ва айтилган муддатни кутасиз, сизга тайёр сайт яратиб беришади. Келишувга қараб хостинг ва доменни ҳам улар олиб беришади.

Авфзалликлари (плюс):

- веб дастурлашга оид чуқур билимлар шарт эмас;
- сайт профессионаллар томонидан қилинганлиги учун, хатолар минимум ва ишлаши бир текисда бўлади;
- анча вақтингиз тежаллади.

Камчилиги (минус):

- энг асосий камчилиги бу катта миқдордаги маблағдан воз кечишингиз керак бўлади (кимларгадир бу катта маблағ эмас албатта).

Шунинг учун бу усулдан ҳамма ҳам фойдаланавермайди.

2. Тайёр сайт сотиб олиш. Бу усул юқоридаги усулдан бироз фарқ қилади. Бунда сиз маълум тарихга эга, тайёр ишлаб турган сайтни сотиб оласиз. Сайт тарихи (фойдаланувчилар сони, сайт мавзуси) асосида нарх белгиланади.

Авфзалликлари (плюс):

- энг асосийси, сиз тайёр сайт сотиб оласиз, сайтнинг фойдаланувчилари ҳам мавжуд бўлади, ҳаттоки қидирув тизимларидан ҳам рўйхатдан ўтган ва индексланган бўлади. Балки маълум даражада фойда ҳам кўрилаётган бўлиши мумкин;

Камчилиги (минус):

- сиз учун керакли тайёр сайтни қидиришга вақт кетиб қолиши мумкин;
- сайтни юритиш учун маълум бир билимлар керак бўлади;
- сайтни сотиб олиш учун, пул керак бўлади;
- алданиб қолиш эҳтимоли ҳам мавжуд.

3. Бепул CMS (Content management system) ’лар орқали сайт яратиш. Бу усулда бирор CMS (wordpress, joomla, drupal) танлайсиз ва ўзингиз сайт яратасиз. Сайт яратишга кетадиган вақт унчалик кўп бўлмайди, шунга яраша сифат бўлади. Ҳозирги кунда бу энг оммабобидир. Тайёр шаблон орқали сайт яратасиз, сайт яратиш давомида муаммолар чиқиб қолса, интернетда уларни ечимини топишингиз мумкин бўлади.

Авфзалликлари (плюс):

- домен ва хостингдан бошқа нарсага ҳаражат қилмайсиз;
- кўп вақт талаб қилмайди;
- сайт яратиш содда, бу усулдан фойдаланиб ҳатто мактаб ўқувчилари ҳам сайт ярата олади:
- ўзингиз истагандек сайт ярата оласиз, билимингиз асосида;
- хостинг сотиб олишда ҳам аниқ қанча миқдорда жой олиш кераклигини биласиз.

Камчилиги (минус):

- маълум бир билимлар (html, css) керак бўлади (камида асосий нарсаларни билиш талаб қилинади);
- ҳавфсизлик жиҳатидан анча паст (оқсамокда), ҳар битта тема, плагин, ҳаттоки CMS ’ларни янгилаб туриш керак (обновления);
- маълум бир қолипдан чиқа олмайсиз (агар профессионал бўлсангиз, ҳеч қандай қолипда қолиб кетмайсиз).

4. Сайтни ўз қўлингиз билан яратиш (0 дан). Бу усул сизга максимал озошлик беради. Сизнинг сайтингиз сиз исталганча ишлаши ва исталган жойда ишлаши мумкин. Барча нарса сизнинг қўлингизда ва сизнинг бошқарувингизда. Одатда бу усул орқали сайтни бир неча киши яратади (дизайнер, дастурчи,...).

Авфзалликлари (плюс):

— сиз эркинсиз, ҳеч қандай қолип йўқ;

— агар ўзигиз яратсангиз маблағ сарфланмайди (хост ва домендан ташқари);

Камчилиги (минус):

— анча вақт талаб қилади;

— агар ўзингиз қилмоқчи бўлсангиз, веб дастурлаш, маълумотлар базаси, дизайнерлик, вёрсткаларга оид билимларга эга бўлишингиз керак;

— агар маълум бир иш учун одам ёлламоқчи бўлсангиз, ҳаражатга тушасиз.

5. Ўз конструкторига эга бепул хостинг орқали. Бепул хостинг топасиз, одатда ўз конструктори бўлади (**narod.ru**, **ucoz.ru**, **setup.ru**), ёққан шаблон танлайсиз ва таҳрирлайсиз, расм ва матнлар киритасиз, шу билан сайт тайёр бўлади.

Авфзалликлари (плюс):

— ягона авфзаллиги барчаси бепул.

Камчилиги (минус): (етарли даражада, фақат асосийларини ёзиб ўтаман):

— бепул хостингда имкониятлар чегараланган;

— асабингизга тегадиган реклама баннерлар;

— учинчи даражали домен (**akmx.narod.ru**);

— шаблонли дизайн сайт;

— агар асосий сайтга бирор нарса бўлса, сизнинг сайт ҳам ишламайди, хаттоки ўз контентларингизни ҳам ололмайсиз, ҳаммаси тугайди.

6. Ўз конструкторига эга пуллик хостинг орқали. Бу дегани хостинг сотиб оласиз ва сизга сайт яратиш учун бепул конструктор берилади. Бу хизматларни тақдим этадиган **eskhosting.ru**, **hts.ru**, **hostland.ru** сайтларни мисол қилиш мумкин. Шаблон асосида керакли сайтни яратаверасиз.

Камчилиги (минус):

— хостинг олиш учун маблағ керак бўлади;

— шаблонли сайт яратилади.

Авфзалликлари (плюс):

— сайт яратишга вақт сарфламайсиз;

— рекламали баннерлар мавжуд эмас;

— сайт ишлашида ҳеч қандай техник тўсиқлар мавжуд эмас.

Сайт яратишининг асосий усуллари шулардан иборат, маълумини танлаб ўз сайтингизни яратинг.

Манба: ITportal.uz

## VI. КЕЙСЛАР БАНКИ

Дарс беришнинг фаол методларида аудитория ўзаро алоқага киришадиган икки тенг ҳуқуқли лагерь, яъни ўқитувчи ва талабалар лагери сифатида қаралиши мумкин бўлса, интерфаол методлар қўлланганда бу алоқа мураккаблашади. Аудиторияни бир-бири билан кўп тарафлама алоқаларга киришадиган, баҳс-мунозаралар ўтказадиган, турли хил нуқтаи назарларни муҳокама қиладиган, уларни ҳимоя қилишни амалга оширадиган бир нечта тенг ҳуқуқли гуруҳларга ажратиш мумкин. Шундай қилиб, интерфаол методлар муҳокама жараёнига кўп сонли талабаларни жалб қилиш, гуруҳлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини яратиш имконини беради. Бундан ташқари, у дарсларни ўтказишнинг бошқа шакллари ёрдамида эришиш мумкин бўлмаган бошқа афзалликларга ҳам эга.

### **«Кейс» методи қуйидаги имкониятларни яратади:**

- муаммони кўриш ва англаб етиш
- муаммоларни ечиш амалий кўникмаларини ривожлантириш
- ахборотни саралаш кўникмаларини шакллантириш
- ахборотнинг турли қисмлари ўртасидаги ўзаро алоқани кузатиш кўникмаларини ҳосил қилиш
- вазият билан боғлиқ муқобил ёндашувларни ўрганиш, бошқаларнинг фикрлари билан танишиш, ўз коммуникацион кўникмаларини ривожлантириш.

### **«Кейс» методи қуйидаги натижаларга эришишга ёрдам беради:**

- танқидий фикрлаш қобилиятини ривожлантиради
- масалани ечишга ҳолисона ёндашишни ўргатади
- назария билан мустаҳкамланган тажрибани ўзлаштириш имконини беради
- вазиятга нисбатан янгича кўз қарашни шакллантиришга ёрдам беради
- вазиятга таъсир кўрсатаётган омилларни аниқлаш ва ҳисобга олиш имконини беради
- бировнинг фикрига қулоқ солишни ўргатади
- саволлар бериш маҳоратини шакллантиради
- интуицияни ривожлантиришга кўмаклашади
- таҳлилий қобилиятларни ривожлантиради
- ҳаракат қилишни ва қабул қилинган қарор учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни ўргатади

### **Кейсни гуруҳда муҳокама қилишни ташкил этиш**

- Гуруҳни кичик гуруҳларга ажратишдан олдин ўқитувчи ўзига бир нечта саволлар бериши керак. Чунончи:
- Гуруҳларни ажратишни қайси принципга мувофиқ амалга ошириш керак?
- Муҳокама учун неча кишидан иборат гуруҳ оптимал бўлади?
- Биринчи саволга жавоб бериш учун ўқитувчи талабаларнинг индивидуал психологик хусусиятларини яхши билиши керак. Агар у буни билмаса (мазкур аудитория билан биринчи марта ишлаётган бўлса), муайян психологик тестлар ёрдамида талабаларнинг керакли хусусиятларини аниқлаши мумкин. Ўқитувчига кичик гуруҳларни шакллантиришга ёрдам берувчи энг содда тестни 10–15 минут мобайнида ўтказиш мумкин. Талабаларга қуйидаги уч саволга алоҳида қоғоз варақларида, аноним тарзда жавоб беришни таклиф қилиш зарур:
- Ўқиш юзасидан маслаҳат сўраб гуруҳ аъзоларидан кимга мурожаат этган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).
- Оғир сафарга гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга чиққан бўлардим (2 фамилияни ёзинг).
- Бўш вақтни гуруҳ аъзоларидан ким билан бирга ўтказган бўлардим (2 фамилияни ёзинг).
- Бу саволларга жавобларни таҳлил қилгандан ва муайян талабаларга берилган овозларни ҳисоблагандан сўнг ўқитувчи ўқишда лидерларни, мушкул вазиятдан чиқишда лидерларни, шунингдек гуруҳда обрўга эга «ноформал лидерлар»ни аниқлайди.
- Талабаларни кичик гуруҳларга шундай тақсимлаш керакки, кичик гуруҳдан лидерларнинг юқорида зикр этилган гуруҳларидан биттадан вакил ўрин олсин. Қолган талабаларни (биринчи марта) гуруҳларга тақсимлашни эркин амалга ошириш мумкин.
- Сўров натижалари ошкор қилинмаслиги мумкин. Ўқитувчи гуруҳларни мустақил равишда шакллантиради ва фақат ҳар бир гуруҳ аъзолари рўйхатини ўқиб эшиттиради.
- Иккинчи саволга жавоб беришда ўқитувчи барча талабаларни ишга жалб қилиш учун гуруҳ 4–6 кишидан таркиб топиши лозимлигидан келиб чиқиши керак. Бироқ қоидадан истисно ҳолатлар ҳам мавжуд бўлиб, улар кейсинг катталиги ёки оғирлик даражаси билан белгиланади. Бундай ҳолларда ўқитувчи гуруҳларнинг сон таркибини аниқ белгилайди.

### **Кичик гуруҳларда муҳокама – у нима беради?**

- Бу методдан фойдаланиш:
- Талабаларга ўз ғояларини баён этиш имконини беради
- Муаммоларни ечиш кўникмаларини оширади
- Талабаларга бир-биридан ўрганиш имконини беради
- Таълим жараёнига ўта масъулият билан ёндашишни ўргатади
- Жамоа бўлиб ишлаш кўникмаларини шакллантиради

- Шахснинг кадр-қимматини аниқлашга ёрдам беради
- Афзалликлари
- Талабалар ўз таълим жараёнини назорат қилишлари учун кенг имконият яратади
- Ҳар бир талабанинг иштироки рағбатлантирилади
- Талабаларнинг ўқитувчига қарамлик даражаси пасаяди
- Вазиятни ўзлаштириш ва тушунишни баҳс-мунозара воситасида кучайтириш имконини беради

Фалсафадан дарсларда талабалар кейс методи ёрдамида ахборотни идрок этиш даражасидан уни тушуниб этиш даражасига, сўнгра «Блум таксономияси»да тавсифи келтирилган қолган даражаларга ўтади. Афсуски, маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишнинг одатдаги шакллари ёрдамидагина таълим олувчи талабалар билиш ва тушуниш даражасидан нари ўтмайдилар. «Кейс-стади» методи эса вазиятга бевосита кириш, уни «бошдан кечириш» имконини беради. Матн охирида педагог томонидан моҳирона тузилган саволлар таълим олувчи таксономиянинг олти даражасидан тўлиқ ўтиши учун талабаларни жавобларни излашга рағбатлантириши лозим.

## **VII. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий ҳужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модуль мавзуларини ўрганиш;

- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;

- махсус адабиётлар бўйича модуль бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;

- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модуль бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари**

1. Талабаларга фалсафа фанига қизиқишни ривожлантириш
2. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш усулларнинг хиллари
3. Ижтимоий-гуманитар фанларда муаммоли вазиятларни қўллаш
4. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда кўرғазма материалларнинг хиллар
5. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда доскадан ўринли фойдаланиш
6. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш бўйича дарсликларни тақриз қилиш (фан бўйича) усуллари
7. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда интерфаол дарсни ўтказиш методлари
8. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда мустақил ишларни ташкил қилиш усуллари
9. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда илмий оммабоп адабиётларнинг ишлатилиши
10. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг фанлараро алоқалари. Ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича изланиш ишларни ташкил этилиши
11. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда билим, малака ва кўникмаларни текшириш
12. Ижтимоий-гуманитар фанларда интерфаол ўқитиш бўйича кейсларни тузинг.
13. Сиз ўқитган фандан модуль схемасини тузиб беринг
14. Сизнинг фанингиздан мустақил таълим шакллари.
15. Кредит нима эканлигини, ижтимоий-гуманитар фан ўқитувчиси мисолида тушунтириб беринг.
16. Соҳагизга оид хорижий дарсликка тақриз ёзиб, афзал томонларни ва камчиликларни кўсатиб беринг.
17. Соҳангизга оид хорижий илмий мақолага тақризни ёзиб келинг.



## VIII. ГЛОССАРИЙ

**Аутентификация** - субъект томонидан тақдим этилган идентификаторга тегишлилигини текшириш; аслига тўғрилигини тасдиқлаш.

**Хавфсизлик** - шахс, жамият ва давлатни ҳаёт учун зарур манфаатларини ички ва ташқи хавфлардан ҳимояланганлиги, нимагадир ёки кимгадир ҳеч бир хавф бўлмаган ҳолат.

**Ахборот майдони** – индивидуал ва ижтимоий онгга, ахборот инфраструктура ва унга таъсир кўрсатувчи ахборотни шакллантириш, яратиш, қайта ташкиллаш, узатиш, фойдаланиш, сақлаш билан боғлиқ фаолият соҳаси.

**Ахборот захиралари** – ахборот инфраструктураси ҳамда бевосита ахборот ва унинг оқимлари.

**Ахборот хавфсизлиги** — ахборот муҳитининг ҳимояланганлик ҳолати; ахборотни ҳимоя қилиш ҳимоя қилинаётган ахборотни ташқарига чиқиб кетишини, унга нисбатан ноқонуний ва назарда тутилмаган таъсирларни, олдини олиш. Шу муносабат билан куйидаги фарқларга ажратишади:

**Ахборот захиралар эгаси** — маълум бир объектга эгаллик қилиш ва ундан фойдаланишни тасарруф этадиган ва уни ўрнатилган қонун ва ахборот ресурслари эгасининг шартлари доирасида фойдаланувчи субъект.

**Ахборот ҳуқуқи** — ахборот соҳасида ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ва жисмоний ва юридик шахсларнинг интеллектуал информацион мулкани (информацион маҳсулотни) ҳимоя қилишнинг кафолатланган воситалари ҳисобланган қонунчилик ахборот-ҳуқуқ меъёрлари бирлиги.

**Манипуляция** – руҳий таъсир кўрсатиш усули бўлиб, унинг мақсади – бошқа одамларнинг фаоллигини (руҳий ва бошқа) йўналишини уларнинг ўзларига билдирмасдан ўзгартириш. Манипуляциянинг босқичлари:

➤ Биринчи босқич – одамлар онгида мавжуд зарур ғоялар, тартиб, мотив, қадрият ва меъёрларни кучайтириш;

➤ Иккинчи босқич у ёки бу ўзга ҳодисага, жараён, фактга нисбатан шахсий қарашни жузъий, кичик ўзгариши билан боғлиқ бўлиб, у ҳам конкрет ҳодисага эмоционал ва амалий муносабатига таъсир кўрсатади;

➤ Учинчи босқич – объектга у учун муҳим бўлган янги, сенсацион, ғайритабiiй, драматик (қайғули), ғаройиб маълумотларни маълум қилиш йўли билан ҳаётiiй установакаларини қатъiiй, тубдан ўзгартириш.

**Тарғибот** (лат. propaganda – тарқатиши лозим) – омма онгида ғояларни оммавийлашуви ва тарқалишини амалга оширувчи (оғзаки ёки ОАВ ёрдамида) фаолият. “Пропаганда” тушунчаси 1662 йили Ватикандаги эътиқод масалаларини миссионерлик фаолияти орқали тарқатиш бўйича ташкил этилган маҳсус конгрегация томонидан муомалага киритилган.

**Ахборот босими.** Одатда, геосиёсатда экспанция дейилганда энг аввало, ҳарбий-сиёсий таъсир кўрсатиш учун ҳудудiiй ҳудудга эга бўлиш ва ўрнатиш, шунингдек, ушбу йўналишда фаолият юритиш тушунилган. Бугунги кунда экспанция – бу кўплаб объектларга қаратилган кўпчизикли

тўхтовсиз жараён, шунинг учун натижада манфаатлар тўқнашуви бир олам турли хил низоларни келтириб чиқаради.

**Ахборот номутаносиблиги** – ахборот-психологик таъсир ва ахборот куролининг энг кўзга кўринган характеристикаларидан биридир. Ахборот курашининг таянч тамойилларидан бири ҳисобланиб, инфор­мацион асимметрия ҳар қандай давлатнинг ахборот маконини шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

**Информацион устунлик** – (информационное превосходство) – ахборот-психологик операцияларни мақсад қилиб олган тамойилдир. Информацион устунлик – ҳолат ҳақидаги ахборотларнинг тўхтовсиз оқимини рақибга имкон бермай, тўплаш, қайта ишлаш ва тақсимлаш кўникмасини акс эттиради. Реал информацион устунлик тўла маънода фақат соф куч ишлатиш методлари устунлигидан фойдаланилган ҳолда бўлиши мумкин­ки, бу ҳақиқий ахборот урушининг ўзига хос хусусияти бўла олмайди, сабаби, бундай ҳолатда ҳар доим жавоб ҳужум бўлиши эҳтимоли бор.

**Информацион операция** — рақиб системасидаги ахборот жараёнларига таъсир қилиш орқали устунликка эга бўлиш ва уни ушлаб туришга қаратилган умумий режа асосида амалга ошириладиган ахборотни манипуляция қилиш бўйича ўзаро мувофиқлашган ва бир-бирига боғланган тадбирлар комплек­сидир.

**Электрон ўқув-методик мажмуа** – давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган, билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган электрон ўқув –услугий манбалар, мультимедиали дидактик воситалар ва материаллар, мультимедиали электрон таълим ресурслари, мультимедиали баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

**Асосий ўқув материалининг электрон шакли.** Босма шаклда баён этилган асосий, тушунтирувчи, амалий матнларнинг овозли электрон версияси такдим этилади.

**Виртуал стендлар** - ҳақиқий объектлар, жараёнлар ва ҳодисаларларнинг электрон модели.

**Электрон луғат-анъанавий «қоғозли» луғатга мос келувчи электрон ахборот манбаи.** Компьютер версияда сўз ёки сўзлар гуруҳига махсус ажратилган кўрсатма билан исталган дастурдан чақирилиши мумкин. Анъанавий луғатлардан фарқли равишда элетрон луғат матн ва графикавий тасвирлар билан бир қаторда видео ва анимацион лавҳалар, товуш, мусиқа ва бошқалар билан бирга медиа-объектларнинг бутун спектрларини ўз ичига олиши мумкин.

**Электрон тестлар**-сақланган, ишлов берилган ва баҳолаш учун компьютер ёки телекоммуникацион техникаси ёрдамида такдим этиладиган тестлар. Тестлар берилиши ўрганилган матнни талабанинг қанчалик даражада ўзлаштирганлиги ўз-ўзини баҳолаш имконини беради

**Электрон топшириқлар** - ўқитувчига таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ва назорат ишлари учун тартибга келтирадиган топшириқлар мажмуини ўзида ақс эттирувчи ахборот манбасининг муҳим кўринишидир. Яратилган топшириқлар таълим олувчиларга анъанавий «қоғоз» ли ва электрон вариантларида тавсия этилиши мумкин.

**Электрон назорат (тестлаштириш)**- электрон ўқув адабиётининг компоненти бўлиб, анъанавий компьютерсиз тестлаштиришнинг аналогидир. Электрон тестлаштириш ҳолатида компьютер тест ва унинг натижаларини кўрсатиб беради, бу билан боғлиқ бўлган алгоритмларни жорий қилади. (Масалан, бажарилган ёки ўтказиб юборилган топшириқларга қайтиш имкониятининг борлиги ёки йўқлиги, битта тестга вақтнинг чегараланганлиги ва ҳоказо).

**Электрон дарслик** – фаннинг ўқув ҳажмини тўлиқ қамраган ва масофавий ўқитиш ҳамда мустақил ўрганиш учун компьютер технологияларига асосланган, мустақил таълим олишга ҳамда фанга оид ўқув материаллар, илмий маълумотларнинг ҳар томонлама самарали ўзлаштиришга мўлжалланган бўлиб:

- ўқув ва илмий материаллар фақат вербал (матн) шаклда;
- ўқув материаллар вербал (матн) ва икки ўлчамли график шаклда;
- мультимедиа (кўп ахборотли) элементлари, яъни маълумот икки-уч ўлчамли график кўринишда, овозли, видео, анимация ва қисман вербал (матн) шаклда;
- тактил (ҳис қилинувчи, сезиладиган) хусусиятли, объектларга нисбатан ҳаракатланиш тасаввурини яратадиган шаклда ифодаланади. Куйидаги схемада электрон дарсликнинг намунавий тузилмаси келтирилган.

**Электрон ўқув қўлланма** – фаннинг ўқув ҳажмини қисман ёки тўлиқ қамраган ва ахборотнинг адаптация блокини ўз ичига олган бўлиб, масофавий ўқитиш ва мустақил ўрганиш учун мўлжалланган ўқув манбаи.

**Электрон услубий қўлланма** – педагогик тажрибани умумлаштириш ва узатиш ҳамда таълим фаолиятининг янги моделларини шакллантириш ва тарқатиш шакли. Электрон услубий қўлланмада педагогик тажриба машғулотларнинг рақамлаштирилган видео-лавҳалари, электрон ёки унга ўтирилган шаклда яратилган талабалар ишларини дарслар бўйича режалаштирилган шаклида кўрсатилади.

## IX. ТЕСТЛАР

### 1-Мавзу. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти

1. Ахборот тизимлари ёки ахборот ресурсларига ким эгалик қилиши мумкин?

- a) Юридик ёки жисмоний шахслар
- b) Тармоқ администратори
- c) Компания директори
- d) Ташкилот раҳбари
- e) Фойдаланувчи

2. Ахборот ресурсларида сақланаётган ва ишлов берилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва қоғоз кўринишидаги ҳужжат билан бир хил юридик кучга эга бўлган ахборот нима деб аталади?

- a) Ахборот ресурси
- b) Электрон рақамли имзо
- c) Электрон ҳужжат
- d) Ахборот
- e) Файл

3. Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ фаолият юритувчи, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини мувофиқлаштирувчи бошқарув органи ким?

- a) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- b) Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
- c) Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги
- d) «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси
- e) Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш Республика

Маркази

4. Ахборот ресурслари бу:

- a) Ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки ва маълумотлар базаси
- b) Ҳужжатлаштирилган ахборот
- c) Аудиовизуал ва бошқа хабарлар
- d) Махсус ахборот
- e) Ишлов берилган ахборот

5. Махфий ахборот бу:

- a) Ахборот ресурси
- b) Фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйилган ҳужжатлаштирилган ахборот
- c) Чекланмаган доирадаги оммавий ахборот
- d) Аудио ахборот
- e) Чекланган доирадаги ахборот

6. Ахборотни муҳофаза этиш тушунчаси нимани англатади?
- Ахборотни тарқатиш чора-тадбирларини
  - Ахборот борасидаги хавфсизликка таҳдидларни олдини олиш ва уларни оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирларини
  - Ахборот чекланишини
  - Шахс манфаатларини ҳимояланганлик ҳолатини
  - Ахборот эркинлигини
7. Ахбороти муҳофаза этиш қандай мақсадларда амалга оширилади?
- Шахс, жамият ва давлатнинг ахборот соҳасидаги хавфсизлигига таҳдидларнинг, ҳамда ахборотнинг маҳфийлигини олдини олиш мақсадида
  - Ахборотни эркин, кафолатли олиш ва керакли шарт-шароитларни яратиш мақсадида
  - Ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш мақсадида
  - Ахборотдан фойдаланишни ман этиш мақсадида
  - Ахборот манбаини муҳофаза қилиш мақсадида
8. Ахборотлаштириш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш ким томонидан амалга оширилади?
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у махсус ваколат берган орган томонидан
  - Ваколатли ҳокимият органи томонидан
  - Махсус ваколатли орган томонидан
  - Юридик шахс томонидан
  - Ахборот ресурслари эгаси томонидан
9. Ахборотлаштириш бу:
- Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи
  - Юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишининг ташиқий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни
  - Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш
  - Ахборот технологияларининг замонавий воситаларини ишлаб чиқариш
  - Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш
10. Ўзбекистон Республикасида қуйидаги қонунлар қабул қилинган:
- «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон хужжат айланиши тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва бошқалар.
  - «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон хужжат айланиши тўғрисида», «Ахборот хавфсизлиги тўғрисида» ва бошқалар.
  - «Ахборот эркинлиги тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида», «Электрон хужжат айланиши тўғрисида» ва бошқалар.

д) «Интернет тўғрисида», «Ахборот хавфсизлиги тўғрисида», «Балоғат ёшига етмаганларни маънавий ва жисмоний саломатликларига зарар етказувчи ахборотлардан муҳофаза қилиш тўғрисида» ва бошқалар.

е) «Ахборот эркинлиги тўғрисида», «Интернет тўғрисида», «Ахборот хавфсизлиги тўғрисида» ва бошқалар.

11. “Ахборот” тушунчасига берилган таърифни кўрсатинг:

а) Идентификациялаш мумкин бўлган, реквизитлари кўрсатилган ва ахборот ташувчи қурилмаларга жойлаштирилган исталган маълумотлар.

*б) Манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъий назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар*

с) Исталган манбалардан келадиган маълумотлардан фойдаланиш, ишлов бериш ва яратиш билан боғлиқ бўлган субъектларнинг фаолият соҳаси.

д) Чекланмаган шахслар доирасига мўлжалланган босма, аудио ва бошқа хабар ва материаллар.

е) Ахборот тизимларидаги (кутубхоналардаги, архивлардаги, фондлардаги, маълумотлар банкларидаги ва бошқалардаги) ҳужжатлар ва ҳужжатлар массивлари.

12. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мақсади:

*а) Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш*

б) Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатларига риоя этилишини таъминлаш

с) Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

д) Телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

е) Электрон ҳужжат айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

13. “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мақсади:

а) Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

*б) Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатларига риоя этилишини таъминлаш*

с) Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

д) Телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

е) Электрон ҳужжат айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

14. “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мақсади:

а) Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

b) Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатларига риоя этилишини таъминлаш

c) Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

d) Телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

e) Электрон хужжат айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

15. “Электрон тижорат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг асосий мақсади:

a) Ахборотлаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

b) Ахборот эркинлиги принципи ва кафолатларига риоя этилишини таъминлаш

c) Электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

d) Телекоммуникацияларни яратиш, ишлатиш ва ривожлантириш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш

e) Электрон хужжат айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш

## **2-Мавзу. Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишда электрон кутубхона тармоқларидан фойдаланиш талаблари ва шартлари**

1. Ахборот технологияларини қўллаб аввалдан шакллантирилган давлат хизматларини фуқаролар, бизнес ва давлатнинг бошқа тармоқларига ахборотларни тақдим этиш нима деб аталади?

a) Электрон ҳукумат

b) Электрон тижорат

c) Электрон хужжат алмашуви

d) Электрон бизнес

e) Электрон бошқарув

2. Давлат ахборот ресурсларини шакллантириш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш қайси орган томонидан амалага оширилади?

a) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги

b) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

d) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги

e) Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги

3. Давлат ахборот ресурсларини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш қайси орган томонидан амалага оширилади?

a) Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар Вазирлиги

- b) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- d) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар Вазирлиги
- e) Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги

4. Давлат органининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ушбу органнинг расмий сайтыга қайси муддатда жойлаштирилиши зарур?

- a) Беш иш кундан кечикмай
- b) Икки кундан кечикмай
- c) Ўн кундан кечикмай
- d) Бир ойдан кечикмай
- e) Уч кундан сўнг

5. Давлат органининг расмий сайти қайси домен зонасида жойлаштирилиши керак?

- a) Com
- b) Gov
- c) Uz
- d) Net
- e) Biz

6. Портални шакллантириш йўли билан интернет орқали фуқароларга барча давлат хизматлари мажмуини тақдим этувчи “электрон ҳукумат” тизимининг ташкил этувчисини кўрсатинг:

- a) G2C – (Ҳукумат-Фуқаро)
- b) G2B – (Ҳукумат - Бизнес)
- c) G2G – (Ҳукумат - Ҳукумат )
- d) G2E – (Ҳукумат - Ишчи)
- e) C2C - (Фуқаро - Фуқаро)

7. Давлатни бошқариш органлари билан бизнес ўртасида самарали муносабатларни шакллантирувчи “электрон ҳукумат” тизимининг ташкил этувчисини кўрсатинг:

- a) G2C – (Ҳукумат-Фуқаро)
- b) G2B – (Ҳукумат - Бизнес)
- c) G2G – (Ҳукумат - Ҳукумат )
- d) G2E – (Ҳукумат - Ишчи)
- e) C2C - (Фуқаро - Фуқаро)



8. Давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни шакллантирувчи “электрон ҳукумат” тизимининг ташкил этувчисини кўрсатинг:
- G2C – (Ҳукумат-Фуқаро)
  - G2B – (Ҳукумат - Бизнес)
  - G2G – (Ҳукумат - Ҳукумат)
  - G2E – (Ҳукумат - Ишчи)
  - C2C - (Фуқаро - Фуқаро)
9. «Электрон ҳукумат» нима?
- Давлат органларини майтларининг Интернетдаги тўплами
  - Интернет-хавфсизлиги тизими
  - Ҳар хил давлат органларида олиб бориладиган мажлислар ва йиғилишларнинг электрон кўриниши
  - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги махсус бўлими
  - Ахборотларга электрон ишлов бериш, узатиш ва тарқатиш воситалари асосида давлатни бошқариш тизими
10. Ягона ойна Марказлари фаолияти йўналишини кўрсатинг:
- Бир жойдан туриб аҳолига кенг миқёсида ижтимоий хизматларни кўрсатиш
  - У ёки бу туманда истиқомат қилувчилар учун Интернетдан фойдаланишни таъминлаш (Интернет кафе принципи асосида)
  - Microsoft Office, Windowsда ишлаш бўйича курслар ўтказиладиган семинарларни ташкил этиш
  - Марказ фуқароларга босма нашрларга обуна бўлиш учун аризалар, ҳамда газеталарга эълонлар бериш имконини яратади
  - Тўғри жавоб йўқ

### Умумий тестлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 декабрдаги 259-сонли Қарорига мувофиқ, gov.uz - Ўзбекистон Республикаси ҳукумат порталини ахборот билан ким таъминлайди ?
- Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари Маркази
  - UZINFOCOM Маркази*
  - Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
  - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
  - Адлия Вазирлиги
2. 2005 йил 22 ноябрдаги 256-сонли Ҳукумат қарорига мувофиқ шакллантирилган “Давлат органлари ахборот тизимларини ва ахборот ресурсларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими»нинг веб-саҳифаси манзилни кўрсатинг:
- www.gov.uz
  - www.ict.uz

- c) www.reestr.uz
- d) www.ict.gov.uz
- e) www.reg.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 340-сонли Қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги маълумотлар базаси ахборот- қидирув тизимининг манзилени кўрсатинг:

- a) UniconUZ
- b) LexUZ
- c) Lexus
- d) QonunUZ
- e) NormaUZ

4. Идоралар ресурслари ва/ёки ахборот тизимлари орқали юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатиш тури қандай номланади?

- a) Техник қўллаб-қувватлаш
- b) Интерактив давлат хизматлари
- c) Давлат хизматлари
- d) Телекоммуникация хизматлари
- e) Интернет хизмати

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги 181-сонли Қарорига мувофиқ интерактив давлат хизматлари Реестрини юритиш ким томонидан амалга оширилади?

- a) Ички ишлар вазирлиги
- b) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- c) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
- d) Ташқи ишлар вазирлиги
- e) Адлия вазирлиги

6. Ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари қандай номланади?

- a) Ахборот ресурси
- b) Ахборот тизими
- c) Ахборот технологияси
- d) Телекоммуникация тизими
- e) Компьютер тизими

7. Ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси қандай номланади?

- a) Ахборот ресурси
- b) Ахборот тизими

- c) Ахборот технологияси
- d) Телекоммуникация тизими
- e) Компьютер тизими
- f)

8. . Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 28 сентябрдаги 191-сонли Қарорига мувофиқ, «ZiyoNET» тармоғи ахборот ресурсларининг яратилиши ва экспертизадан ўтказилиши учун қайси давлат органлари жавобгар ҳисобланади?

- a) Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ва Ҳалқ таълими вазирлиги
- b) Ташқи ишлар вазирлиги ва Ички ишлар вазирлиги
- c) Адлия вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
- d) Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги
- e) Адлия вазирлиги ва Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

9. ZiyoNET бу:

- a) Жамоат таълим ахборот тармоғи
- b) Интернет-магазин
- c) Интернет провайдер – компанияси номи;
- d) Савдо майдончаси
- e) Ҳусусий виртуал тармоқ

10. www.uz бу:

- a) Миллий қидирув тизими
- b) Интернет-магазин
- c) Интернет провайдер – компанияси номи;
- d) Савдо майдончаси
- e) Ҳусусий виртуал тармоқ

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг веб-саҳифаси манзилени кўрсатинг:

- a) www.edu.uz
- b) www.soliq.uz
- c) www.gov.uz
- d) www.reestr.uz
- e) www.aci.uz

12. gov.uz нима?

- a) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб-саҳифаси
- b) Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг веб-саҳифаси
- c) Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот-хизмати веб-саҳифаси
- d) Жамоат таълим ахборот тармоғи

e) Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали

13. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг веб-саҳифаси манзилни кўрсатинг:

- a) [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
- b) [www.ict.gov.uz](http://www.ict.gov.uz)
- c) [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- d) [www.reestr.uz](http://www.reestr.uz)
- e) [www.aci.uz](http://www.aci.uz)

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот-ҳизмати веб-саҳифасини кўрсатинг?

- a) [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
- b) <http://www.press-service.uz/>
- c) [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
- d) [www.reestr.uz](http://www.reestr.uz)
- e) [www.aci.uz](http://www.aci.uz)

## ХУЛОСА

XX асрнинг охиридан бошлаб, биз ҳаммамиз ягона ўзаро боғланган яхлит оламнинг улкан эпопеяси яратилишининг гувоҳи ва иштирокчиларига айландик. Башариятнинг катта ва кичик жамоалари янада кучлироқ бир-бирига таъсир ўтказмоқда, кўп ёки камроқ яшашга мослашган бутун-бутун минтақалар даври ўтмишга айланди. Инсоният тақдири бир-бири билан тобора жипслашиб, узлуксиз равишда боғланиб бормоқда. Инсониятнинг ривожланиш тарихи давомида ижтимоий ўзгаришларнинг кечиши нисбатан секин юз берган, кўпчилик одамлар ота-оналари қандай турмуш кечирган бўлсалар, шундай яшаганлар. Ҳозирги замонамизда эса, бунинг аксича, муттасил радикал ўзгаришларга дуч келаётган шароитда яшамоқдамиз. Бу ҳодиса глобаллашув тушунчасида ўз ифодасини топмоқда.

XX асрда глобаллашув жараёнининг тезлашиши, умумсайёравий цивилизациянинг ривожланиши натижасида жаҳон мафкураларининг характери ўзгарди. Бу ўзгаришлар турли ғояларнинг ривожланишига бир қадар қўл келади ҳамда турли ғояларнинг салбий таъсирини кучайтиради. Ўз мақсадини аниқ белгилаб олган, ўз миллий ғоясини шакллантирган миллатгина ривожланган келажагини таъминлай олади.

Глобал муаммолар таҳлили эса ҳозирги даврдаги глобал жараёнларни ўрганиш ҳамда ечимини топиш учун қаратилиши керак. Ҳозирги даврдаги асосий вазифа цивилизациялар ривожланишининг янги моделини яратиш ва унинг алоҳида тури сифатида барқарор ривожланиш концепциясини вужудга келтириб, ер юзида инсониятнинг яшаш муҳитини сақлашни таъминлашдир.

Ҳозирги замонда ахборотлар алмашуви шу қадар ўсганки, жамиятни ахборотлашаётган жамият деб аталмоқда. Ахборотлар йиғими энг муҳим ишлаб чиқариш захираларидан бирига айланиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиши-мизда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш коммуникация умумийлигини (яъни моддий маҳсулот алмашуви, умумий бозор), маънавий маҳсулот алмашуви, яъни ахборотлар алмашуви ва унинг воситаси – умумий тилни шакллантирди. Жаҳон халқлари орасида коммуникация жадал ривожланаётган шароитда унинг мақсадларига хизмат қиладиган тилларнинг аҳамияти ортиб боради, чунки тарихан ва мантиқан ахборотлар алмашувининг кўлами тиллар ривожланганлиги даражасига боғлиқдир. Давримиз ахборот асри деб аталади. Яъни, илмий маълумотлар ва билимлар мажмуи ўсиб бориши, чегаралардан ошиб жаҳонга тарқалиши тезлашди. Ҳозирги пайтда кишилар ҳамда халқлар орасидаги коммуникация ва алоқа воситаларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 700 га яқин оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлиб, улардан 500 дан ортиғини газеталар ташкил этади. Шунингдек дунёнинг ривожланган мамлакатларида трансакцион, яъни узоқ масофаларга бориб келиши билан боғлиқ харажатнинг кескин камайишига имконият яратувчи ва жаҳон иқтисодиёти ривожига қўшимча куч бера оладиган электрон рақамли электрон ҳужжатлар алмашинуви тизими ҳам кенг қўлланилмоқда. Илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ортиқча ҳисоб-китоб

ва қоғозбозликларни қисқартириш асосида давлат бошқаруви тизимини босқичма-босқич модернизация қилиш ҳамда самарадорлигини оширишни зарурий-маъмурий ислохотлар йўналишларидандир.

Ҳозирги даврда дунёнинг энг ривожланган давлатлари томонидан глобал ахборот тизимини шакллантириш борасида кўп ишлар қилинмоқда. Фан ва техника ютуқлари асосида ахборот ва коммуникация технологиялари кескин равишда ривожланыпти. Масалан, 1991 йилда дунё бўйича Интернет тармоғига 700 минг компьютер уланган бўлса, ҳозирги пайтда ундан фойдаланувчилар 4 миллиаргга етиб қолди.

Республикамизнинг ахборот коммуникация соҳасида жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёни жадал ривожланаётир. Бу соҳага эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. 2002 йилда республика Вазирлар Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш тўғрисида”ги Фармони чиқди. Яъни ҳукуматимиз томонидан 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш давлат дастури қабул қилинди. Олий Мажлиснинг “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонунида ахборот ресурсларидан фойдаланиш тоифалари ва уларни аниқлаш тартиблари ифодаланган бўлиб, ушбу соҳага хориж инвестицияларининг киритилишига шароит яратади. Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган, масофадан ўқитиш, телетиббиёт, электрон тижорат каби янги хизматлар ривожлантирилди.

“Электрон ҳукумат” концепциясида (давлат органларига мурожаат қилиш жараёнларининг соддалаштирилиши англанади) Интернет орқали ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар учун қарийб барча давлат хизматларини кўрсатиш кўзда тутилади ҳамда ундан унумли фойдаланилади.

Постиндустриал жамият инсон ва табиат ўзаро муносабатининг тўртинчи даври бўлиб, бу бир бутун ахборот-экологик жамият деб аталади. Цивилизациянинг экологик ҳолати ахборотлашаётган жамият базасида ташкил топади ва информатсион экологик цивилизация даври деб ҳам аталади. Бу жараёнда технологияларнинг энг янги воситалари бўлган ахборотдан самарали тарзда фойдаланилади. Булар эса планетар экоривожланишни рационал асосда таъминлайди ва келажакда экоривожланишнинг ахборотлашиш стратегиясини кўзда туттади. Албатта, бу моддий-энергетик таъсирни камайтириш ҳисобига амалга оширилади.

Эндиликда глобал ва минтақавий даражада экологик шароитни яхшилаш масалалари ҳал этилади. Яъни, ижтимоий тараққиёт билан бирга қулай табиий шароитни сақлаш, уларнинг ўзаро таъсирини баланслаштириш, инсон ва жамиятни давлатлараро цивилизацияларни гармонизациялашга эришиш муаммоларини ҳал этиш зарурдир. Ижтимоий соҳада ахборот тўпланиши инсоният келажаги ва Ер юзида экологик муаммоларни ҳал этишнинг самарали механизмини яратади, бу эса цивилизациянинг ёндошувни ҳам тараққий эттиради.



## Х. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. – Б.39.
15. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
16. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
17. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. –Тошкент, Ўзбекистон, 2017. - 48 б.
18. Альджанова И. “Ўқув портфолиоси – бўлажак ўқитувчиларда касбий компетентликни шакллантириш воситаси сифатида” Педагогик таълим журнали, 2012 йил 4-сон, 46-бет.
19. Мусаева С. “Портфолионинг мақсад ва моҳияти” Педагогик таълим журнали, 2013 йил 1-сон, 20-бет.
20. Бегимкулов У, Т.Шоймардонов и др. Информационно-методическое обеспечение непрерывности образовательного процесса на основе электронного сопровождения. Материалы международной конференции. Санкт-Петербург (Россия), 2012 год, 5 стр.
21. Данелян Т.Я., Квятковский А.В. Информационные технологии в сфере юриспруденции. ЛЕНАНД 2017. 104с.
22. Евзрезов Д.В. Образование в условиях информационной глобализации: монография. Новосибирск Изд-во НГПУ 2013. 200с.
23. Сысоев П.В. Информационные и коммуникационные технологии в лингвистическом образовании. Изд.стереотип. Книжный дом ЛИБРОКОМ 2015. 264с.
24. Трайнев В.А., Теплышев В.Ю., Трайнев И.В. Новые информационные коммуникационные технологии в образовании. Информационное общество. Информационно-образовательная среда. Электронная педагогика. Блочно-модульное построение информационных технологий. М. Издательско- торговая корпорация `Дашкови Ко` 2008. 320 с.
25. Федотова Е.Л. Информационные технологии в науке и образовании. Учебное пособие Высшее образование - М. : Форум, 2018. - 334 с.
26. Холюшкин Ю.П., Витяев Е.Е., Костин В.С. Информационные технологии в гуманитарных исследованиях. Выпуск 18. Задачи археологии и методы их решения Новосибирск ИД Манускрипт 2013. 98с.

### Қўшимча адабиётлар:

45. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 2004, - 670 б.



46. Абдурахмонов К.Х. Меҳнат бозоридаги энг янги тамойиллар: глобаллашув ва миллий манфаатлар// Меҳнат иқтисодиёти. - Т.: Меҳнат, 2005. - 183 б.
47. Арипов М. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. -Т.: Университет, 2001. - 367 б.
48. Арипов М. Internet ва электрон почта асослари. - Т.: Университет, 2000. - 132 б.
49. Абдуллаева М. ва бошқа. Синергетиканинг табиий-илмий ва фалсафий муаммолари/(илмий мақолалар тўплами)–Т.:”Ношир” МЧЖ.-2009.-207 б.
50. Балабанов И.Т. Интерактивный бизнес. - СП(б): Питер, 2001. - 314 с.
51. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий маърифий таълимотлар тараққиёти. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. - 477 б.
52. Винер Н. Человек управляющий. - СП(б): Питер, 2001. - 288 с.
53. Винер Н. Кибернетика и общество. - М.: Наука, 1991. - 620 с.
54. Ёқубова М.И. Фан ахборотлашувининг жамият ривожигадаги ўрни./ Услубий қўлланма. –Т.: 2010. -43 б.
55. Ёқубова М.И. Ижтимоий тараққиёт ва маданиятнинг ахборотлашуви/ Услубий қўлланма.-Т.: Ношир-Нишон.-2010.-47 б.
56. Журналистика в информационном обществе// Под.Ред. Попова Л.Г. - М.: МГУ, 2001. - 276 с.
57. Затуливерет Ю.С. Информационная природа социальных перемен. - М.: СИНТЕГ, 2001. - 132 с.
58. Замонавий рақамли ахборот телекоммуникация ва компьютер технологияларини жорий этиш вазифалари.// Ўзбекистон жамиятини демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох қилиш йўлида. Қ.Назаров таҳрири остида. - Т.: Академия, 2005.
59. Иванова М. Институт развития информационного общества. - М.: Владос, 2002. - 840 с.
60. Киселев Ю.Н. Электронная коммерция: практическое руководство.- СП(б): ДиаСофтЮП, 2001. - 224 с.
61. Корогодина В.И., Корогодина В.Л . Информация как основа жизни.- Дубна: Феникс, 2000. -208 с.
62. Королёв Л.Н., Власов В.К. Компьютеризация в науке и производстве. - М.: Знание, 1988. - 35 с.
63. Кутыров В.А. Культура и технология: борьба миров. - М.: Прогресс, 2001. - 240 с.
64. Мамфорд Л. Миф машины. Техника и развитие человечества. - М.: Логос, 2001. - 408 с.
65. Масуда Е. Информационное общество-постиндустриальное общество. - М.: АГРАФ, 2002. - 225 с.
66. Маклуэн Г. Коммуникационная революция. - М.: Наука, 2000. - 75 с.
67. Моисеев Н.Н. Судьба цивилизации.Путь разума.-М.:АГРАФ,2000.-224 с.

68. Миллий ғоя ва раҳбар масъулияти. /Қ.Назаров ва бошқалар. ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси.- Т.: Гафур Гулом нашриёти, 2007, 736 бет.
69. Мухамедова З. Таълимнинг инсонпарварлашуви.-Т.:1-ТашГосМИ, 2004
70. Модернизация жараёнининг фалсафий-методологик таҳлили/ М.Абдуллаева таҳрири остида -Т.:Ношир.-2010.- 93 б.
71. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. - Т.: Янги аср авлоди, 2001. - 52 б.
72. Поликарпов Е.В. Информатизация общества - Ростов-на-Дону.: ФЕНИКС, 2004.- 154 с.
73. Свитич Л.Г. Социальная информатиология.-М.: Алгоритм, 2000.- 250 с.
74. Соколова А.Н., Геращенко Н.И. Электронная коммерция: мировой и российский опыт. - М.: Открытые системы, 2000. - 224 с.
75. Тацуно Ш.Технополис и будущее Японии.-М.:Синтег,2001.-164 с.
76. Тойнби А.Цивилизация перед судом истории.-М.:Рольф,2002.-592 с.
77. Тоффлер Э. Шок будущего. - М.: АСТ, 2001. - 669 с.
78. Тоффлер Э. Футурошок. - М.: АСТ, 2000. - 346 с.
79. Тоффлер Э. Метаморфозы власти. Знание, богатство и сила на пороге XXI века. - М.: ООО АСТ, 2001. - 669 с.
80. Туленова К. Предвидение. - Т.: Шарк, 2001. - 110 с.
81. Усмонов И. Баркамол инсон одоби. - Т.: Ўқитувчи, 1997. - 5 б.
82. Фалсафа қомусий луғат.-Т.: Шарк, 2004, 424 б.
83. Фалсафа ва ижтимоий тараққиёт.// Илмий конференция материаллари.1-2 қисм.-2008 йил 21-22 феврал
84. Фомин Ю.А. Человечество в XXI веке. - М.: Синтег, 2001.- 80 с.
85. Қаҳҳарова Ш. Глобал маънавият-глобаллашувнинг ғоявий асоси. – Т.:Тафаккур, 2009, -446 б.
86. Чумаков А.Н. Глобализация и информационных процессов// Глобализация. - М.: Наука, 2005. - 580 с.
87. Чумаков А. Глобализация. Контуры целостного мира. - М.: Проспект, 2005. - 111 с.
88. Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарк, 2003. - 509 б.

#### **Интернет ресурслари**

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти:  
[www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
17. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
18. [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
19. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
20. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
21. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
22. [www.philosophy.ru](http://www.philosophy.ru).
23. <http://www.intencia.ru>.
24. <http://www.anthropology.ru>
25. <http://www.ido.rudn.ru>.

26. <http://www.filosofia.ru>.
27. <http://www.falsafa.dc.uz>.
28. <http://www.phenomen.ru>.
29. <http://www.lib.ru/FILOSOF>.
30. <http://www.filam.ru/sait.phg>.